

УШБУ СОНДА:

КАК ПРИМЕНЯТЬ
ГЕОГРАФИЧЕСКУЮ
ИНФОРМАЦИОННУЮ СИСТЕМУ
(ГИС) В БИБЛИОТЕЧНОЙ
СИСТЕМЕ?

8 стр.

КУТУБХОНА – МИЛЛАТ
МАЪНАВИЯТИНИНГ
ЭШИГИ

12 бет

ВСЕУКРАИНСКИЙ
МЕСЯЧНИК ШКОЛЬНЫХ
БИБЛИОТЕК «ШКОЛЬНАЯ
БИБЛИОТЕКА –
ЦЕНТР ТВОРЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ РЕБЕНКА»

26 стр.

УЛУҒЛАРНИ УЛУҒЛАР
ТИРИЛТИРГАЙ...

48 бет

«TURON» ТАРИХИДАН
СЎЗЛОВЧИ САҲИФАЛАР

54 бет



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН
«INFOLIB UZBEKISTAN – 2018» VII MILLIY AXBOROT-KUTUBXONA HAFTALIGIDAN FOTOLAVHALAR



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

- ТАҲРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
3 Ушбу сонда
- МИНБАР – ТРИБУНА**
4 Маданий мерос тарғиботининг замонавий тамойиллари. **Ж. Исмоилова**
- 8 Как применять географическую информационную систему (ГИС) в библиотечной системе? **Сун Жи Пак**
- УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА**
12 Кутубхона – миллат маънавиятининг эшиги. **Эркин Аъзам**
- ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
14 Новости информационно-библиотечной сферы в мире
- INFOLIB USBEKISTAN – 2018**
18 «INFOLIB USBEKISTAN – 2018» VII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги янгиликлари
- ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ – МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА**
22 Научная библиотека Тартуского университета Эстонии. **О. Эйнасто**
26 Всеукраинский ежемесячник школьных библиотек «Школьная библиотека – центр творческого развития ребенка». **И. Хемчян**
30 Национальная библиотека Республики Армения – крупнейшее в мире книгохранилище армянской печатной книги. **М. Галстян**
34 Центр научно-информационного обеспечения образования и науки. **Л. Страйгородская**
36 Деятельность библиотеки Варшавского университета. **Б. Хмелевска**
38 Наука, технологии и информация в библиотеках (Libway–2018). **В. Борисов**
40 Кўлэзма ва босма меросларни тиклаш, сақлашнинг янги технологиялари VIII халқаро илмий амалий семинари. **А. Қиличбоев**
42 Китоб – халқларни ўзаро ҳамкорлик ва тараққиётга элтвучи йўл. **М. Болтабоева**
- ХАЛҚАРО МЕРОС – МЕЖДУНАРОДНАЯ НАСЛЕДИЕ**
44 Источники по ознакомлению с Ходжой Убайдуллохом Ахрари Вали. **А. Наушахи**
- МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
48 Улуғларни улуғлар тирилтиргай... **И. Ҳаққул**
54 «TURON» тарихидан сўзловчи саҳифалар. **Ф. Нуриддинова**
60 Сомон санъатининг ривожланиш жараёнида? **Ж. Жумаев**
64 Фондларда сақланаётган Шарқ кўлэмалари тавсифи. **Н. Зоитова**
68 Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг «ал-Мустасфо» асари муҳим фикҳий манба. **А. Маллабоев**
70 Новооткрытый письменный памятник начала XIV в. «Муқаддимат ал-адаб» аз-Замахшари. **Ф. Махмудов**
74 Зиё масканига бағишланган умр. **Ф. Қосимбекова**
76 «Ал-Ҳидоя»нинг асрий ҳидояси. **С. Жамолов**
- АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
78 Кадровый менеджмент в библиотеках. **М. Максумова**
82 Инновационные формы массовой работы в Национальной библиотеке Узбекистана. **М. Муратова**
84 «Microbox» – босма нашрларни рақамлаштиришда етакчи. **И. Мухтаров**
86 Имконияти чекланган шахсларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш. **Д. Нурматова**
- МУҲИМ САНАЛАР – ПАМЯТНЫЕ ДАТЫ**
88 Муҳим саналар.
- ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
92 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар.
- ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ**
94 Кутубхонами ёки трамвай бекати?

«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномаси
Информационно-библиотечный вестник –
«INFOLIB»

№4 (16) 2018 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Алишер Абдуазизов – раис

Кенгаш аъзолари:

Асаджон Ходжаев
Эркин Охунжонов т.ф.д., профессор
Марат Рахматуллаев т.ф.д., профессор
Абдусалом Умаров с.ф.д., профессор
Комил Алламжонов
Алишер Файзуллаев
Тўлқин Тешабоев
Бахтиёр Сайфуллаев
Умиджон Аъламов
Ғулом Нарзуллаев пед.ф.н

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир

Ҳайъат аъзолари:

Умида Тешабоева
Раиса Ратнер
Зухра Бердиева
Абадбой Қиличбоев
Баҳодир Мўминов т.ф.д.
Владимир Борисов

Жавлон Жовлиев – бош муҳаррир ўринбосари
Марина Ким – муҳаррир
Муяссар Болтабоева – мусаҳҳиб
Акбар Қаландаров – дизайнер
Бобур Тургунов – фотомуҳбир

Нашр учун масъул

Фаррух Мусаев

Босишга 30.12.2018 йилда ружат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,7.
ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлиги томонидан № 0846 рақами
билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномасидан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

Ушбу «INFOLIB» – ахборот-кутубхона хабарномаси
тахририятнинг компьютер марказида тайёрланди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: infolibnl@gmail.com Сайт: www.natlib.uz
Телефон: +99871 239 41 24; +99871 232 83 97

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг матбаа бўлимида чоп этилди.
Буюртма № 485 Адади 1000 дон
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй

УШБУ СОНДА:

Кечагина Сиз азиз муштарийлар билан йил бошини қаршилаган ва бир йиллик ишлар режаси ҳақида фикрлашган эдик. Мана, ҳеч қанча вақт ўтмасдан йилномамиз ҳам якунланди. Кунлар бир-биридан сакраб, янги йил, янги кунлар кириб келди. Албатта, вақт ва фурсат ўз ишини қилганидай, ўтаётган кунлар ҳам биздан ўз бадалини ҳамда сўроқларига жавобимизни кутади. Хўш, ўтган йилда биз нималарга эришдик, нималарда зафар қозондик? Олдимизга қўйган вазифаларни уддаладикми? Ўйлаймизки, бу каби саволларни касбкоридан қатъий назар ҳар кимнинг хаёлидан ўтиши табиий. Жумаладан, кутубхоначиларнинг ҳам. Чунки бугунги тезкор замонда ҳар қадам, ҳар кунимиз бизга савол ташлайди, унинг ечимни топиш ва мақсадларимизни белгилаш учун эса доим ўз устимизда ишлашимиз керак бўлади. Бу йўлда Сизга «Инфолиб» журналининг кўмаги тегаётган бўлса, ўйлаймизки, бизнинг ишлар ҳам бесамар кетмаяпти.

Сизга тобора қадрдон бўлиб, нафақат кутубхонангиздан, балки қалбингиздан жой олиб бораётган журналимизнинг янги сони ҳам нашрдан чиқди. Бу журнал Сизда юртимизда кутубхона ишлари борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида яққол тасаввур пайдо қилади. Журналимизни қўлингиздаги сонини варақлаш орқали сизни соҳанинг турли мавзудаги, бир-биридан қизиқарли мақолалари қарши олади. Бу мақолалар нафақат кутубхона ҳақида, балки тарих, санъат ва адабиётга оид бўлиб, бетакрор санъатнинг ўзига хос томонлари ҳақида сўзлайди.

Бу гал жураналимизнинг меҳмони Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам бўлди. У ўзининг кутубхона борасидаги хотиралари, замонавий кутубхоналар ҳақидаги фикрлари, инсон зотининг ўзини англаши йўлида китобнинг ўрни ҳақида фикрлар билдиради. Бу суҳбат Сизга маъқул келади деган умиддамиз.

Хабарингиз бор бу йил ўзбек ва тожик адабиётининг етук намоёндаси бўлган Садриддин Айнийнинг 140 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан журналимизнинг мазкур сонидида филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққулнинг «Улуғларни улуғлар тирилтиргай» мақоласи орқали Айний меросига яна бир нигоҳ ташлаймиз. Шунингдек, мазкур сонда Жанубий Кореянинг Хансунга университети профессори, фалсафа фанлари доктори Сун Жи Пакнинг

мақоласини ўқишингиз мумкин. Муаллиф ўз мақоласида географик ахборот тизимини (ГАТ) қўллаш орқали ижтимоий муоммоларни ҳал этиш борасидаги ўз ғоялари ва ечимларини илгари суради. Тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилованинг «Маданий мерос тарғиботининг замонавий тамойиллари» номли мақоласида тарих ва унинг тарғиботи ҳақида гап боради. Варшава университети кутубхонаси ҳақида маълумотга эга бўлишни истасангиз, журнал саҳифаларидан ўрин олган Барбара Хмелевсканинг мақоласини ўқисангиз, унда 1816 йилда барпо Варшава университети кутубхонаси ҳақида атрофилича фикрга эга бўласиз.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари ҳақида эшитганмисиз? Бу асар ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланаётгани ва ўта муҳим манбалардан бири эканлигидан хабарингиз борми? Шарқ қўлёзмалари бўйича мутахассис Файзхўжа Маҳмудовнинг журналдан ўрин олган мақоласини ўқиш орқали бу китоб ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўласиз. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобидаги ўзига хос услуб ва ёндошувлардан хабардор бўлиш учун эса, албатта, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси манбалар хазинаси илмий ходими Саъдулла Жамаловнинг мақоласи орқали танишингиз мумкин. Абдуллоҳ Маллабоевнинг мақоласида эса улўғ боболаримиздан Ҳофизиддин Насафийнинг «Ал-мустасфо» асари ҳақида атрофилича маълумотга эга бўласиз. Жасур Жумаевнинг сомон санъати ҳақидаги мақоласи ҳам аҳамиятга молик бўлиб, унда бу санъатнинг тарихи, ўзига хосликлари ва машаққатлари ҳақида атрофилича маълумотга эга бўласиз.

Журналимиз анъанасига кўра дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, янги ва интерактив ғоялар асосида тикланган кутубхоналар ҳақида сизни хабардор қилиб бормоқдамиз. Бу сафар сиз Канаданинг Калгари шаҳарида қад ростлаган бетакрор кутубхонаси ҳақида маълумотга эга бўлсиз.

Ўйлаймизки, журналнинг янги сони Сизга манзур келади. Ундаги мақолалар Сизни беэътибор қолдирмай, маълум бир фикрларни олишингизга, соҳада янгиликлар қилишингизга ундаса, биз бундан чексиз миннатдормиз!

Янги йилингиз қутлўғ бўлсин, азиз муштарийлар! ■

МАДАНИЙ МЕРОС ТАРҒИБОТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ



Жаннат Исмоилова,
Ўзбекистон тарихи
давлат музейи
директори,
тарих фанлари
доктори

» **Х**озирги давр музейшунослиги соҳасида улкан ўзгаришлар даври бўлиб, янги йўналишлар ва янгича қарашлар бу соҳани замон билан ҳамнафас равишда ривожланишига асос бўлмоқда. Шунингдек, бу давр жамият онгини умумжаҳон маданий меросига нисбатан бўлган муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ўринда дунёнинг барча мамлакатларидаги воқеа ва ҳодисалар, жаҳон бўйлаб машҳур бўлган дам олиш масканлари, табиат мўъжизалари ва маданий мерос объектлари ҳақида тезкор маълумот берувчи ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. Бу ҳолат туристларни кўплаб мамлакатларнинг маданияти ва турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқишини орттириб бормоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда жаҳон туризми иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида ҳамда инсонларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтиришда жамиятнинг муҳим бўғинига айланди.

Ахборот технологияларини тезлик билан ривожланиши маданий-маърифий муассаларни зиммасига янада кўпроқ, долзарб вазибаларни юклармоқда. Бу ўринда техника

билан унчалик ҳам боғлиқ бўлмаган соҳалар, жумладан, музейлар, кутубхоналар, архивлар, адабиёт ва санъат соҳалари каби йўналишлар ҳам ўз фаолиятини замонавий технологиялар билан уйғунлаштирмоқда.

1963 йилда биринчи бўлиб америкалик мутахассислар Миллий музейда компьютер ёрдамида музей коллекцияларини ахборотлаштиришга ҳаракат қилган. Кейинги 30-40 йил давомида замонавий технологиялар музей фаолиятини тубдан ўзгаришига сабаб бўлди ва музей ходимлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Техника воситалари музей фондларидаги иш жараёнини бир тизимга солиш ва ягона ахборот тизимини яратишга катта таъсир кўрсатди. Бутун дунё музейлари замонавий техника ёрдамида йиллар давомида қийинчиликлар билан амалга ошириб келаётган иш жараёнларини тез ва сифатли бажаришга муваффақ бўлди. Бу жараёнлар музейнинг ягона ички ахборот тизимини яратиш, улар асосида музей коллекцияларини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш тизимини яратишда ўз аксини топди. Дастлабки ушбу тизим фақатгина экспонатлар рўйхати билан чегараланган бўлса, техника асрида уларни рақамлаштириш, музей сайтларига чиқариш, ҳатто бутун дунё ҳамжамиятини музей коллекциялари билан интернет орқали хабардор қилиш имкониятлари очилди.¹

Ахборот ташиш воситалари ва интернет тармоғининг юксалиши музейлар ҳаётидаги катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Замонавий технологияларни пайдо бўлиши нафақат бир музейнинг ички фаолияти, балки бутун дунёда фаолият кўрсатаётган музейларнинг ўзаро алоқасини шакллантириш, глобал тарзда музейлар йўналишини такомиллаштириш, муаммоларини ечиш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этди.

Ушбу ўзгаришлар XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида музейлар фаолиятида замо-

¹ Демидов К. Музеи сегодня: проблемы и перспективы. Информатизация музеев. Екатеринбург, 1998.





навий янги йўналишлар, шу билан бир қаторда, янги технологияларни қўллаган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб боришига имкон туғдирди.

Маълумки, театр, кутубхона, маданий-маърифий муассасалар, инсонга маънавий озуқа берувчи, уларни дунёқарашини шакллантириш ва маънавий баркамолликка етакловчи маърифий муассаса ҳисобланади. Ҳозирги кундаги замонавий инсон ўзи учун керакли ва фойдали бўлган ахборотлар билан бир қаторда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган маълумотларни ҳам ўзига сингдириб келмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги маданий-маърифий муассасалар олдида жамият фуқароларини маънавий бўшлиқ ва ғаразли оқимлардан асраб-авайлашдаги масъулияти янада ортиб бормоқда.

Ўзбекистондаги музейлар, архивлар ва кутубхоналарда сақланаётган осори-атиқалар, моддий ва маънавий ёдгорликлар маданий меросни сақлаш ва тарғиб этишда бир хил масъулият билан фаолият кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Бу муассасалар доимий равишда ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини турли кўринишлардаги ахборотлар тизимида тўплаб боради. Албатта, бу улкан ахборот оқимини инсоният томонидан бирданига ҳам жисмонан, ҳам маънан қабул этиш ёки идрок этиш мумкин эмас. Балки шу сабабли ҳам маданий мерос ҳақидаги маълумотларни бири-бири билан уйғунлашган ҳолда умумлаштириш ва уни ўзлаштириш учун замонавий йўналишларга асос солиш истаги туғилгандир. Бу муассасалар орасидаги чегараларни янги лойиҳалар асосида аста-секинлик билан йўқолиб бориши келажакда нафақат биргина давлат миқёсида, балки умумжаҳон маданий мерос ахборот маркази сифатида маълумотлар базасини шаклланишига имкон яратади.

Биз кутубхоналар ҳақида сўз юритар эканмиз, улардан асосий ахборот негизи си-

фатида кўп фойдаланувчи китобхонлар кўз олдимизга келади. Архивларда эса асрлар давомида тўпланиб келаётган, бир неча нусхада сақланаётган ҳужжатларни тасаввур қиламиз. Музейлар эса нафақат осори-атиқалар, балки китоблар ва ҳужжатлардан иборат фондлардан ташкил топган. Бир томондан қараганда, бу муассасалар бир-биридан мустақил равишда йиллар давомида алоҳида фаолият юритиб келган бўлса, бугунги кунда улар орасидаги интеграция замон талабига айланди.

Бугунги музейлар фаолиятида яна янги йўналишлар пайдо бўлди. Музейлар номи бошқа бўлса-да, асл мазмун-моҳияти бир бўлган маданий мерос объектлари ҳисобланмиш кутубхоналар ва архивлар фаолияти билан чамбарчас боғланди. Кечагина алоҳида ўз худудидан ташқарига чиқмаган музейлар, архивлар ва кутубхоналар бугун ўзаро ҳамкор сифатида янги лойиҳалар ташаббусқори бўлиб чиқдилар.

Ҳозирда жаҳон бўйлаб музей, кутубхона ва архив ҳамкорлигида машҳур лойиҳалар асосида иш олиб борилмоқда. Маданий муассасаларда сақланаётган қўлёзма ва китоблар ҳақидаги маълумотларни тадқиқотчиларга маълум қилиш ва ундан фан ривожини учун фойдаланишига уларнинг асл қийматини белгилайди.

Шу сабабли ҳам, бу соҳада бошланган ишларнинг ўзига хос катта аҳамияти бор. Мисол тариқасида 2000 йилда қабул қилинган Россия Федерациясида «Россия Федерацияси кутубхона фондларининг миллий дастури»ни келтириш мумкин. Ушбу дастурга кенг миқёсда тадқиқотчилар ва олимлар учун китоб хотираси ҳақидаги ахборотни шакллантириш вазифаси қўйилди.²

Бу дастур доирасида Россия Федерацияси бўйича ягона китоб ёдгорликларининг рўйхатини шакллантириш ишлари бошланди. Н.А. ►

Биз кутубхоналар ҳақида сўз юритар эканмиз, улардан асосий ахборот негизи сифатида кўп фойдаланувчи китобхонлар кўз олдимизга келади. Архивларда эса асрлар давомида тўпланиб келаётган, бир неча нусхада сақланаётган ҳужжатларни тасаввур қиламиз. Музейлар эса нафақат осори-атиқалар, балки китоблар ва ҳужжатлардан иборат фондлардан ташкил топган

² Н.Ф.Вербина, А.Ц.Масевич. Рукописные книги в фондах библиотек, музеев и архивов Архангельской области.



Добролюбов номидаги Архангельск вилояти илмий кутубхонаси ҳам бу дастур асосида 2004 йилдан вилоятдаги мавжуд китоб ёдгорликларини тўплашга киришди.

Бу ишни бошлашдан аввал Архангельск вилоятидаги барча кутубхона ва музейларда сўровномалар ўтказилди. Биринчи натижа бўйича вилоят кесимидаги архив, кутубхона ва музейларда умумий ҳисобда 500 дан ортиқ қўлёзмалар сақланаётгани аниқланди.

Охири вақтларда ЮНЕСКО, Кутубхоначилик Ассоциацияси ва муассасалари федерацияси (ИФЛА) раҳбарлигида жаҳон маданий меросини сақлаш бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга оширди.

1999 йилда Парижда ЮНЕСКО дастури асосида «Жаҳон хотираси» лойиҳаси бўйича иш бошланди. Россиянинг «Миллат хотираси» дастури ҳам унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу мавзу янги «Авлодлар хотираси» дастурига асос солди. Ушбу дастурнинг асосий вазифаси ноёб ва бебаҳо нашрларни топиш ва муомалага чиқариш, оилавий ва шахсий кутубхоналар фондларини ўрганиш, кутубхоналарни маданий-меъморий мерос си-

фатидаги ўрни, ҳужжатларнинг ҳолати бўйича махсус тадқиқотларни олиб бориш, уларни электрон вариантини яратиш ва таъмирлашдан иборатдир.³

Жаҳон бўйича кенг қўламли интеграция лойиҳалари шу кунга қадар бир қанча халқаро лойиҳаларни амалга оширди. Улар орасида 2006 йилда World Digital Library лойиҳаси бўлиб, у Конгресс кутубхонаси ташаббуси билан бошланган. 2007 йил 17 октябрда ЮНЕСКО билан меморандум имзоланган. Шу йили бу лойиҳага Россия Миллий кутубхонаси ҳам қўшилди. Бу лойиҳада 193 та мамлакат қатнашмоқда. Лойиҳа асосида кутубхона, музей ва архивларидаги 190 мингдан ортиқ артефактларнинг таснифи, кўриниши жамланган.⁴

Яна шундай лойиҳалардан бири 2011 йилда бошланган Google Art Project бўлиб, Google платформаси томонидан махсус ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа жаҳондаги машҳур музейларнинг фондларини намойиш қилишга мўлжалланган бўлиб, Google Art Project менюси мавзулар бўйича шакллантирилган. Унда санъатшуносликнинг асосий йўналишлари: коллекциялар, рассомлар, техниклар, тарихий шахслар ва воқеалар акс этган. Лойиҳа доирасида эса лаборатория музей предметлари ва тарихий объектларни янги технологияларни жорий қилиш усуллари ҳам эътибор берилган. Улар орасида маданий ёдгорликларнинг уч ўлчамли панорамалари, 45000 дан ортиқ тасвирий санъат асарларининг макросъёмкалари ва панорама шаклидаги янги технологияларга оид 117 та видеолар ҳам жамланган.⁵

Google Art Project лойиҳаси яна бир неча лойиҳаларга асос бўлиб хизмат қилди. Улардан бири Historic Moments – «Тарих зарвараклари» лойиҳаси бўлиб, унинг шахсий сайти ва 1494 та виртуал мавзули электрон кўргазмаси, 421 та мавзули коллекциялари, 4 925 894 та музей ва архив ҳужжатларининг электрон нусхалари мавжуд.

Европа кутубхонаси TEL (The European Library) томонидан 2004 йилдан Европа миллий кутубхоналари каталогини жамлаш бошланган. Қисқа вақт ичида кутубхона 11 млн китоб ҳақида ахборот тўплади. Европа комиссиясининг таклифига биноан TEL Europeana (Европеана)нинг методологик асоси, маданий мероснинг провайдери ва асосий платформаси сифатида қолди. 2016 йилда TEL лойиҳаси ёпилди ва унинг барча маълумотлари ҳам Европеана таркибига киритилди.⁶


- Europeana (Европеана) портали – Европа



³ Т. Кузнецова. Культурная инициатива. Архив журналов. №21(135) 10.

⁴ Юмашева Ю.Ю. Документные ресурсы архивов, библиотек и музеев в сети Интернет // Историческая информатика. – 2018. – № 1. – С.1–13; (<https://www.wdl.org1.1.>)

⁵ World Digital Library. <https://www.wdl.org>



маданияти энциклопедияси бўлиб, у Европа бўйича миллионлаб китоблар, картиналар, фильмлар, музей осори-атиқалари, архив ҳужжатларини электрон базасини шакллантирган. Бу лойиҳа Европанинг маданий ва илмий муассасаларидан тўпланган салоҳиятли ахборот манбаи ҳисобланади.

Айни вақтда Европанинг 3500 дан ортиқ архивлари, музейлари ва кутубхоналаридаги 50 млн.дан ортиқ тарихий-маданий мероснинг электрон нусхаларини жамлаган. Бу материаллар асосан мавзулар бўйича, хусусан «1914–1918», «Санъат», «Мода», «Картография» материаллари, «Музыка», «Миграция», «Миллий», «Тарих», «Фотография» ва «Спорт» каби гуруҳларга ажратилган. Шу билан бирга, бу портал нафақат маданий меросни тафсиллаш, электрон нусхаларни тақдим этиш, балки кутубхоналар, архив ва музейларда сақланаётган осори-атиқалар асосида мавзулар бўйича электрон маълумотлар базасини (тасвирий санъат асарлари, архив ҳужжатлари, ноёб нашрлар, нота ёзувлари, аудиоёзувлар) мужассамлаштирган.

Смитсон институти (АҚШ) энг катта электрон ресурс эгаси бўлиб, жамланган маълумотлар «Санъат ва дизайн», «Фан ва технология», «Тарих ва маданият» каби 3 та катта мавзуга бўлинган. Лойиҳа ҳамкорлари бўлмиш музейлар, кутубхоналар ва архивлардаги

маданий меросидан 13,5 млн электрон нусхалар жамланган.

Жаҳон миқёсидаги лойиҳаларни таҳлил этар эканмиз, уларни турли мавзулар ёки алифбо тартибида шаклланишини кузатдик. Албатта, лойиҳа дастурларини фойдаланувчилар учун қулай, тадқиқотчилар учун эса тўлиқ ва сифатли маълумотларни олиш имкониятлари яратиш зарур. Бу электрон манбаларнинг фойдаланувчилари турли тоифадан (талаба, илмий тадқиқотчи, кенг омма) иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини қизиқиш доираси эътиборга олиниши зарур. Шундагина бу лойиҳалар натижаси жамият учун ҳам маънавий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Бундай лойиҳалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин ҳозирда Ўзбекистон миқёсида кутубхона, музей ва архив ҳамкорлигидаги лойиҳалар деярли йўқ. Уларнинг барчасида алоҳида дастурлар асосида электрон маълумотлар базасини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Жаҳон тажрибаси асосида Ўзбекистонда дастлаб тарихий-меъморий обидалар, музейлар, кутубхоналар ва архив фондларида сақланаётган манбаларни умумлаштириш ва ягона электрон нусхаларини жамлаш ишлари табиийки биринчи ўринда туризм салоҳиятини ошириш, илм-фан соҳасини ривожлантириш ҳамда жаҳон маданий мероси дастурига кириш имконини яратади.

Europeana (Европеана) портали айна вақтда Европанинг 3500 дан ортиқ архивлари, музейлари ва кутубхоналаридаги 50 млн.дан ортиқ тарихий-маданий мероснинг электрон нусхаларини жамлаган

Смитсон институти (АҚШ) энг катта электрон ресурс эгаси бўлиб, жамланган маълумотлар «Санъат ва дизайн», «Фан ва технология», «Тарих ва маданият» каби 3 та катта мавзуга бўлинган. Лойиҳа ҳамкорлари бўлмиш музейлар, кутубхоналар ва архивлардаги маданий меросидан 13,5 млн электрон нусхалар жамланган

Жаннат Имаилова, директор Государственного исторического музея Узбекистана, доктор исторических наук.

Автор статьи пишет, что при развитии информационных технологий перед работниками культурных учреждений ставится несколько ответственных задач. При выполнении этих задач библиотеки, музеи и архивы вместе, совместными усилиями, должны будут найти решения всех проблем. В далеком 1963 году американские учёные разработали проект оцифровки музейных экспонатов. И эти методики в дальнейшем дали возможность создать уникальную информационную систему в музейных фондах. В настоящее время эти процессы нашли свое отражение в создании уникальной внутренней информационной системы музеев и системы расчета и контроля музейных коллекций. Только в Европе около 3500 музеев и архивов, где собраны более 50 миллионов оцифрованных информационных коллекций. ■

⁶ The European Library – <http://www.theeuropeanlibrary.org>
Europeana – <https://www.europeana.eu/>,
Центр Гетти (<http://www.getty.edu>).
⁷ Enterprise Digital Asset Network (EDAN, Smithsonian Institution).

КАК ПРИМЕНЯТЬ ГЕОГРАФИЧЕСКУЮ ИНФОРМАЦИОННУЮ СИСТЕМУ (ГИС) В БИБЛИОТЕЧНОЙ СИСТЕМЕ?



Сун Жи Пак,
доктор
философских наук
Университет
Хансунга
(Корея)

Географические информационные системы обычно называют системой сбора, хранения и обработки географической информации для решения географических и социальных вопросов. Этот термин включает концепцию базы данных для управления географической информацией и системой для их обработки и анализа. По этой причине ГИС определяется набором инструментов, включая различные инструменты для пространственного анализа (Burrough, 1986). В последнее время концепция ГИС расширяется от GISystems до GIScience – науки, понимающей человеческое поведение с географическими перспективами (Goodchild, 1992). Это концептуальное расширение отражает то, что ГИС применяются не только в области географии, но и в таких областях социальных наук, как государственное управление, социология. ГИС предоставляет социологам инновационные методы в процессе оптимального анализа местоположения, анализа сообществ и т. д.

Несмотря на то, что область ГИС была расширена, исследователи в области Библиотечной информационной системы LIS уделяли мало внимания применению ГИС. Некоторые исследователи проанализировали данные, накопленные в библиотечной системе, и определили характеристики пользователей и оптимальное местоположение для будущих библиотек (Lee, 2007; Ottensman, 1997). Кроме того, была изучена доступность библиотек (Хиггс, Лангфорд, Фрай, 2013 г., Хундорф, Дзилек, 2017, Пак, 2012 г.) и выбор библиотечного сайта (Пак, 2005 г.). Поскольку доступность библиотек очень важна в публичной библиотеке, ГИС – эффективный инструмент для измерения доступности, который будет применяться в различных областях библиотеки. Поэтому стоит обсудить применение полей библиотеки ГИС.

2. ПРИМЕНЕНИЕ ГИС

2.1. Выравнивание области обслуживания библиотеки.

При разработке библиотечных услуг, основанных на характеристиках пользователей, критическая точка проектирования услуг – это определение демографических характеристик и потребностей населения, проживающих в районе, обслуживаемом библиотекой. Поэтому выравнивание области обслуживания библиотек может быть первым шагом для проектирования службы. Расположение зоны обслуживания обычно основано на административном округе. Например, зона обслуживания публичных библиотек в Сеонбук-гу (часть Сеула в Корее) совпадает с административным районом Сеонбук-гу. Однако, как указано в предыдущих исследованиях по доступности библиотек, поскольку использование библиотеки затрагивается не административной областью, а расстоянием от дома до библиотеки, необходимо, чтобы ее




Рисунок 1. Область обслуживания библиотек, идентифицированная Thisessen Polygon

область обслуживания создавалась на основе расстояния.

Область обслуживания на основе расстояния с использованием ГИС может быть выполнена с помощью инструмента *Thyessen Polygon*, использующего для создания области, на которую влияет точка. На рисунке 1 показана зона обслуживания каждой публичной библиотеки, расположенная в части Инчхон, одного из столичных городов Кореи. Область задается полигоном Вороного, а дорожка переписи используется для получения демографической статистики в этой области.

2.2. Анализ поведения пользователей библиотек с использованием их местоположения.

Чтобы эффективно управлять библиотекой, библиотекари должны иметь возможность отвечать на такие вопросы, как, где их пользователи живут, откуда они берутся, какие характеристики у них есть и т. д. Эти ответы могут помочь библиотекарям проектировать библиотечные услуги, ориентированные на клиента. Способ определения пространственных характеристик пользователей библиотеки может отображать их физическое и географическое расположение на карте.

Инструментом ГИС для отображения адреса пользователя является геокодирование, которое передает адрес в продольные и широтные координаты. Геокодированные адреса указываются на карте, используя координатную информацию, чтобы можно было проанализировать пространственные шаблоны распределения пользователей.

На рисунке 2 показано геокодированное расположение библиотек в Лейк-Каунти, штат Флорида, США и их пользователей. Как показано на карте, пользователи библиотеки, как правило, живут рядом с библиотекой, в которой они зарегистрированы. Кроме того, пространственный охват посещения библиотеки расширяется вдоль дороги, особенно главной дороги. Тезисы указывают, что расстояние поездки является ключевым фактором в использовании библиотеки, и время в пути может повлиять на выбор пользователей библиотеки для удобства использования. То есть, посещение библиотеки осуществляется для снижения стоимости поездки, включая расстояние и время.

Другим преимуществом геокодирования является то, что он может проводить такие дополнительные анализы, как анализ пространственного распределения демографи-




Рисунок 2. Публичные библиотеки и их пользователи в Лейк-Каунти, штат Флорида

ческих характеристик пользователей. На рисунке 3 показан результат анализа плотности с использованием функции *Kernel*. Пользователи библиотеки подразделяются на четыре группы, включая кавказских, азиатских, афроамериканских, латиноамериканцев по их этнической принадлежности. На карте указывается, какая этническая группа живет вокруг библиотеки и какая библиотека используется для каждой этнической группы. Основываясь на результатах, библиотекари могут




Рисунок 3. Измерение расстояния перемещения

Чтобы эффективно управлять библиотекой, библиотекари должны иметь возможность отвечать на такие вопросы, как, где их пользователи живут, откуда они берутся, какие характеристики у них есть и т. д. Эти ответы могут помочь библиотекарям проектировать библиотечные услуги, ориентированные на клиента

Другим преимуществом геокодирования является то, что он может проводить такие дополнительные анализы, как анализ пространственного о распределения демографических характеристик пользователей




Рисунок 4. Анализ расстояния в пути с использованием буфера.

идентифицировать свою целевую этническую группу и развивать библиотечные услуги и программы чтения для них.

2.3 Измерение расстояния перемещения

Люди могли распознавать различные элементы через карту. Одним из них является расстояние между двумя точками. Если место близко к другому, люди понимают, что расстояние между ними невелико. Если место находится далеко от другого, люди могут сказать, что расстояние между ними длинное. Если карта содержит линейки, они могут оце-



Рисунок 5. Сравнение методов измерения расстояния в пути (расстояния Эвклида и Манхэттена)

нить фактическое расстояние. Так как они не могут измерить точное расстояние между двумя точками друг от друга, ГИС может быть полезным инструментом для более точного измерения расстояния. Существует два метода измерения расстояния: Euclidean (Эвклидово) расстояние и расстояние Манхэттена. Первый измеряет геометрическое расстояние и представлен в строгой строке, которая обычно используется в программном обеспечении ГИС. Вышеупомянутый многогранник Тиссена представляет собой группирующие области, основанные на Euclidean (Эвклидовом) расстоянии. Последние измеряют расстояние по дорожным сетям.

Одним из инструментов, обычно используемых в ГИС, является буферный инструмент, основанный на Эвклидовом расстоянии. Буфер представляет собой «область, определяемую ограничивающей областью, определяемой набором точек на заданном максимальном расстоянии от всех узлов по сегментам объекта (Wikipedia, 2018)». Рисунок 4 включает в себя 2 мили, 4 мили и 6 миль буферов, используя ГИС. Используя эту карту, исследователи могли бы проанализировать, сколько пользователей живет в пределах 2 миль вокруг библиотеки. Кроме того, они интуитивно воспринимают, какая область не обслуживается библиотеками и что они могут предлагать местоположение будущей библиотеки на основе результата.

Расстояние Манхэттена можно измерить с помощью анализа сети в ГИС, в котором необходимы полностью подключенные дорожные сети, охватывающие область исследования. Как показано на рисунке 5, Эвклидово расстояние, называемое дальностью полета Ворона, часто искажает движение пользователей. С другой стороны, расстояние Манхэттена по дорожным сетям обеспечивает лучшее отражение маршрута, в котором люди путешествуют с помощью автомобиля. Как упоминалось выше, из-за того, что расстояние поездки является ключевым показателем использования библиотеки, измерение точного расстояния с использованием ГИС имеет решающее значение для измерения доступности публичных библиотек.

2.4 Выбор сайта библиотеки

Существуют различные факторы, которые, как считается, определяют наилучшее место для библиотеки. Sannwald (2001) перечисляет 55 факторов для выбора сайта библиотеки, большинство из которых связано с пространственными характеристиками, то

есть они могут быть представлены на карте.

На рисунке 6 показана карта, в которой показаны возможные области для создания библиотеки для Seocho-gu в Сеуле, Корея. 14 факторов, извлеченных из списка Саннвальда, были применены, чтобы найти оптимальное место для библиотеки. Темно-красные области имеют более высокую вероятность для сайта библиотеки. С другой стороны, синие области показывают меньшую вероятность размещения в библиотеке. Так как в этом анализе использовался метод взвешивания, на карте представлен более подробный диапазон локационной вероятности. Люди могут знать, какая область находится в лучшем месте и список потенциальных областей в зависимости от вероятности. После этого исследования Библиотека Seocho была расположена в одной из предлагаемых областей.

3. Предложения

Публичные библиотеки – это центр сообщества, в котором люди встречаются, общаются и взаимодействуют с другими. Чтобы укрепить свое позиционирование в сообществе, библиотеке необходимо проанализировать шаблоны использования своих пользователей и разработать библиотечные услуги для удовлетворения потребностей сообщества. ГИС, скорее всего, будут поддерживать библиотекарей, чтобы они понимали своих пользователей с точки зрения пространственной и своевременной работы. Однако нелегко применять ГИС в библиотеке без каких-либо знаний или навыков инструмента. Поэтому учебные занятия для ГИС должны предоставляться Национальной библиотекой или агентствами в библиотечных областях. Кроме того, Национальная библиотека могла бы играть важную роль для внедрения передовой практики применения ГИС и обмена ею с другими библиотеками. Государственные средства и научные исследования




Рисунок 6. Анализ сайта библиотеки с использованием ГИС

могут иметь решающее значение для создания сообщества библиотек, поддерживаемых ГИС.

Рекомендации:

Burrough P.A. (1986). Принципы географических информационных систем для оценки земельных ресурсов. Оксфорд: Оксфордский университет.

Goodchild M.F. (1992). Географическая информатика. Международный журнал географических информационных систем, 6 (1), 31-45.

Хиггс Г., Лэнгфорд М., Фрай Р. (2013). Изучение изменений в предоставлении цифровых услуг в публичных библиотеках с использованием сетевых моделей ГИС. Библиотека и информатика, 35 (1), 24-32.

Park S., & Lee J. (2005). Исследование выбора сайта в публичных библиотеках с использованием методики аналитической иерархии и географической информационной системы. Журнал Кореянского общества по управлению информацией, 22 (1), 65.

Park S.J. (2012) Измерение доступности публичной библиотеки: тематическое исследование с использованием ГИС исследований в области библиотек и информационных технологий, 34 (1), 13-21.

Публичные библиотеки – это центр сообщества, в котором люди встречаются, общаются и взаимодействуют с другими. Чтобы укрепить свое позиционирование в сообществе, библиотеке необходимо проанализировать шаблоны использования своих пользователей и разработать библиотечные услуги для удовлетворения потребностей сообщества

Сун Жи Пак, Жанубий Кореянинг Хансунга университети профессори, фалсафа фанлари доктори.

Мақола муаллифи географик ахборот тизимини (ГАТ) қўллаш орқали ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мумкинлиги доирасидаги ўз гояларини илгари суради. Ушбу атама географик бошқарув бўйича маълумотлар базасини ўз ичига олади ва уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш учун ахборот тизими яратилишига имкон беради. Сўнгги вақтларда ГАТ тизимини кенгайтирилган маънода, яъни фойдаланувчиларни талаб ва истакларидан географик нуқтаи назардан таҳлил қиладиган фан пайдо бўлди. Баъзи тадқиқотчилар кутубхона тизимида тўпланган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, келажакда барпо этиладиган кутубхона биналарини фойдаланувчилар учун қулай бўлган манзилда жойлашувини аниқлаштирганлар. Мавжуд кутубхоналарда ГАТ тизимини шакллантиришда жамоатчилик фикрлари ўрганиш жуда муҳим ўринга эга. ■

КУТУБХОНА – МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЭШИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ
ЭРКИН АЪЗАМ БИЛАН СУҲБАТ



» **М**ен университетда батартиб талаба бўлмаганман. Безори ҳам, дуч келганга қўполлик қиладиган безори ҳам эмасдим. Шунчаки, дарс жадвалига тиркаб қўйилган фанларнинг кўпи мени қизиқтирмас, ўша фанлар учун кетадиган вақт ҳавога соврилаётгандек туйиларди. Шунинг учун дарсларга қатнашишдан кўра, кутубхонага бориб бир қизиқарли китоб ўқишни афзал кўрардим. Бунинг оқибатида университетдаги домлалардан яхшигина дакки ҳам эшитганман, турли чиғирикларига тушганман. Аммо ичимизга ўрнашган қандайдир исён сабаблими ё ёруғ мақсадлар йўлида майда-чуйда нарсалардан орланганимиз сабабми барибир улар истаган «тартиб»га кирмадик. Батартиб талаба бўлмадик, ҳар дарсда қорамизни кўрсатмадик... Кутубхонама-кутубхона юриб китоб изладик, ўқидик, ёздик... Бугун бундан афсусланмайман.

Мен ўша пайтлар китоб ўқишга, китоблар оламига жуда-жуда меҳр қўйиб қолгандим. Тўғри, болагимдан китоб ўқишни севганман. Аммо талаба бўлгач, бироз бўлса-да, оқу қорани, яхши-ёмон китобни саралашни ўргангач, бадий асарни ўқишга бўлган интилишим ҳар қачонгидан ҳам ошиб кетди. Мен энди асосий вақтимни кутубхоналарда ўтказардим. Танлаб-танлаб ўқишга уринардим.



Биринчи марта Миллий кутубхона ҳақида университетдаги домлалардан эшитганман. Унгача университет кутубхоналари менга қадрдон маскан эди. Миллий кутубхона дарагини эшитгач, бир сирли хазинани излагандай ахтариб топиб келганман. Бу кутубхонага киришим билан, ўз-ўзимга «бу менинг жойим экан» деганман. Шодлигимнинг чек-чегараси йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, бу мен интилган хазина эди. Ўзим орзу қилган, ўзим интилган масканга эга бўлганим кейинги ҳаётимда муҳим ўрин тутди.

Бора-бора бу улкан бойликка эга кутубхонага шунчалик мослашиб кетдимки, у уйимдек азиз бўлиб қолди. Бу ерда ўзимни эркин ва хотиржам ҳис қилар, энг муҳими, ўтаётган вақтимга ачинмасдим. Шунинг учун ҳали кутубхона очилмасдан эшиги ёнида пайдо бўлар ва тезроқ шу иссиқ ва сокин жойга киргим келарди. Кутубхоначиларга ҳам отнинг қашқасидик таниш бўлиб қолдим. Барчага бир хил хизмат қиладиган кутубхоначи опалар меҳнатини кўриб уларга ичимда раҳматлар айтардим. Бундай беғараз хизмат қиладиган, қийналганинда ёрдам берадиган, заллари кенг ва ёруғ, доим тинч, сен истаган китобинг, газета ва журналларинг муҳайё бўлган ҳамда ўз-ўзинга хўжайин бўлган бундай маскандан яхшироқ жой бўлишига ишонмасдим...

Ўша маҳалдаги кутубхона биноси ҳамон кўз ўнгимда. Унинг пештоқлари, баланд зиналари, мўжазгина, лекин файзли ҳовлиси бугун мен учун азиз хотирага айланган. Китоб ўқиб толиққан кўзларни деворга осилган суратларга қараб ёки бўлмаса ҳовлидаги дарахтларга тикилиб дам олдирадик, айниқса, баҳор ва куз фаслида атроф айрича чиройга кирарди.

Мен кутубхонани эслашим билан ёшлигим ҳам ёдимга келади. Ахир менинг ёшлигим шу ерда ўтди-ку! Кутубхонада, китоблар орасида менинг оловли йилларим қолиб кетган.

Эркин Аъзам
1950 йилда
Сурхондарё
вилоятининг
Бойсун туманида
туғилган.
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
журналист (1998).
ТошДунинг
журналистика
факультетини
тамомлаган (1972).
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси (2016).
«Чантриморе»,
«Пиёда», «Пакана»,
«Дилхирож»,
«Эркак», «Паризод»
каби
фильмларининг
сценарий
муаллифи

Талабалик ҳар қандай даврда ҳам осон бўлмаган. Айниқса, узоқ жойлардан келиб таҳсил олаёдиган йигит-қизларга толиблик машаққатларини кўпроқ сезилади. Очлик, ижарама-ижара кўчиб юриш, юпун уст-бош ҳар қандай мусофир талаба ўтадиган «кўча»лардан.

Бу йўлларни биз ҳам босиб ўтганмиз. Шундай қийналган кунларда ҳам кутубхона жонимга аро кирган десам ишонасизми? Қаҳратон киш кунларида совуқ ва очликдан қочиб кутубхонага кирар ва бу ернинг қайноқ тафти бизни меҳрли бағрига олиб иситарди. Кутубхонанинг тамаддихонаси бошқа жойларга қараганда арзонроқ бўлиб, талабаларнинг сеvimли ошхонасига айланганди. Ёзининг чилласида ҳам энг яхши ошиён – кутубхона эди. Ҳа, чиндан ҳам бу каби беминнат жойни яна бошқа қаердан ҳам топиш мумкин?!

Мен кўпгина дўстларимни шу ерда орттирганман. Улар билан бизларни фақат шу ер – кутубхона боғлаб турарди. Мен ҳозиргача, орадан қанча йиллар ўтган бўлишига қарасдан ўша қироатхоналарда кўрган танишларимни кўча-кўйда кўрсам яқин бир инсонимни кўргандай бўламан. У мен учун қачонлардир кутубхонада учратган шунчаки таниш эмас, азиз хотирамнинг бир қисмидир.

Ўша маҳаллар кутубхонанинг емакхонасида адабиёт ва фан оламига яхши таниш бўлган устозларни, таниқли олимларни кўриб қолардим. Улар билан аудиториядан ташқаридаги гапларни, миллат тарихига оид фикрларини эшитар ва ҳайратланардим. Шу ерда устозимиз Бегали Қосимов билан яқиндан танишганман. Бундан ташқари, бу кутубхона кўпгина шоир ва ёзувчиларнинг бахт остонаси бўлган деб ҳам айта оламан. Шу ерда кўпчилик ўз бахтини – жуфтини топган. Китоблар орасида туғилган муҳаббат самимий кўрингандир-а?!

Ўша чоғлардан ўзим туғилган туман газеталарида ҳикояларим чиқарди. Албатта, бу ҳикояларни ҳозир эсласам уялиб кетаман, жуда жўн эди. Аммо илк таассуротлар, илк қадамларнинг изи шундай босилган экан, нетамиз?! Бу ҳам бир тарбия бўлган. Туман газеталарида ёзганларим чоп этилганининг даргани олишим билан Миллий кутубхонага чопардим. Минг ҳаяжон билан Бойсунда чиқадиган газетага буюртма берардим. Орадан ўн, ўн беш дақиқа ўтмасдан кутубхоначи опа мен учун ичида бир «мўъжиза»си бор газетани олиб келарди. Ўша газеталарни севинч ва умид билан варақлаганларим ҳамон ёдимда...



Балки шунинг учун ҳам кутубхона менинг қадрдон дўстимдек бўлиб қолгандир... Беминнат, бегараз, сирдош дўст!

Айнан шу ерда мен жиддий адабиёт намуналарини ўқий бошладим. Уларни ўрганишга, дунёга машҳур бўлган романларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдим. Машҳур рус нашрлари бўлган «Новый мир», «Юность», «Дружба народов» каби журналларни ҳам қизиқиш билан шу ерда ўқир, шулар орқали рус замонавий адабиёти билан танишардим. Хуллас, кунларим шу ерда ўтадиган бўлди. Ўйлаб қоламан, мен беш йил университетда эмас, кутубхонада кўпроқ бўлдим, ўқидим, изландим, агар диплом олишим керак бўлса, кутубхонанинг дипломини олишим керак эди. Ҳа, мен кутубхонага жуда боғланиб қолгандим ва боғич хотирамга мустаҳкам уланган.

Кутубхона очилгандан буён қанчадан қанча ҳодисаларни бошдан кечирди. Бир неча марта кўчишлар, турли талафотларни кўрди. Лекин ҳар доим ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келди. Бу маскан чинакам миллатнинг миллий масканидир. Бу кутубхонанинг ҳозирги биниси дунё талабларига жавоб беради, у ердаги технологиялар, тезкор китоб етказувчи қурилмалар кўзни яшнатади. Аммо мен учун ўз ёшлигим ўтган кутубхонани, ўша эски чироқларни, оғир эшикларни соғинаман. Ахир, тўғрида ҳар кимга ўз хотираси азиз. Ҳозиргиси ҳозирги ёшларники...

Юртнинг марказида қад ростлаган бу кутубхонага фақат ва фақат Алишер Навоий номи муносиб деб биламан.

Кутубхонага нима учун боради, билиш учун. Билишдан мақсад нима, ўзини англаш учун, ўзини англаган инсон эса Худони англайди.

Китобдан, кутубхонадан узоқлашмайлик. Ўзни англаш сари, кутубхона сари одимлайлик. ■

Жавлон Жовлиев ёзиб олди.



Кутубхона очилгандан буён қанчадан қанча ҳодисаларни бошдан кечирди. Бир-неча марта кўчишлар, турли талафотларни кўрди. Лекин ҳар доим ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келди. Бу маскан чинакам миллатнинг миллий масканидир

НОВОСТИ ИНФОРМАЦИОННО- БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В МИРЕ



ИДЕИ ХРАНИТЬ МАТЕРИАЛЫ ПОМОГАЮТ ОПРЕДЕЛИТЬ БУДУЩЕЕ НАПРАВЛЕНИЕ ИФЛА

Созданный в августе этого года во время IFLA WLIC 2018 в Куала-Лумпуре, наш первый призыв к участию в магазине Ideas Store дал большой и разнообразный набор идей для действий, которые помогут определить будущее направление ИФЛА. На сегодняшний день из 160 стран мира представлено более 8,500 идей. Спасибо и продолжайте делиться своими идеями!

Материалы были представлены на всех семи языках ИФЛА, как в Интернете, так и в печатном виде. Они четко показывают некоторые общие глобальные модели и тенденции, которые также откроют возможности для разных сообществ во всем мире, чтобы они соединились как единое поле библиоте-

ки и помогли решить проблемы будущего. Ваш высокий уровень участия демонстрирует приверженность глобальному видению ИФЛА, как со-создатели, работающие в области единой библиотеки.

Мы получили материалы со всего поля библиотеки – от отдельных библиотекарей всех типов библиотек, ассоциаций, учреждений, сторонников библиотеки и других. Используя свои уникальные перспективы в отношении того, как реализовать возможности «Глобального видения», участники предоставили нам действительно вдохновляющие идеи для действий, которые подчеркивают творчество, разнообразие и приверженность нашей профессии инновациям.

Наша собственная команда экспертов в настоящее время занята анализом всех идей, представленных до 31 октября, чтобы представить всеобъемлющий отчет Совету управляющих в декабре. Сами идеи помогут информировать о новой Стратегии и мероприятиях ИФЛА на 2019-2024 годы.

Сопоставьте будущее: продолжайте делиться своими идеями!

В тысячах из идей содержат огромный объем материала, который позволит нам привлечь и сотворить с глобальным библиотечным сообществом. Эта первоначальная компиляция тысяч идей отражает множество контекстов с точки зрения библиотечного опыта, типов библиотек, регионов и стран.

В 2019 году мы сделаем эти идеи доступными на сайте Ideas Store – создадим уникальное хранилище вдохновляющих идей, доступных всем библиотекарям по всему миру. Но мы не останавливаемся! Мы по-прежнему стремимся к вашему постоянному участию, и все желающие могут внести свой вклад. Наша платформа переведена и принимает заявки на всех семи языках ИФЛА. Где бы вы ни были, мы хотим услышать ваш голос!



БИБЛИОТЕКИ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ КУЛЬТУРНЫМ ПРАВАМ

Хотя поле библиотеки чаще всего связано со статьей 19 Всеобщей декларации прав человека (право на свободу мнений и их свободное выражение, а также на доступ к информации и идеям и обмен ими), библиотеки также защищают права человека путем поощрения участия в культурной жизни сообщества (статья 27).

Библиотеки и права человека глубоко связаны с тем, что библиотеки во всем мире служат своим общинам и сопротивляются цензуре и дискриминации, обеспечивают доступ к информации и поддерживают права иммигрантов, меньшинств, людей с ограниченными возможностями, женщин, детей, подростков и других.

Библиотеки являются первичными учреждениями любого общества для обеспечения документального культурного наследия, а также обеспечения того, чтобы каждый человек мог извлечь из этого выгоду. Библиотеки все больше осознают свою роль в поощрении творчества, в дополнение к поддержке доступа к культуре, а также в содействии пониманию и терпимости.

ИФЛА внесла свой вклад в призыв Специального докладчика подчеркнуть, как библиотеки дополняют работу мандата, а также проблемы, с которыми они сталкиваются. ИФЛА привержена поддержке библиотек, а также выявлению и преодолению барьеров.

ИФЛА НА ФОРУМЕ ПО УПРАВЛЕНИЮ ИНТЕРНЕТОМ 2018: БИБЛИОТЕКИ, ОСНОВАННЫЕ НА СОЗДАНИИ НАДЕЖНОГО ИНТЕРНЕТА

Необходимость сохранения преимуществ открытого Интернета при поиске средств для решения проблем, связанных с тем, как они работают, была на повестке дня на 13-м Форуме по управлению использованием Интернета, который проходил в Париже с 12 по 14 ноября. ИФЛА была активной, подчеркнув, что библиотеки не только обеспечивают возможность подключения и обучения, но и важные ценности и навыки для обсуждения.

Форум по управлению Интернетом предоставляет возможность всем заинтересованным сторонам участвовать в работе Интернета – правительства, бизнеса, гражданского общества – для выявления возможностей и проблем и того, как они могут быть ре-



шены. Библиотеки имеют большой интерес к открытому и доступному интернету, к которому у всех есть доступ. Эсмеральда Москателли и Стивен Уайбер из штаб-квартиры ИФЛА присутствовали вместе с Майей Симонишвили из Национальной парламентской библиотеки Грузии.

Интернет для людей

Президент Франции Эммануэль Макрон задал тон в первый день, подчеркнув чувство беспокойства, что, поскольку интернет-доступ, контролируемый государством, нежелателен, ни один из них не контролируется частным сектором.

На параллельном мероприятии, организованном ИФЛА, наряду с Интернет-сообществом, Facebook и библиотеками без границ, подчеркнул Президент Национальной библиотеки Франции Лоуренс Энгель. Государственным учреждениям необходимо было делать онлайн то, что они делают в автономном режиме, – действовать там, где это необходимо, для продвижения общественного блага, одновременно поощряя свободу онлайн.

Необходимость третьего пути между государственным контролем и доминированием крупных компаний была ясна на заседании Динамичной коалиции по доступу общественности в библиотеках. Действительно, этот подход должен был сосредоточиться на снизу вверх, отражая потребности и предпочтения местных сообществ в отношении того, следует ли и как подключаться.

Роль библиотек

Логичным партнером были библиотеки, доступные как сообщества, основанные на знаниях, с опытом управления информацией и миссией общественных служб. Выступавшие от других НПО, а также технические эксперты подчеркнули силу такого сочетания факторов.

Библиотеки были хорошо расположены, чтобы помочь сообществам в действии. Они могут предлагать решения практических

Очилиш маросимидан сўнг Туркманистон ҳукумати вакиллари Туркманистон савдо-саноат палатасининг кўргазмалар павильонида юксак савияда ташкил этилган кўргазма-ярмарка иши билан яқиндан танишиб чиқишди. Ташкилотчилар ва меҳмонлар ҳар бир иштирокчи давлатга ажратилган павильонга алоҳида ёндашишди ва намойиш этилган китоб маҳсулотлари уларда катта қизиқиш уйғотганини айтиб ўтишди.

Тадбир биринчи куннинг иккинчи ярмида Туркманистон Савдо-саноат палатасининг катта мажлислар залида кўргазма доирасида илмий конференция бўлиб ўтди. Илмий конференцияда хорижий давлатларнинг вакиллари маъруза билан чиқиш қилишди.

Шунингдек, китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов муаллифлигида рус тилида чоп этилган «Туркманистон – Буюк ипак йўлининг юраги» (II китоб), «Онага эҳтиром – муқаддас қадамжого сажда», «Туркманистоннинг доривор ўсимликлари» (10-жилд), «Туркманистон барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида» китобларининг тақдимоти бағишланган меҳмонлар, ижодкорлар ва талабаларнинг ижодий учрашувлари бўлиб ўт-



ди. Шунингдек, хорижий меҳмонлар иштирокида «Таржима санъати» ҳақида ва чет тилларида нашр қилинган туркман халқ эртақлари тўғрисида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси павильонида намойиш қилинган китоб маҳсулотлари тадбир меҳмонлари, китоб муаллифлари, ёзувчилар, шоирлар ва кенг китобхонларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Бу туркман халқининг ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига бўлган қизиқишларини яққол намоён этди. Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг замонавий ўзбек адабиётига қизиқиши жуда катта фахр туйғусини уйғотди.

Шуниси фахрланарлики, кўرғазма-ярмарка иши давомида Туркменистон давлати оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси павильонида намойиш қилинган нашрлар ҳақида жуда кўп кўрсатувлар бериб борилди. Делегация аъзолари томонидан маҳаллий телевидение, газета ва журналларга интервьюлар берилди ва тезкорлик билан чоп этилган нашрлар муаллифларга тақдим қилинди.

Шунингдек, ташкилий кўмита томонидан эълон қилинган танлов номинациялари («Йил китоби», «Йил дарслиги», «Болалар китоби», «Бадий нашр», «Китобнинг энг яхши полиграфия ижроси», «Нашрнинг энг яхши полиграфия беазаги», «Илмий-оммабоп нашр») бў-

йича I, II, III даражали дипломлар билан тақдирланди.


«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган «Заҳриддин Муҳаммад Бобур» энциклопедияси «Илмий-оммабоп нашр» номинацияси бўйича II даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, делегация таркибида иштирок этган Ўзбекистондаги нашриётлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Икки кун мобайнида бўлиб ўтган китоб кўрғазма-ярмаркаси ва илмий конференция давомида 20 дан ортиқ давлатларнинг ноширлик ва матбаа йўналиши мутахассислари, китоб муаллифлари ўзаро фикр ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Нашриётчилик ва полиграфия соҳасига оид энг сўнгги янгилардан хабардор бўлишди, шунингдек, замонавий ёндошув, эришилган ютуқлар билан танишдилар. Ўзаро ҳамкорлик бўйича музокаралар олиб борилди ва битимлар тузишга келишиб олинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, китоб дунё халқларини қайси тилда сўзлашишидан қатъий назар бир-бирига яқинлаштирувчи ва жипслаштирувчи жуда кучли восита ҳисобланади. Китоб инсониятнинг буюк кашфиёти сифатида ўзининг қудратини намоён қилишда давом этаверади. Китобга ошно инсон эса ҳеч қачон эзгу ишлардан, маърифат улашишдан чарчамайди.


Муяссар Балтабаева, главный специалист научно-методической и исследовательской службы Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои

Автор статьи пишет об участии в XII Международной книжной выставке в городе Ашхабаде под названием «Книжное сотрудничество и развитие» и девизом «Туркменистан является сердцем Великого шелкового пути». Из Узбекистана участвовали представители АК «Шарқ», «Национальной энциклопедии Узбекистана», а также специалисты Национальной библиотеки Узбекистана. Основная цель международной выставки – это продемонстрировать достижения в области Национального издательского дела, кроме этого показать литературное наследие туркменского народа, ознакомиться с мировой литературой и опытом мировой издательской индустрии. В международной книжной ярмарке участвовали издатели около 20 зарубежных стран. ■



Икки кун мобайнида бўлиб ўтган китоб кўрғазма-ярмаркаси ва илмий конференция давомида 20 дан ортиқ давлатларнинг ноширлик ва матбаа йўналиши мутахассислари, китоб муаллифлари ўзаро фикр ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар

ИСТОЧНИКИ ПО ОЗНАКОМЛЕНИЮ С ХОДЖОЙ УБАЙДУЛЛОХОМ АХРАРИ ВАЛИ



Ариф Наушахи,
доктор
филологических
наук, профессор
Национального
университета
Карачи
(Пакистан)

Алишер Навои в известном своём произведении «Насоиму-л-мухаббат мин шамоми-л-футувва», приводит ценные исторические сведения о жизни и творчестве Ходжа Ахрара

Для того, чтобы мы более точно и глубоко ознакомились с великим мыслителем 9в.х/15в. Ходжа Убайдуллохом Ахрари Вали, нам необходимо рассмотреть самые достоверные источники по этому вопросу в нижеследующем порядке:

1. Книга «Нафахоту-л-унс мин хазаротилкудс» Абдуррахмана Джами является первым источником о жизни и деятельности Ходжа Ахрари Вали, которая была завершена при жизни Ахрари Вали в месяце Шаъбан 883/ 1478г. Джами рассказывает о содержательных встречах Мавлоно Якуба Чархи с Ходжой Ахраром Вали (20, 403-404).

2. Алишер Навои в известном своём произведении «Насоиму-л-мухаббат мин шамоми-л-футувва», приводит ценные исторические сведения о жизни и творчестве Ходжа Ахрара.

3. «Силсилату-л-орифийн ва тазкирату-л-сиддикийн» Мавлоно Мухаммада ибн Бурхонуддина ибн Ходжа Мухаммад Ризо (XV– XVI вв.) является третьим содержательным источником о Ходже Ахраре Вали. Автор говорит: «Около 12 лет (1480–1490) служил в Хонакахе Ходжа Ахрар Вали и приобрёл у Шейха много полезных знаний. Он был подобен океану знаний и часто предвидел предстоящие события, говорил мало, больше слушал...».

4. «Хаворики одоти Ходжа Ахрари Вали»- «Чудодействия Ходжа Ахрара Вали» автора Мавлоно Шейха. Мавлоно Шейх был одним из близких друзей Ходжа Ахрора и из тех людей, который присутствовали при последнем напутствии Ходжа Ахрора.

5. Автор Рокими (XV– XVI вв.) в своем трактате «Насабномаи Ахрор» приводит ценные сведения об образе жизни и деятельности Ходжа Ахрора.

Существуют и другие источники, свиде-

тельствующие о потомках Ходжа Ахрора Вали, живущих и по сей день в Ташкентском Богистане и в других частях Узбекистана. Но этот вопрос требует тщательного академического исследования со стороны востоковедов, историков и знатоков древних рукописей.

Среди святых, особо почитаемых мусульманами Средней Азии, да и всего мира, – Исмаила Аль-Бухари, Ахмада Яссави, Бахауддина Накшбанди, Ат-Термези, Афака Ходжи, почетное место занимает Ходжа Ахрар. С его именем связаны многие тайны и легенды. Ходжа Ахрар – это не собственное имя святого. Так люди стали звать его уже в зрелом возрасте за благие дела. Звали же его Ходжа Убайдулла. Он родился в горном кишлаке Богистон, близ Ташкента в 806 году хиджры (1404 год). Уже в детстве у Ходжи Ахрора проявляются характерные признаки его мистической природы – он задумчив, впечатлителен и нервозен, избегает товарищей, много времени проводит в мечетях и мазарах. Все это, видимо, заставило дядю Ходжи Ахрора Ходжу Ибрагима, попечителя его семьи после смерти отца, отправить юношу на учебу в Самарканд. Он хотел отвлечь его от пути суфия и мистика.


Так 22-летний Ходжа Ахрор стал слушателем одного из медресе – духовного учебного заведения в столице Мавераннахра. Его не интересовали точные дисциплины. У него были иные душевные потребности, к ним он и тянулся. Большую часть своей жизни в Самарканде Ходжа Ахрор провел в молитвах и радениях в некрополе Шахи-Зинда, где по преданию находится могила знаменитого Кусам-ибн Аббаса, двоюродного брата пророка Мухаммеда. В Самарканде Ходжа Ахрор надолго не задержался. Он не нашел себе здесь истинных духовных наставников и учителей. И вот Ходжа Ахрор как паломник

едет в Бухару, центр исламского просвещения и родину шейха Бахауддина Накшбанди – основателя всемирно известного дервишеского ордена Накшбандиев. В Бухаре он предстал перед знаменитыми шейхами ордена Накшбандиев. Но и между ними он не нашел достойного лица, которому мог бы верить свою судьбу. Тогда он отправился в Герат, не менее знаменитую столицу мусульманской учености на Востоке. В Герате Ходжа Ахрор усердно обучался у знаменитого гератского шейха Саида Табризи. Затем он пешком отправился в Хисар, в горный кишлак Халагу, где жил святой шейх Якуб Чархи и у которого он пробыл до 28-летнего возраста. А затем через Герат, где пробыл еще один год, в 835 году хиджры (в 1431-32 годах) он возвратился в Ташкент на свою родину.


Здесь он начал свою подвижническую деятельность. Жизнь вел воздержанную, много молился, мало говорил, сторонился дурных людей и мест увеселения, носил простую одежду, ранее уже кем-то ношенную. Особое слово находил для больных, для бездетных женщин, давал им амулеты, которые приносят страждущим облегчение. Известность его росла быстро. Первые годы после возвращения из Герата Ходжа Ахрор занимался также хлебопашеством на своем небольшом участке земли, сам вел и торговые дела. Всю вырученную прибыль отдавал тем, кто нуждался. Вскоре слава о благочестивом шейхе дошла до Туркестана, Бухары, Самарканды. К молодому пиру потянулись послушники, желавшие стать мюридами у знаменитого шейха. Каждый, кто слушал Ходжу Ахрара, неизменно испытывал на себе воздействие его духа – облегчение.

Шейх Ходжа Ахрор строил много храмов – мечетей и медресе в священных городах – Самарканде, Бухаре, Герате, Кабуле и других местах. Как говорят авторы жития Ходжи Ахрара, этот выдающийся человек был не только мыслителем, чудотворцем и покровителем бедных, но и искусственным политиком. Его великий современник Алишер Навои красноречиво повествует. «...Он обрел удивительное влияние на державы и неизреченную близость к властителям и повелителям. Властители Мавераннахры считали себя его мюридами и сподвижниками, многие повелители от Египта до Индии и Китая считали его «Авлиёулло» – самым святым перед Аллахом.

Примечательно также, что Ходжа Ахрор получил во владение оригинал Корана Ус-



Рисалаи Ходжа Ахрар
(Факарот, Волидия, Хурония)



Ариф Наушахи. «О О жизни и творчество Ходжа Ахрара»

мана, ранее принадлежавший царствующей династии Мавераннахра. К концу жизни шейх Убайдуллах стал одним из самых богатых людей в Средней Азии. Только под Самаркандом и Карши в его собственности находилось 63 тысячи гектаров земли. Принадлежавшие ему отары насчитывали более миллиона овец, а количество лошадей и верблюдов исчислялось несколькими тысячами. При этом Ходжа Ахрор жил очень скромно и значительную часть своих доходов тратил на благотворительность, а также на строительство мечетей, медресе и суфийских общежитий по всей стране. В то же время известна легенда о жадности богатейшего шейха: в Ташкенте говорили, что на торговле его тканями подбирали нитки, выпадавшие при отрезе материи, и городское медресе было возведено на выручку от перепродажи этих ниток.

Ходжа Ахрар оставил после себя значительное литературное наследие. Из десятка приписываемых шейху Убайдуллаху произведений два безусловно принадлежат его перу и ещё два («Факарат аль-арифии» («Параграфы познавших») и «Малфузат» Мир Абдулаввали Нишопури) представляют собой сборники его изречений и афоризмов, составленные учениками. Первый и самый значительный из трактатов Ходжи Ахрора, «Рисалаи Валидия» («Родительское послание»), посвящён проблемам познания Аллаха и особенностям ордена Хаджаган. Он состоит из 243 бейтов, написанных метром рамали мусаддаси махфуз. Трактат был хорошо известен не только в арабском мире, но и среди тюркоязычного населения благодаря переводу Бабура. Второй труд «Рисалаи Хурия» ►

Его великий современник Алишер Навои красноречиво повествует. «...Он обрел удивительное влияние на державы и неизреченную близость к властителям и повелителям

Из десятка приписываемых шейху Убайдуллаху произведений два безусловно принадлежат его перу и ещё два («Факарат аль-арифии» («Параграфы познавших») и «Малфузат» Мир Абдулаввали Нишопури)



Ходжа Ахрар добился отмены кабального налога на всей территории Мавераннахра, но его самой выдающейся миссией, была блистательная новаторская акция по предотвращению войны между тремя сопредельными среднеазиатскими государствами

Ходжа Ахрар говорит: «Ты в душе своей и в отношениях к другим будь одинаково воспитан. И в большом, и в малом бесчеловечность всегда есть грех»

(«Послание о гуриях») посвящён исследованию Священного Рубаи одного из столпов суфизма шейха Абусаида Фазлуллаха Абулхайра Махнаи.

Ходжа Ахрар добился отмены кабального налога на всей территории Мавераннахра, но его самой выдающейся миссией, была блистательная новаторская акция по предотвращению войны между тремя сопредельными среднеазиатскими государствами. Их войска (более 200 тысяч человек) стояли друг против друга под Ходжентом. В любой момент могла разразиться кровопролитная битва. Но святейший шейх предотвратил ее, вмешался, и самаркандский правитель Ахмад-Мирза, ферганский – Умар Шейх и ташкентский – Махмуд-Султан не только помирились, но и со слезами раскаяния просили друг у друга прощения. То, что Ходжа Ахрар в свое время был по-настоящему велик, подтверждает еще одна значительная историческая личность – Захириддин Бабур – основатель великой империи Моголов, большой поэт и ученый. Ба-

бур, уже будучи правителем Индии, тяжело занемог. Исцеление не шло к нему. Тогда один дервиш дал ему совет: «Если падишах хочет выздороветь, то пусть он уподобится поэту, который тысячу раз перевел стихи о пророке Мухаммеде «Касидам Бурда» («Святой плащ пророка»). Если Бабур переведет стихи святейшего шейха Ходжи Ахрара, то он избавится от своего недуга».

Бабур последовал совету бродячего дервиша и переложил жемчужину суфийских трактатов Ходжа Ахрара «Рисалаи Волидия» в стихотворную форму на староузбекский язык).

Ходжа Ахрар говорит: «Ты в душе своей и в отношениях к другим будь одинаково воспитан. И в большом, и в малом бесчеловечность всегда есть грех».

«Если кто-то по каким-то причинам обрывает связь с божеством, то такой человек потерян и для себя и для народа.

Алишер Навои в «Насоиму-л-мухабба» перечисляя достоинства Ходжа Ахрора говорит: Он совершенный человек и ни в чём не нуждается, кроме дозволения, разрешения воспитывать других. Аллах дал ему чрезвычайно мощную силу... У него имеются все условия для того, чтобы быть шейхом-наставником. Он подобен Светильнику среди людей».

Святой чудотворец Ходжа Ахрор успокоил свою душу в 89 лет от роду, в 895 году хиджры (1489), в субботу, в день 24 месяца раби-аль-ахир в местечке Камангаран близ Са-марканда. Могила его находится в славном городе Самарканде. Каждый, кто ее посетит, неизменно облегчит свою душу, ибо свят на-веки дервиш Ходжа Ахрор...

Перевод из фарси: **Файзходжа Махмудов**

Ориф Наушахи, Карачи Миллий университети профессори, Покистон.

Муаллиф мақоласида Шарқ алломаларидан ўрта асрларда яшаб ўтган Хожя Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ижодига бағишланган. Буюк аллома ҳақида ўз даврида ижод қилган кўплаб Шарқ мутафаккирлари у кишининг фаолиятига юқори баҳо берган ва ўз асарларида шу ҳақида мисоллар келтирган. Асли исми Хожя Убайдулло бўлиб, у Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига қарашли Богистон қишлоғида 1404 йилда дунёга келган. Болалик чоғларида Хожя Аҳрор ўзига хос қобилиятини намоён этиб, сирли табиати билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Аллома бошланғич маълумотини Са-марқанд шаҳридаги нуфузли мадрасаларда олган. Кейинчалик эса, Бухорога кўчиб бориб, ўзининг пирларидан бири Баҳоуддин Нақшбандий таълимотларини ўзлаштиради. У Баҳоуддин Нақшбандий тариқатининг йирик намоёниси ва давомчиси, давлат ва дин арбоби, мутафаккир аллома бўлиб етишади. Аллома ўзидан ўнлаб илмий мерос қолдирган бўлиб, улардан «Фақарот ул-орифин» (Орифлар сўзларидан парчалар), «Волидия» (Отага бағишлов) ва «Ҳавроийя» (Хурлар ёки Фаришталар) асарларидир. ■

Улучшение исследований по всему миру

Академические библиотеки
 Публичные библиотеки
 Школы
 Здравоохранение

корпорации
 Правительство
 Издатели
 Залы ожидания

Discovery & Technology

- EBSCO Discovery Service
- Приложения и облачные сервисы
- EBSCO и OpenAthens аутентификация
- EBSCO и веб-сайты стековых библиотек
- Служба знаний EBSCO
- EBSCOadmin
- Исследовательская платформа
- EBSCOhost
- EBSCONET Analytics
- Explora Search Platform

содержание

- Исследовательские базы данных
- EBSCO электронные книги и аудиокниги
- Журналы и электронные пакеты
- Flipster Цифровые журналы
- Исторический цифровой архив

Заказ и Приобретение

- GOBI Library Solutions
- EBSCONET Управление подписками

Развитие карьеры и навыков

Поддержка клинических решений

- ДинаМед Плюс
- Динамическое здоровье
- Вариант сетки

Издательские услуги

- Выполнение подписки PPF
- Консультации и контакты с читателями
- Консультации читателей NoveList
- Библиотечный маркетинг и работа с общественностью

EBSCO является мировым лидером среди агрегатов баз данных (онлайн коллекций) с около 200 научных, технических и медицинских баз для различных групп пользователей. База данных EBSCO содержит более 30.000 полнотекстовых журналов, книг, брошюр, газет, справочников и аналитических обзоров и создателем EDS – лидером в области дискавери сервисов (единого поискового окна).

EBSCO является создателем баз данных с наибольшим количеством рецензируемых журналов с полным текстом и глубокими архивами.

В стандартный пакет баз данных EBSCO входят следующие базы:



Национальная библиотека Узбекистана имеет доступ к научно-образовательной базе данных



УЛУҒЛАРНИ УЛУҒЛАР ТИРИЛТИРГАЙ...



Иброҳим Ҳаққул,
филология фанлари
доктори,
профессор

Садриддин
Айний вақт ўтган
сайин
ижодиётининг
қадр-қиммати
ортиб, теранлик
сирлари кенгрок,
чуқуррок кашф
этиладиган
даҳолардан.
Унинг бош
муҳофизси, бош
мураббийси ва
муршиди комили
Бухородир

» **Д**унёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов бундан қарийб қирқ йил муқаддам босилган «Икки санъаткор» номли мақоласида, «Мен Мухтор Авезов билан Садриддин Айнийни доимо ҳурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ҳодисадир», деб ёзган эди. Мана шундан буён кечган вақт мобайнида дунёда кўп ўзгаришлар – ижтимоий, сиёсий, маънавий эврилишлар содир бўлди. Ўзининг куч-қудрати ва имкониятларига ҳаддан ташқари ишонган муаззам бир империя – шўро салтанати ҳам парчаланиб кетди. Адабиёт ва санъат учун бундан ортиқ, бундан мurosасизроқ синовни тасаввур қилиш қийин, албатта. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Садриддин Айний вақт ўтган сайин ижодиётининг қадр-қиммати ортиб, теранлик сирлари кенгрок, чуқуррок кашф этиладиган даҳолардан. Оллоҳ унга бир неча яхши олим, сермахсул ёзувчига етадиган истеъдод берган. «Судхўрнинг ўлими», «Эсдалиқлар» китоби манаман деган улғу бир истеъдоднинг шон-шухратини жаҳонга таратиш ва муаллифига бадиий ҳайкал ўлароқ боқий яшаш қудратига эга, десак асло хато бўлмайди. Бунга аниқ ишонмоқ учун эса ушбу икки нодир китобнинг жаҳоннинг қайси халқлари тилларига таржима қилинганлигини хаёлдан ўтказиш кифоя. Айнийнинг ҳикоя ва романлари, тарихий асарлари-чи? Айнийнинг шеърияти, шоирлик қиёфаси ва Шарқ шеъриятига кўшган ҳиссаси ҳақида биз нима биламиз? Деярли ҳеч нарса. Чунки ҳатто ўзбек айнийшунослари ҳам бу шеърият билан жиддий қизиқишгани йўқ.

Айнийнинг илмий-ижодий меросини адабиёт, тарих, педагогика ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридангина эмас, балки тилшунослик жабҳасидан ҳам баҳолаш лозим бўлади. Тожикистонда нашр этилган Айний кул-

лиётининг 12-жилдидан у тузган тожик адабий тилининг луғати ўрин олган.

Чоп этилиш арафасида луғатни кўздан кечирган машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс 1939 йилнинг баҳорида Айнийга йўллаган мактубида мана нима деган эди: «... Мен сизнинг «Тожик адабий тилининг луғати»ингизни, яъни янги шоҳ асарингизнинг айрим қисмларини ўқиб чиқдим. Бемалол айтишим мумкинки, Сиздан бошқа ҳеч бир киши бундай ишнинг урдасидан чиқа олмасди...»

Айнийнинг улуглиги ҳам, тенгсизлиги ҳам ана шунда – у бошқа бировлар урдалай олишга ақлбодар қилмайдиган ишларни қойиллатиб бажаришга қодир билим ва салоҳият соҳиби эди. Айний илм ва ижод учун туғилганлигини билар, шунинг учун бутун куч-қуввати, меҳнат қобилиятини илм-фан, адабиёт равнақига бағишлаганди.

Айний ҳақида сўзлаганда, бир ҳақиқатни асло унутмаслик ва доимо инobatга олиш лозим: Айний Бухоро фарзанди. У Шарқнинг энг қадимий, энг мўтабар илм-фан марказларидан бири бўлган Бухорода, яъни шариф бир ўлкада туғилиб, камолга эришган. Айнийнинг бош муҳофизси, бош мураббийси ва муршиди комили Бухородир. Шунинг учун ҳам у жон ипи ва виждон амри ила Бухорога боғланган. Айний яшаган даврлардаги Бухорода ижтимоий-маданий ҳаётда турғунлик ҳукмронлик қиларди. Одамлар иқтисодий йўқсиллик, фикрий қолоқлик ва руҳий тушкунликка маҳкум этилганди. Илмсизлик, жаҳолат ва мутеликдан туғилган фожиаларни санаб адогига етиб бўлмасди. Шафқатсиз ҳаётнинг кулфат ва қийинчиликлари, кундалик турмуш машаққатлари билан болалигидаёқ юзма-юз келган Айний маънан жуда эрта улғайганди. Унинг иродаси ғам-андуҳ, ҳасрат ва армон, қашшоқлик ва ночорлик панжасида тобланган, деса асло хато бўлмайди. Инсоф билан айтганда, Айний босиб ўтган ҳаёт йўли – матонат



ва қахрамонлик йўли. У шундай қалтис ва таҳликали ҳолатларни бошдан ўтказганки, Оллоҳ инояти ва Бухоро мададисиз улардан кутулиш ёхуд омон қолишга ақл асло бовар этмайди. Айний буларнинг барчасини асарларида, хусусан, «Эсдалиқлар»ида ақл ва табдир, илм ва ироданинг куч-қувватига ишонган ҳар бир шахснинг қисматида учраши мумкин бўлган ҳодиса ўлароқ тасвирлаб беради. Чунки Айний Бухоронинг кулфат ва мусибатлари олдида ўзининг қайғу ва мусибатлари бир томчи ҳам эмаслигини билар, уни ўлим таъқиб этган чоғларда ҳам азиз Бухоросининг меҳр ва шафқатидан умид узмас, шу боисдан ҳам тушкунликка берилмасди. Таниқли тожик адиби Жалол Икромий ҳаққоний таъкидлаганидек, «Айнийнинг Бухорога ошиқи беқарор юраги унинг учун ачинар, нажот истарди. Айний Бухоронинг дарду жафоларига қалбан шерик, чинакам ватанпарвари эди». Ана шу ошиқлик ҳисси, ватанпарварлик бурчи ва ҳамдардлик ҳоли донишманд Айнийни охириги нафасгача тарк қилмаганди. Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илм-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам Ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратларга ўхшаб ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасизки, у мўрт бир адабий шахсият билан ўртамиёначилик чегарасидан бир одим ҳам нари ўтолмасди. Ҳолбуки, Айний дунё диққат-эътиборини Бухоро ва бухороликлар қисматида қарата олди. Тўғри, Айний тасвирларидаги Бухоро ва бухороликлар ҳаёти ўқувчи дилини кўпроқ фожиа ва қайғуга ошно этади, уни бир-биридан оғир, бири-биридан ёқимсиз воқеа-ҳодисотлар билан юзлаштиради.

Ҳақиқат билан учрашганда одам қанча қийналса, муҳокама-мулоҳазаларида нечоғлик фаоллашиб, эзгулик ва инсонийлик шарафига қанчалик инонса, Айний асарларини ўқиганда ҳам тахминан худди шу зайлда қийналиш, фаоллашиш ва ишонч ҳосил бўлади.

Айнийнинг услуби содда, лекин жонли, фавқулодда самимий ва безаксиздир. У ҳеч бир асарида ўзи кўрмаган, билмаган ёки моҳиятига етмаган нарсани китобхонга кўрсатиб, уни ишонтиришга уринмаган. Унинг учун бадиий талқин бошдан-охир табиий, ҳаққоний – ҳар қанақа адабий ясамалиқдан йироқ талқин ҳисобланган. Айнийнинг ижодий шахсияти – ҳавас қилиш ва ибрат олишга арзирли шахсият. Асардан-асарга унда ҳақиқат ҳисси ўткирлашиб, донишмандлик заковати теранлашган. Бу ҳам тасодифий эмас, албатта. Бизда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан Шарқ мумтоз адабиётини ўқиб-ўрганмасдан, билмасдан ҳам бадиий ижод билан машғул бўлиш мумкин, деган бир қаноат пайдо бўлган, вақт ўтган сайин эса у умумий кўникмага айланиб қолган. Айнийнинг тажрибалари бундай кўникма адабиёт ривожини учун мутлақо зарарли ва Румий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобур, Бедил каби даҳо санъаткорларнинг асарларидан сабоқ олмай туриб узоққа бориш мумкин эмаслигини билиш ва тан олиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли.

Айнийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятида шеърга муҳаббат ва шоирликка қизиқиш муҳим ўрин тутди. У шеър, шоир ва адабиётга ихлосманд бир оилада туғилган. Адибнинг отаси ўз даврининг очиқ фикрли анча ҳаққўй кишиси бўлиши билан бир қаторда илм ва адабиётнинг қадрини ҳам билган. У ўз фикрларининг тасдиқ ва исботи учун гоҳ шеър, гоҳ мақол ва маталлардан фойдаланган.

«Ўн ёшимда мактабни тугатдим, – деб ёзди адиб «Қисқача таржимаи ҳолим» асарида, – Бироқ ҳали саводсиз эдим, мактабда ўқитганларини ўқий олсам, аввалдан ўзимга таниш бўлмаган бошқа нарсаларни ўқий олмас эдим.

Аммо шеърларни севар эдим. Уларнинг мазмунига яхши тушунмасам ҳам, оҳанги мени завқлантирарди. Баъзи шеърларни ёдлашга тиришар эдим. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Соиб, Навоий ва Фузулий каби шоирларни «вали», яратган шеърларини каромат деб ҳисоблар эдим».

Хуллас, Айний 14–15 ёшларидан бошлаб шеър ёзиш билан жиддий машғул бўла бошлайди. Ва дастлаб Сифлий, Муҳтожий. Жунуний тахаллуслари билан шеърлар битади.▶

Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илм-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам Ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратларга ўхшаб ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасизки, у мўрт бир адабий шахсият билан ўртамиёначилик чегарасидан бир одим ҳам нари ўтолмасди

Айнийнинг услуби содда, лекин жонли, фавқулодда самимий ва безаксиздир. У ҳеч бир асарида ўзи кўрмаган, билмаган ёки моҳиятига етмаган нарсани китобхонга кўрсатиб, уни ишонтиришга уринмаган

қан. Ундаги мухтасар маълумотномада Айний Жек Лондон, Киплинг, Горький, Кнут Гамсун каби жаҳон адабиётининг улкан вакиллари билан бир сафга қўйилган.

«Эсдалиқлар» – Айнийнинг умр, тафаккур ва хотира китоби. Уни тақдирлар қомуси деса ҳам асло хато бўлмайди. Бундоқ қараганда, ушбу асарда ҳам ғам-ғусса, мусибат, кулфат кўп, зулмат жуда куюқ – гўё бошдан-охир фожиа тамойили ҳокимлик қилади. Уни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи Айнийни ғирт фожианавис адиб деб билади. Ва асарнинг баъзи қисмлари, «Наҳотки, шу воқеалар рост бўлса? Наҳотки, шундай бўлиши мумкин? Совет давлати ҳадея этган «бахт ва озодлик»ни шарафлаш учун ўтмиш давр суврати атайин қора бўёқларда чизилмаганми?» – деган саволлар пайдо қилади.

«Эсдалиқлар» айбланмас, англашни ўргатади, тарихий мушоҳадада бирёқламаликка ён бермасликка ундайди. «Эсдалиқлар» моҳият эътибори ила шундай бир қудратли китобки, у бундан кейин ҳам миллатни ичдан кемирадиган, халқнинг яхлит, қудратли халқ бўлишига тўсиқлик қиладиган ижтимоий, сиёсий, диний ва ахлоқий иллат ҳамда фожиаларнинг туб илдизларига диққатни қаратишда давом этаверади.

Шу маънода яна бир мулоҳаза. «Эсдалиқлар» дунё юзини кўрганда, Абдурауф Фитрат миллатчи ва халқ душмани айблови билан аллақачон қатл этилганди. Шунинг учун Айний хотира китобида унга ўрин ажратмаган. Бироқ мен кўпинча уларни биргаликда тасаввур этишга уринаман.

Айнийнинг «мен»лиги Фитратники билан қиёслаганда, синиш бўлмаса-да, унда эгилиш, жасоратсизлик дейилмаса ҳамки, эҳтиёт ва муроса сезилади. Айний домладаги ўзини аяш, шубҳа-гумонга берилмаслик Фитратда йўқ. «Олов билан» ўйнаши эса у Айнийга раво кўрмайди. Илм ва ижодда Айний ўзини намён эта билишига Фитрат шубҳаланмаган. Бироқ мафкуравий, ижтимоий-сиёсий муаммоларда уларнинг тушунча ва қарашларида тафовутлар ҳам қалқиб чиққан. «Эсдалиқлар»да битилмаган ва бир умр Айний қалбини ғуссалантирган сўзлар, бизнингча, Фитратга тегишлидир. Шўро тузуми ва қаттол сиёсати Бухоронинг бу икки буюк фарзандини бир-биридан бир қадар советганига қарамай, хиёнат ва сотқинлик чоҳига қулатолмаган. Хуллас, Фитратни Айнийдан, Айнийни Фитратдан ахтарган одам Бухоро ҳасрати, Бухоро ҳимматини чуқурроқ ҳис этади. Айнийнинг сўз ишлатмай сўзлаш, ранг қўлламай суврат



яратиш салоҳияти ҳам ана шунда.

Мен ўтган йил қишда «Эсдалиқлар»ни яна қайта қўлга олдим: бу гал ўқиш олдингига нисбатан секин ва анча узоқ давом этди. Ва икки нарсани мени жуда ҳайратлантирди. Биринчиси – Айнийни илҳомлантирган миллий эътиқод ва маънавий гоёнинг бениҳоя теранлиги. Иккинчиси – муаллифнинг фақат ва фақат Виждон амри ила қалам юритгани. Яна шуни айтмоғим керакки, маълум бир тайёргарликсиз, яъни зулмат ва жаҳолат, зулм ва зўравонликлар ила қуршалган Бухоронинг камида юз йиллик тарихини зарур даражада ўрганмай туриб «Эсдалиқлар»нинг маъно-моҳиятини ҳар жиҳатдан мукамал ўзлаштиришга уриниш унча самара бермайдиган ишдир.

«Эсдалиқлар»да «Бухоро олифталари» деб аталган бўлим бор. Унда уст-боши, феъл-атвори, мақсад-муддаоси ўзига хос, муҳтож ва ҳимоясиз бандаларга ёрдам бериш нияти билан яшайдиган мард, танти инсонлар жамоаси таърифланган. Уларнинг умумий лақаби «олифта» бўлиб, журъат, марҳамат, инсонсеварлик лаёқати ва ўзларига ўхшаганлардан ўзишларига қараб, уларга «нимтайёр», «тайёр», «марди мардон» (мардлар марди) унвони берилар экан. Адибнинг ёзишича, олифталар «Саттор» калимаси билан қасам ичиб, «фалон ишни қиламан дедими, боши кетса ҳам уни қилиши лозим эди. Агар қасамини бузса, айтган ишини қилмаса, «номардлик» билан машҳур бўлиб, олифталар орасидан ҳайдаларди». Бухоронинг Моркуш гузаридан чиққан Муҳаммадий Махдум деган киши олифталарнинг марди майдони мақомига кўтарилган. Бироқ унинг Барно тайёр отлиғ ғаними номардлик, пасткашлик ва ҳийла билан уни ўлдирган. Ортиқча тафсилот ва бадиий безакларсиз воқеани жуда самимий ҳикоя қилган адиб одамларнинг марҳумга муносабатини ҳам жонли акс эттиради. Унинг ўзи ▶

«Эсдалиқлар» – Айнийнинг умр, тафаккур ва хотира китоби. Уни тақдирлар қомуси деса ҳам асло хато бўлмайди.

Асар моҳият эътибори ила шундай бир қудратли китобки, у бундан кейин ҳам миллатни ичдан кемирадиган, халқнинг яхлит, қудратли халқ бўлишига тўсиқлик қиладиган ижтимоий, сиёсий, диний ва ахлоқий иллат ҳамда фожиаларнинг туб илдизларига диққатни қаратишда давом этаверади

«Эсдалиқлар»да битилмаган ва бир умр Айний қалбини ғуссалантирган сўзлар, бизнингча, Фитратга тегишлидир. Шўро тузуми ва қаттол сиёсати Бухоронинг бу икки буюк фарзандини бир-биридан бир қадар советганига қарамай, хиёнат ва сотқинлик чоҳига қулатолмаган

Айнийнинг бадиий
услуги билан
илмий услуги
ўртасида
қандайдир
яқинлик, умумий
бир ўхшашлик бор.
Масалан, Сиз
«Мангит амирлари
тарихи» китобини
ўқидингиз дейлик,
илмий асар
мутолаа
қилдингизми ёки
бадиий асарми –
буни унча
фарқламайсиз



ҳам фотиҳага боради ва азахонага келганлардан бирининг мана бу гапларини нақл қилади:

– Муҳаммадий Махдум мард одам эди. Мардлик кўйида одамларга яхшилик қиларди, фойда етказарди... Худо раҳмат қилсин, қиёматда мардлар қаторида бош кўтарсин...

Гап шундаки, Муҳаммадий Махдумдай бухоролик олифталар фуқаро тинчлиги, хавфсизлиги, моддий йўқсиллик чангалида азоб чекмаслиги учун куч-қуввати ва ҳимматини аямаган эски жавонмардлар, яъни футувват аҳлига издош, маслакдош зотлар эди. Мардлик, жасорат, олийжаноблик, меҳр-шафқат ва саховат улар учун гўё касб, ҳунар ва ихтисослик бўлган. Улардай назари баланд, кўзи тўқ, нияти холис, сўзи билан амали бир, ҳиммати олий, элсевар одамларни наинки Бухоро, ҳозир курраи заминни ахтариб ҳам тополмайсиз. Мана сизга бухорошунос Айний гуманизми ва каромати.

Айнийнинг бадиий услуги билан илмий услуги ўртасида қандайдир яқинлик, умумий бир ўхшашлик бор. Шунинг учун бўлса керак, унинг илмий асарларида ҳам тил жонли, енгил, ифода равон, бошни гангитувчи оғир ёки китобий жумлаларга дуч келинмайди. Масалан, Сиз «Мангит амирлари тарихи» китобини ўқидингиз дейлик, илмий асар мутолаа қилдингизми ёки бадиий асарми – буни унча фарқламайсиз. Чунки Айний факт ва далил танлашдагина эмас, талқин, таҳлил ва фикрмулоҳаза ифодасида ҳам жуда моҳирдир. Айнийнинг айнийлиги, хусусан, унинг бедилшунослигида ёрқин аксини топган. У мадрасадаёқ зукко бедилшунос сифатида шаклланган.

1910 йили Уфада чоп этиладиган «Шўро» журналида «Мирзо Бедил ҳақида» номли бир мақола босилиб чиқади. Журналда ўша муалифнинг Бедилга бағишланган янада кенг ва каттароқ мақоласи босилиши хусуси-

да хабар ҳам берилади. Лекин Бухорода Садриддин Айний билан мадрасада бирга ўқиган Олимжон Идрисий деган туркиялик бу тадқиқотчи Бедилнинг таржимаи ҳолини ёритишда хатоликларга йўл қўйганлигини аниқлайди. Шундан сўнг у Садриддин Айнийдан ёрдам истаб Истанбулдан Бухорога мактуб йўллайди. Айний Олимжон Идрисийнинг исрагини адо айлаб, Бедилнинг таржимаи ҳоли, асарлари хусусида анча батафсил маълумот берувчи бир мактуб ёзиб Истанбулга жўнатади. Форсийда битилган ушбу мактубни турийга таржима қилиб «Шўро» журналига юборган Идрисий дейди: «6-адад «Шўро»да Бедилнинг таржимаи ҳолини мухтасар бир суратда ёзғоч, Бухородаги шеригим Садриддин Айний афандига хат ёзуб, бу ҳақида муфассал маълумот сўрадим. 1911 сана 3 мартда жавоб ҳам олдим эса-да, бир чўқ сабабларга кўра бу вақтга қадар таржима этуб юбо-ра олмадим».

Хуллас, «Шўро» журналининг 1912 йил иккинчи сонисида Идрисийнинг мақоласи эмас, балки унинг таржимасидаги Айнийнинг ўша мактуби мақола шаклида босилиб чиқади. Ва ушбу мактуб-мақола кейинчалик тожик олимлари М.Шукуров, Жўра Боқизода томонидан икки тилда эълон қилингандир.

Асосий нарса шундаки, Айний Истанбулга йўллаган мактубида Мирзо Бедил таржимаи ҳоли, муҳити, фалсафаси, услуги хусусида айтилиши зарур бўлган барча муҳим гапларни баён этган. Шунингдек, ҳижрий 1199 йили Бомбайда чиққан ва 12 қисмдан таркиб топган Бедил «Куллиёти»даги асарларнинг ҳажмини ҳам бирма-бир қайд қилиб ўтган.

Бизнинг назаримизда, «Шўро» журналида босилган Айнийнинг мана бу фикрлари унинг Бедил шахсиятига эҳтиромини англаш ва изоҳлашга яқиндан ёрдам беради: «Мирзо Бедил бой қалб соҳиби, олийжаноб бир зот бўлиб, ағниё ва умаро эшигига ҳеч яқинлашмас, билъакс улар Мирзонинг ҳузурига келур-лар ва уни таъзиму тақрим этардилар».

Нуфуз ва иқтидор соҳиби амалдорлардан бириси Мирзога бир мактуб юбориб, уйига даъват этгани замон у:

Дунё агар диханд, нахезам зи жои хеш,

Ман бастаам ҳинои қаноат ба пои хеш,

Мазмуни: «Агар менга дунё қадар молу мулк берсалар ҳам, ўрнимдан қимирламайман, чунки мен оёғимга қаноат ҳиносини боғладим, шунинг учун тўраларга ва бойларга хушонад этувчи эҳтиёжим йўқ», – байти билан жавоб қайтаради. Агар ана шу нуқтаи назардан Айнийнинг ижодкорлик эътиқоди ва шах-

Айний Истанбулга
йўллаган
мактубида Мирзо
Бедил таржимаи
ҳоли, муҳити,
фалсафаси,
услуги хусусида
айтилиши зарур
бўлган барча муҳим
гапларни баён
этган.
Шунингдек, ҳижрий
1199 йили
Бомбайда чиққан
ва 12 қисмдан
таркиб топган
Бедил
«Куллиёти»даги
асарларнинг
ҳажмини ҳам
бирма-бир қайд
қилиб ўтган

сиятига баҳо бериладиган бўлса, унинг Бухоро амири Аҳадхон тузоғига тушмаслик учун дадил йўл излашлари Бедил сабоқларига содиқлик эканлигини ҳам эътироф этиш керак бўлади.

Мирзо Бедил куллиётини қайта-қайта ва рақлаш, файласуф шоирнинг инсон тақдири, умр мазмуни, тириклик ва ўлим тортишувлари, олам, одам ва Оллоҳ бирлигига доир фикрларини такрор-такрор муҳокама ва мушоҳададан ўтказиш Айнийнинг мароқли машгулларидадан бўлган. Ҳатто у ҳаётининг анча оғир ва қийноқли фурсатларида Бедил шеърларини ўқиб юпанган, ўзича улардан тасалли топган. Айний ўша вақтлар дунё ишларидан безган кишилар тилида дoston бўлиб юрган Бедилнинг қуйидаги байти кўнглига тасалли бағишлаганлигини эътироф этган:

Зиндаги бар гардан афтодаст,
Бедил, чора чист?

Шод бояд зистан, ношод бояд зистан.

Мазмуни:

«Тириклик тушди бошга, Бедил,
энди не чора?

Шод бўлсанг ҳам, ношод бўлсанг ҳам яшаш
керак, албатта».

Айнийнинг «Шўро» журналида босилган мақоласидан «Бедил» монографияси чиққанигача бўлган вақт қирқ йилдан ортади. Ана шу муддат оралигида устоз Айний Бедил яшган давр ва замон, унинг шахси, адабий муҳити, ижодиётининг фалсафий-ахлоқий манбаларига тегишли деярли барча тарихий, илмий, адабий ва диний китобларни синчиклаб ўрганган, шуларга алоқадор маълумотларни шоирнинг ўз асарларидан ҳам териб олган. У 1946 ва 1947 йилларда «Шарқи сурх» журналида Бедилга бағишланган мақолаларини эълон қилган. Охир-оқибатда эса, унинг жаҳон бедилшунослигида янги саҳифа очган «Мирзо Абдулқодир Бедил» монографияси яралган. Бу ишни уддалаш осон эмасди, албатта. Шунинг учун ишнинг барча қийинчилик ва мураккаблиklarини инобатга олган Е.Э.Бертельс китобга ёзган муқаддимасида, «Кам-



дан-кам одам бу ишнинг уддасидан чиқа оларди, шунда ҳам Айнийга ўхшаган ўз халқининг ўтмишдаги адабиётини, тилини ва шу тилда ёзилган барча адабиётини яхши билган забардаст устозгина бу ишни муваффақият билан ниҳоясига етказган бўлур эди», – дея Айнийнинг чиндан-да забардаст устозлигига тан берган эди. Бир қанча адабиётшуносларнинг умумий эътирофларига кўра, жаҳоннинг бирор-бир ўлкасида Бедил ҳақида Айнийнинг китобига тенглаша оладиган, ундан мукамалроқ тадқиқот ҳали яратилганича йўқ.

Профессор Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовнинг «Устоз Садриддин Айнийнинг сабоқлари» номли китобида адиб асарлари ва айнийшуносликка доир ишларнинг рўйхати 1978 йилгача уч китобдан ошиб кетганлиги қайд этилган (Тошкент, 2004, 3-бет). Айний асарларининг ўзбекча нашлари ва ўзбек айнийшуносларининг мақола ҳамда китоблари ҳам мазкур асарлардан муносиб ўрин эгаллаган. Аммо фихрист ишлар яна давом эттирилган бўлса, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари биринчи ярмигача бўлган ҳолат билан ундан кейинги ўттиз йил мобайнидаги аҳвол ер билан осмон қадар фарқ қилади.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш жоизки, Айний ижодиёти XX аср дунё адабиётининг энг нодир, энг эътиборли ва энг мазмундор саҳифаларини ташкил этади.

У 1946 ва 1947 йилларда «Шарқи сурх» журналида Бедилга бағишланган мақолаларини эълон қилган. Охир-оқибатда эса унинг жаҳон бедилшунослигида янги саҳифа очган «Мирзо Абдулқодир Бедил» монографияси яралган

Бир қанча адабиётшуносларнинг умумий эътирофларига кўра, жаҳоннинг бирор-бир ўлкасида Бедил ҳақида Айнийнинг китобига тенглаша оладиган, ундан мукамалроқ тадқиқот ҳали яратилганича йўқ. Профессор Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовнинг «Устоз Садриддин Айнийнинг сабоқлари» номли китобида адиб асарлари ва айнийшуносликка доир ишларнинг рўйхати 1978 йилгача уч китобдан ошиб кетганлиги қайд этилган

Иброҳим Хаккул, профессор, доктор филологических наук.

В литературе есть такие личности, при изучении творческой деятельности которых широко открывается новый мир, одним из таких людей можно назвать Садриддина Айни. Написанные десятками произведения до сегодняшнего дня не теряют свою актуальность и, изучая эти произведения, читатель глубоко открывает гениальность писателя. Величие Садриддина Айни заключается в том, что его знания и навыки способствовали созданию невероятных произведений. В детстве он сталкивался лицом к лицу, с возникшей жестокостью жизни и из-за этого у него наступила ранняя духовная зрелость. Когда Айни было уже 15 лет он начал впервые заниматься поэзией под прозвищем Жунуний. ■

«TURON» ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ САҲИФАЛАР



Феруза Нуриддинова,
«TURON» ахборот
кутубхона маркази
библиографи

«Турон» кутубхонасининг «Нодир нашрлар» фондида сақланаётган 20-йилларда араб ёзувида нашр этилган газета журналларда эълон қилинган мақолаларнинг библиографияларини тузиш асносида бошқа соҳалар қаторида кутубхоналар мавзуининг ҳам кенг ёритилган

Биз яшаётган кўҳна Турон заминида қадимдан билим булоғи, ақл чироғи дея улуғланган, инсонлар қалбини илм-маърифат нурлари билан мунаввар қилувчи, битмас-туганмас мўъжиза бўлган китоб бебаҳо бойликдек юксак қадрланган. Шу боисдан ҳам бизнинг юртда ўтмишда яшаб ўтган буюк аждодларимиздан қолган улкан маданий ва маънавий мерос бўлмиш китоблар сақланадиган хазинагоҳдан иборат бўлган кутубхоналарга катта аҳамият бериб келинган.

Бир асрдан бери илмга иштиёқманд халқимизни китобга ва вақтли матбуотга бўлган эҳтиёжини қондириб, ўзининг маданий-маърифий вазифасини шараф билан адо этиб келаётган мўътабар масканларидан бири Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона марказидир. Мен ушбу мақолада 100 йиллик бетакрор тарихга эга бўлган, ўлкамиздаги илк ўзбек миллий зиё масканларидан бири «Турон» кутубхонасининг олис тарихидан сўз юритмоқчиман.

«Турон» кутубхонасининг «Нодир нашрлар» фондида сақланаётган 20-йилларда араб ёзувида нашр этилган газета ва журналларда эълон қилинган мақолаларнинг библиографияларини тузиш асносида бошқа соҳалар қаторида кутубхоналар мавзуси ҳам кенг ёритилган. Мени ҳайратга солган бирдан-бир нарса 20-йиллар матбуоти саҳифаларида чоп этилган кутубхоналарга оид материалларнинг энг кўп қисми «Турон» кутубхонасига бағишлангани эди. Мазкур материаллар «Иштирокиюн» (1818–1920), «Қизил байроқ» (1920–1922), «Туркистон» (1922–1924), «Қизил Ўзбекистон» (1924–1930), «Шарқ ҳақиқати» (1928–1930) газеталари ҳамда «Маориф ва ўқутғучи» (1925–1929) журналида эълон қилинган бўлиб, «Турон» кутубхонасининг 20-йиллардаги фаолиятдан ҳикоя қилади. 1918 йилдан 1930 йилгача бўлган давр-

да юқорида номлари тилга олинган нашрларда 74 та материал чоп этилган бўлиб, улардан 35 таси мақола, 6 таси хабар, 23 таси ҳисобот ҳамда 10 таси эълон ва билдиришдан иборатдир.

Сўзимиз аввалида «Турон» кутубхонасининг ташкил этилиши ҳақида қисқача сўзлаб ўтамиз. Маълумки, XX аср бошларида эрксиз ва эзилган халқимиз шўро мустамлакачилиги зулми остида оғир ва мусибатли ҳаёт кечирар эди. Аламдийда халқнинг нурсиз ҳаётига ёруғлик бағишлаш ҳамда маориф ва маданият ишларини тараққий қилдириш мақсадида 1913 йили Тошкентда бир гуруҳ тараққийпарвар зиёлилар «Турон» жамиятини таъсис этадилар.

«Турон» жамиятининг муассислари Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхон, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Каримбек Норбеков, Низомиддин Хўжаев каби миллатимизнинг маърифатпарвар кишиларидан иборат эди.

1914 йилдан эътиборан, жамият аъзолари томонидан тўпланган китоблар асосида кутубхона ҳам шакллана борган. Шу тариқа жамият қошида Тошкентдаги миллий зиё маскани бўлмиш «Турон» кутубхонаси ташкил топган. Лекин кутубхонанинг расман иш бошланган санаси 1918 йилнинг декабрь ойи бўлиб, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Маҳсидўзлик маҳалласида ўз фаолиятини бошлаган.

«Турон» кутубхонаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар Туркистон Миллий ишлар халқ комиссарлигининг органи бўлган, 1918 йил 21 июндан Тошкентда чиқа бошлаган «Иштирокиюн» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида босилган.

«Иштирокиюн» газетаси таҳламларини кўздан кечирсак, унда кутубхона ҳақида 5 та мақола, 2 та эълон ва 2 та билдириш чоп этилганини кўраемиз. Газетанинг 1918 йил 25 де-

кабрь, 59-сонида «Ориф Клиблеев кутубхонаси» деган эълон босилган. Унда «Турон» санойи нафиса тўрагагининг нишона дафтари очганлиги ва кутубхона учун халқдан китоб ва қўлёзмалар қабул қилиши айтилган.

Кутубхонанинг «Ориф Клиблеев» деб аталишига келсак, у Миллий ишлар халқ комиссари, шунингдек «Иштирокиюн» газетасининг ташкилотчиларидан ва биринчи муҳаррири бўлган. У 1918 йили Хўжандда вафот этган. Унинг вафотидан сўнг Миллий ишлар комиссарлиги Клиблеев номини абадийлаштириш мақсадида 10 минг сўм сармоя ажратиб, кутубхонага берган. Шундан сўнг бу зиё маскани «Ориф Клиблеев шарафига очилган «Турон» кутубхонаси» деб юритила бошланган.

Кутубхонанинг биринчи мудирини Абдулвоҳид Расулий бўлган ва у «Иштирокиюн» газетасида кутубхона ҳақида бир нечта мақола эълон қилган. Уларда Расулийнинг кутубхона учун халқдан кўмак сўрагани, сўнгра кутубхонага китоб совға қилган саховатли кишиларга ўз миннатдорчилигини билдиргани ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Қуйида биз кутубхонага китоб ҳадя қилган кишиларнинг номларини келтираемиз:


1. Абдулвоҳид Абдурасул хожи ўғли томонидан 74 та китоб;
2. Каримбек Норбеков томонидан 58 та китоб;
3. Ҳафизжон Исҳоқов томонидан 11 та китоб;
4. Яъқуб бин Баҳриддин томонидан 9 та китоб ҳамда 1917 йилги «Шўро» журнали ва 20 нусха «Дин ва маишат» журнали;
5. Иброҳим Тоҳирий («Чўл чаёни» журналининг муҳаррири) томонидан Мусо Жоруллоҳнинг «Ислохот асослари» асари;
6. Исман Айтўрга Тиламган томонидан 337 та китоб ва турли хил журналлар.

«Иштирокиюн»нинг 1919 йил 17 июнь сонидаги «Абдулвоҳид» имзоси билан босилган қуйидаги эълон берилган.

«Рамазони шариф муносабати билан кутубхона Шайхонтахур мазори сайргоҳига кўчди ва кеч соат 6 дан 12 гача очиқ бўлади».

Бундан маълум бўладики, Рамазон ойида рўзадорларга қулайлик яратиш мақсадида кўчма кутубхона ташкил қилинган ва у соат 24 гача ишлаган.

Мазкур маърифат маскани севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий назари тушган кутубхона эди. У ўзининг «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида» ҳажвий қиссасида ҳам «Турон» қироатхонасини тилга олган. Унинг «Жубой» имзоли «Қироатхоналаримиз» номли



мақоласи эса «Иштирокиюн»нинг 1920 йил 23 июнь сонида босилган эди. Унда «Турон» қироатхонасининг оғриқли масалаларидан бўлган маблағ йўқлиги, китобларнинг етишмаслиги ва ишларнинг яхши ташкил этилмаганлиги каби муаммолар илгари сурилган:

«...Бизнинг Тошкандда биринчи мартаба очилган қироатхона 1918 йилнинг декабрида бир-икки йигитларимизнинг ғайрати ила «Турон» жамиятининг Ориф Клиблеев номига очилган қироатхонаси бўлди. Лекин биринчи мартаба очилган бу қироатхона яхши йўлга кета олмади. Чунки китоб келтурмакка атропо йўллари ёпиқ ва бунинг устига қироатхона учун ҳукуматдан ёрдам ҳам йўқ эди. Бошида қироатхона маҳаллий кишиларнинг ҳадя эткан китоблари ила юриб турса ҳам, сўнгра Миллий ишлар комиссарлигининг Ориф Клиблеев исмига ёдгор бўлсун, деб берган ўн минг сўм оқчаси билан баъзи маданий ишлар ишлаб турди. Лекин бу оқча ва бу ҳол ила қироатхона ўзинда бор китоблар билан халқни қаноатландирув мумкин бўлмагач, шахсий китоби бор кишилардан китоблар реквизиция тариқасинда қироатхонага олинди. Бунинг ила ҳам иш радламагач, юз минг балолар ила ўшал вақтли Миллий ишлар комиссарлигиндан тўқсон беш минг сўмлар чамаси оқча олинган. Бу оқча ила китоб келтурмакка атропо шаҳарларга вакиллар юборув китобхонанинг муддаоси эса-да, ҳамма йўлларнинг ёпиқлиги ва темир йўлларнинг тартибсизлиги бунга монёъ бўлуб, Тошканднинг ўзидаги кишилардан бўлган китобларни гарчи жуда қиммат баҳо билан бўлса ҳам олина бошлаган. Ушбу Миллий ишлар комиссарлигининг берган тўқсон беш минг сўм оқчаси билан 1919 йилнинг нўябирига қадар қироатхона давом этмакда эди. Декабирдан эътибо»

Мазкур маърифат маскани севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий назари тушган кутубхона эди. У ўзининг «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида» номли ҳажвий қиссасида ҳам «Турон» қироатхонасини тилга олган

«Жубой» имзоли «Қироатхоналаримиз» номли мақоласи эса «Иштирокиюн»нинг 1920 йил 23 июнь сонида босилган эди. Унда «Турон» қироатхонасининг оғриқли масалаларидан бўлган маблағ йўқлиги, китобларнинг етишмаслиги ва ишларнинг яхши ташкил этилмаганлиги каби муаммолар илгари сурилган



Клиблеев номига очилган қироатхонада ҳозир тўрт юз жилдга болиғ мусулмон китоблари бўлуб, Тошканд мусулмонлари каби икки юз минглаб ҳисобланган бир халқ учун бўлган бу қироатхонага ноль даражасинда оздир. Энг ози тўрт-беш минг жилдларга етқурилуви матлуб бўлуб, бунинг учун Ички Русия, Боку каби жойларга вакиллар юбориб, китоб келтирилуви керакдир...»

ран Ўлка кутубхонасининг назоратига ўтуб, ушбу йилнинг апрелига қадар онинг қарамоғинда дам этди. Бу вақтларда қироатхонанинг моддий жиҳати яхшигина таъмин этилиб, анчагина китоблар олмоқғада муваффақ бўлинди.

Таассуфки, Ўлка кутубхонасининг қарамоғинда кўб давом этувга мумкин бўлмай, ушбу йилнинг 1 майиндан бошлаб Эски шаҳар Маориф шуъбаси ёнидаги «Мақтадан иш маориф таратув шуъбаси» идорасига ўтди. Бунинг учун: «Энди қироатхона дардимизга яқиндан таниш бу шуъба қарамоғига ўтди. Бундан сўнг, албатта, қироатхона йўлга қўйлиб юборилса керак», деб шодланилса ҳам, лекин умидимиз бўшқа чиққуб, қироатхонанинг Ўлка кутубхонаси давриндаги вақтларини соғина бошлади. Бу кунда кутубхона сотуб-олув оқчасизликдан бутунлай тўхтаган. Бунинг устига, «Мақтадан иш маориф таратув шуъбаси» тарафидан қироатхона устига таъйин этилган киши қироатхона ишлари ила ноаҳл бир киши бўлгани учун қироатхонага нима керак, қироатхонанинг эҳтиёжи нимага ортироқ ва ишни нима билан бошламоқ керак экани билмас экан.

Тошканд мусулмон халқининг бирдан-бир қироатхонаси бўлган бир кутубхонанинг бу ҳолда бўлуви, хусусан, ҳолни Маориф шуъбаси қарамоғига ўткандан сўнг юз кўрсатуви таассуфли бир ҳолдир. Мақтадан иш маориф таратувни хоҳлаган «Маориф шуъбаси»нинг диққатини бу нуқтага жалб этамиз.

Клиблеев номига очилган қироатхонада ҳозир тўрт юз жилдга болиғ мусулмон китоблари бўлуб, Тошканд мусулмонлари каби икки юз минглаб ҳисобланган бир халқ учун бўлган бу қироатхонага ноль даражасинда оздир. Энг ози тўрт-беш минг жилдларга етқурилуви

матлуб бўлуб, бунинг учун Ички Русия, Боку каби жойларга вакиллар юбориб, китоб келтирилуви керакдир...»

Юқоридаги мақолада таъкидланганидек, кутубхона 1920 йилнинг ўрталарида Эски шаҳар Маориф шуъбаси қарамоғига ўтган. Шу ўринда «Иштирокиюн»нинг 1920 йил 1 июль сонидида Эски шаҳар Маориф шуъбаси мудирини Акбархўжа Қосимхўжа ўғли ҳамда Кутубхона ва қироатхоналар шуъбаси мудирини Назир Иноятий томонидан берилган билдиришни келтириш мақсадга мувофиқдир. Унда мутасаддилар кутубхонадан китоб олган кишиларга муурожаат қилиб, китобларини 5 кун ичида кутубхонага топширишларини талаб қилганлар.

«Иштирокиюн» газетаси 1920 йилнинг 12 декабридан «Қизил байроқ» номи билан чиқа бошлаган ва бу газетанда «Турон» ҳақида 3 та мақола босилган. «Қизил байроқ»нинг 1920 йил 21 декабрь сонидида кутубхонанинг кейинги мудирини Яъқубхўжанин «Турон» кутубхонаси ва ўқувчилар» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф кутубхонадан ўқиш учун уйга китоб олган ўқувчилардан китобларини тезлик билан топширишларини сўраган.

Шунингдек, шу газетанин 1921 йил 4 октябрь сонидида «А-б» имзоли «Эски шаҳарда кутубхона ва қироатхона» номли катта мақола босилган. Унда ёзилишича, Марказий «Турон» кутубхонасида 4000 га яқин китоб бўлган, қироатхона талабга жавоб бера оладиган аҳволда бўлмаган, Эски шаҳар Маориф шуъбаси эса кутубхонага етарлича эътибор бермаган.

Кутубхонанинг навбатдаги мудирини М. Саидали (Маҳкам қори Саидалиев бўлса керак – Ф.Н.) бўлган ва унинг «Марказий «Турон» кутубхонасида фойдаланувчиларга» деган мақоласи «Қизил байроқ»нинг 1922 йил 16 январь сонидида чоп этилган. Унда муаллиф кутубхонадан фойдаланувчиларга қарата шундай хитоб қилган:

«...Бизда кутубхона очилув билан элни мутолаа ишларига тортиш, бўш вақтни бекорга кечиртирмаслик учун мумкин қадар йўқлик камбағаллигига қарамасдан, кутубхона элга яқин бир йўл билан олиб кетувга тиришилди.

Илгари бошлаб ўқувчиларга олиб кетиб, ўқуб бериш учун истаганларича, ҳатто ўнлаб китоб берилди.

Кейинги вақтларда ўқувчиларнинг кўпайиши билан кутубхонадаги китобларнинг етишмаслигини эътиборга олиб, русча, мусулмончадан бирор донадан берилма бошланди.

Шул ҳолда ҳам етишсизлик оша борди. Табиий, юз минглаб халққа 3-4 минг жилд китоб етишмайдир. Шу етишсизликни кўра туруб, кутубхонанинг сурўги 10 кун бўлғони ҳолда, баъзи бир ўқувчилар олғон китобларини ойлаб, йиллаб тута бошладилар. Ҳатто, баъзилари ўзлаштириб кетдилар...

Бул тўғрида неча марта ҳукумат орқали, неча марта газета орқали пўписалар, дўқлар, таклифлар, илтимослар қилинди, лекин ҳеч нарса унгани йўқ. Ҳали ҳам ўшал эски ҳол, энг кейин кутубхонада бир нарса қолмағоч, китоб бериш тўхтатилди...



Шунинг учун ҳалиги ўртоқларга яна бир мартаба таклиф ва илтимос қиламиз: кутубхонадан олғон китобларингизни тезлик билан топширингиз. Уни ўзлаштириб кета олмасиз, чунки ул элнинг мулки, эл сиздан уни ҳар вақт талаб қиладир... Ўзингиздан бошқа ўқувчиларнингда борлигини эсингиздан чиқармангиз!...»

«Қизил байроқ» газетаси 1922 йил 13 сентябрдан «Туркистон» номи билан чиқа бошлаган. Газета ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у «Турон» кутубхонаси фаолиятини энг кўп ва хўп ёритган нашрдир. Ўз даврининг нуфузли нашрларидан бўлган «Туркистон» газетасида «Турон»нинг 1922–1924 йилларидаги фаолиятдан баҳс юритувчи 28 та материал босилган бўлиб, улардан 8 таси мақола, 4 таси хабар, 4 таси билдириш ва 12 таси ҳисоботдан иборат. Қуйида биз улар ҳақида кенгроқ маълумот берамиз. Газетанинг 1922 йил 22 сентябрь сонидан босилган «Турон» қироатхонаси очилди» деган хабардан шуни айтиш мумкинки, 22 августдан ёпиқ бўлган Эски шаҳар «Турон» қироатхонаси тўлиқ таъмирлангач, яна очилиб иш бошлаган. 1922 йилда кутубхонадан фойдаланувчилар сони 7000 кишини ташкил қилган.

Газетанинг 1923 йил 13 февраль, 63-сонидан «Турон» кутубхонасини мукамаллаштириш» деган хабар босилган. Унда айтилишича, кутубхонани мукамаллаштириб, марказий бир кутубхона қилиш учун сиёсий маориф томонидан раҳбарлар белгиланган.

Газетанинг 1923 йил 17 апрель, 110-сонидан «Мактабдан ташқари маориф ишлари» деб номланган мақолада эса кутубхонанинг янги иқтисодий сиёсатдан кейинги аҳволи хусусида сўз боради:

«... 250 минг халққа эга бўлгон Эски шаҳарда очилгон «Турон» кутубхонаси очилгон вақтда яхши йўлга тушиб кетган эди. НЭПдан кейин бу кутубхона моддий ёқдан сиқилиб, маънавий томондан оқсаб қолди. Ундаги китоб,



журналлар ўқувчилар томонидан неча мартадан ўқулуб чиққани учун мутолаачилар янги китоблар сўраб, кутубхона мудирини тинчсизлатмоқдалар.

1919-20-21-нчи йилларда уйда ўқиш учун турлик кишилар томонидан олиб кетилган китоблардан 300 га яқин китоб кутубхонага қайтиб кирмаган. Бу аҳвол мутолаачиларни кутубхона қошида ишончсиз танитиб қўйди. Ҳозир китоблар сиёсий маорифнинг ижозати билан фақат ўқувчи ва ўқитувчиларгагина бериладир...

Газетанинг 1923 йил 28 апрель, 120-сонидан «Турон» кутубхонасида мутолаа қилгонлар» деган ҳисобот берилган. Унда айтилишича, январь ойида 643, февраль ойида 836, март ойида эса 648 киши китоб мутолаа қилган. Шу 3 ойда уйга китоб олиб ўқувчилар 199 кишини ташкил қилган. Яна шу сонда «Кутубхона олинди» деган муҳим хабар босилган бўлиб, унда оренбурглик китобчи Аҳмад Исҳоқийнинг бутун кутубхонаси 235 миллиард сўм баробарига Эски шаҳар «Турон» кутубхонаси учун сотиб олинганлиги ёзилган. Бу хайрли иш «Турон» кутубхонасининг фаол аъзоси, элимизнинг ардоқли шоири Чўлпон ташаббуси билан амалга ошган эди. Шу тариқа кутубхона жамғармаси яна 5 минг жилд китобга бойиган. Улар орасида Шарқ халқлари тарихига оид қимматли китоблар кўп бўлган. Кутубхонага олинган янги китоблардан хабар топган мутолаага ҳаваскор ўқувчилар «Қачон бу китоблар очилиб, карточкалари ёзилиб бизга берила бошлар экан?» – деб, кутубхонага ҳар куни қатнаганлар. Ҳатто ўқувчилардан бир киши «Қачон ўқур эканмиз?» деган мақола билан чиққан. («Туркистон», 1923 йил 12 сентябрь)

Мана шу фактнинг ўзиёқ халқимизнинг ки- ▶

Ўз даврининг нуфузли нашрларидан бўлган «Туркистон» газетасида «Турон»нинг 1922–1924 йилларидаги фаолиятдан баҳс юритувчи 28 та материал босилган бўлиб, улардан 8 таси мақола, 4 таси хабар, 4 таси билдириш ва 12 таси ҳисоботдан иборат

«...Вақф шуъбаси кутубхонага жуда яхши қарамқодадир. Кўб камчиликларни тўлдириб бериш устига янгидан электрик қилиб берди. Бир-икки кун ичида чироғлар ёниб кетса керак. Шундан кейин кутубхона кечаси билан очиқ бўлиб турадир. Уйга китоб берилмаганидан хафа бўлиб юрган ўртоқлар иссиқ китобхонада кеча-кундуз мутолаа эта олурлар

1923 йилнинг декабрь ўрталаридан эрталабдан кечаси соат 22 гача очиқ бўлган. Декабрь ойида кутубхонадан китоб олиб ўқиган ўқувчилар 248 кишини, қироатхонадан газета-журнал ўқиганлар эса 1293 кишини ташкил қилган

тобга бўлган муносабатини кўрсатиб турибди. «Туркистон» газетасининг 1923 йил 10 декабрь сониди босилган «Ўқувчи» имзоли «Турон» кутубхонаси сарлавҳали мақолада эса кутубхонага моддий ва маънавий кўмак берувчи Эски шаҳар Вақф шуъбасининг ҳамда кутубхонани ўз истаги билан оталиққа олган Азиз бойбаччанинг қилган хизматлари ҳақида ёзилган:

«...Вақф шуъбаси кутубхонага жуда яхши қарамқодадир. Кўб камчиликларни тўлдириб бериш устига янгидан электрик қилиб берди. Бир-икки кун ичида чироғлар ёниб кетса керак. Шундан кейин кутубхона кечаси билан очиқ бўлиб турадир. Уйга китоб берилмаганидан хафа бўлиб юрган ўртоқлар иссиқ китобхонада кеча-кундуз мутолаа эта олурлар.

Кутубхонанинг оталигини олган Азиз бойвачча ҳам баъзи майда-чуйда харажатлардан бошқа китобхона ва исқладига рафлар қилдириб берди. Бундан кейин ҳам қўлидан келганча ёрдамда бўлиб турадир.

Янги усул бошлангандан кейин 19-нчидан 29-нчи нўябиргача кутубхонага 40 аъзо ёзилиб, 76 дона ҳар хил китоб ўқулган; қироатхонадан газет-журнал ўқуб кетканлар жами 804 дир...»

Шундай қилиб, Вақф шуъбасининг саъй-ҳаракати билан кутубхона электр билан тўлиқ таъминланган ва 1923 йилнинг декабрь ўрталаридан эрталабдан кечаси соат 22 гача очиқ бўлган. Декабрь ойида кутубхонадан китоб олиб ўқиган ўқувчилар 248 кишини, қироатхонадан газета-журнал ўқиганлар эса 1293 кишини ташкил қилган. Кутубхонадан ўқувчилар томонидан олинган китобларнинг кўпи йўқолгани учун уйга китоб бериш тўхта-тилган.

Газетанинг 1924 йил 3 январь сониди «Ташаббус ҳайъати» томонидан ўзбек маориф ва маданият ходимлари диққатига шундай билдириш берилган:


«3-нчи январ, пайшанба куни, соат тўртда «Турон» қироатхонасида Ўзбек билим ҳайъати, «Нашри маориф» жамияти, «Кўмак» уюшмаси ва матбуот ходимларининг қўшма ўлтуруши бўладир. Кўруладурган масала:

1. Маориф ва маданият ишининг юксалишида жиддият ва маорифга ёрдам ойига иштирок.

2. Маориф уюшмаларининг кучларини бириктириш».

«Туркистон»нинг 1924 йил 16 январь, 220-сониди эса қуйидаги «Чақириқ қоғоз» эълон қилинган:

«17-нчи январ, панжшанба куни соат 4 да



Эски шаҳар «Турон» қироатхонасида ўзбек маориф ва маданият ходимларининг мажлиси бўлур, шунга қуйидаги ўртоқлар чақирилиб, келмай қолмасга таклиф этиладир:

Мажид Қодирий, Муродхўжа, Шокиржон Раҳим, З. Носирий, Усмонхон, Охунов, Орифхонов, Т. Мусабоев, Миржалилов, Мунаввар қори, Маннон Рамз, Шохрасул, Наби, Жулқунбой, Ғози, Муҳсин, Элбек, Боис, Ҳидой, К. Алимов, Салимхон, Олим қори, Иброҳим афанди, Чўлпон, Шаҳид Эсон, Аълам домла, Мамаджон қори, Вали Бурҳон, Маъруф Расулий, Вадуд, Саъдулла қори, Ғулом Зафарий, Айюб, Санжар, Қамчинбек, Хатибзода, Насрий, Мўъминжон, Босит, «Нашри маориф» ва «Кўмак» муассислари ва бошқа маориф ва маданият ишига алоқадор йўлдошлар».

Юқорида келтирилган билдиришларга асосланиб, кутубхона ўша йиллари маданият ва маориф масалаларига бағишланган йигилишлар ўтказиладиган маданий-маърифий марказ вазифасини ўтаган, деб ҳақли равишда айта оламиз.

1924 йил кутубхона учун анча муваффақиятли йил бўлган. Чунки айнан шу йили «Туркистон» саҳифаларида кутубхонанинг деярли ҳар ойдаги ҳисоботи бериб борилганки, улар бугунги кун ўқувчисиди ҳам қизиқиш уйғотиши табиий:

Кутубхонадан китоб олиб мутолаа қилганлар: январь ойида 705, март ойида 1500, апрель ойида 797, май ойида 385, июнь ойида 269, июль ойида 270, август ойида 528, сентябрь ойида 713, октябрь ойида 478, ноябрь



ойида 490 киши. Қироатхонадан газета-журнал ўқиганлар: январь ойида 2335, март ойида 2537, апрель ойида 2401, май ойида 1785, июнь ойида 1930, июль ойида 1832, август ойида 2306, сентябрь ойида 2760, октябрь ойида 2233, ноябрь ойида 1885 киши.

Рақамлардан кўриниб турганидек, китобхонлар сони кундан-кунга кўпайиб борган, фақат ёз ойларида китоблар камроқ ўқилган. Ўқилган китобларнинг аксарияти ўзбек, татар ва турк тилларида бўлган. Кутубхонага бир кунда ўртача 70 та китобхон келган, уларнинг кўпчилигини 15-25 ёшдагилар ташкил этган. Кутубхона фондида 15 минг китоб мавжуд бўлган. Шу йили кутубхона фондини бойитиш йўлида бирмунча ютуқларга эришилган. Жумладан, Туркистон Давлат нашриётида чоп этилган асарлардан кутубхонага 2 нусхадан олиб туришга муваффақ бўлинган. Ундан ташқари, Озарбайжон Марказ Ижроқўмининг раиси Оғамали ўғли ҳам Тошкентга

келганида Озарбайжонда чиқадиган китоб, газета ва журналлардан кутубхонага 2 нусхадан юбориб туришни ваъда қилган.

Шу ўринда яна бир нарсани қўшимча қилиш керакки, Оғамали ўғли ваъда қилганидек, «Турон» кутубхонасининг «Нодир нашрлар» фондида сақланаётган араб ёзувидаги китоб, газета ва журналлар орасида бошқа тиллардагига нисбатан озарбайжон тилидаги манбалар кўпчиликни ташкил этади. Бунга мисол қилиб, араб ёзувидаги 1925 йилда Бокуда чоп этилган Исмоил Ҳикматнинг «Турк адабиёти тарихи» номли кўп қисмдан иборат бўлган китобнинг «Усмонли адабиёти» (XIX аср) жилдини келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, кутубхона фондида озарбайжон тилидаги «Қўммунист» газетаси ҳамда «Мулла Насриддин», «Имло дорилфунуни», «Озарбайжон олий иқтисод шўросининг ахбори», «Маориф ва маданият», «Қизил қалам», «Шарқ қодини», «Янги мактаб», «Қизил шафақ», «Инқилоб ва маданият» журналлари ҳам сақланади.

Биз кутубхона ҳақида яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардик. Бу қутлуғ даргоҳда таниқли шахслар билан учрашувлар уюштирилиб, улар томонидан турли мавзуларга доир маърузалар ҳам ўқилган. Бунга мисол қилиб газетанинг 1924 йил 1 июнь сонидagi «Эшитгувчи» (Олтой) имзоси остида босилган «Китоб тўғрисида илмий гап» номли мақолани кўрсатишимиз мумкин. Унда «Китоб ҳафтаси» муносабати билан кутубхонада маориф комиссари, «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарига муҳаррирлик қилган Усмонхон Эшонхўжаев (1899–1938) томонидан китобга бағишланган лекция ўқилгани ҳақидаги маълумотга эга бўламиз. Усмонхон Эшонхўжаев (қатағон қурбони) ўз маърузасида китобга шундай таъриф берган эди: «Китоб кишининг «оққўнгиллик» йўлдоши ва унумлик умр раҳбаридир. Китоб фойдалиқ улфатдир».

(Давоми келгуси сонда)

Феруза Нуриддинова, библиограф информационно-библиотечного центра «TURON» Ташкентской области.

Автор статьи рассказывает об истории и деятельности Ташкентского областного информационно-библиотечного центра «Турон» в 20-30-е годы прошлого века. В статье также представлена информация о научных трудах сотрудников библиотеки «Турон». Большинство статей, опубликованных в национальных изданиях 20-х годов, были посвящены деятельности библиотеки. За последнее десятилетие было опубликовано 74 статьи. В обществе возродилось культурное просвещение и в 1913 году в Ташкенте группа образованных интеллигентных людей учредила общество «TURON», но основную свою деятельность библиотека начала в конце ноября 1918 года в старом городе. В начале существования библиотеки основной фонд собирали энтузиасты, а также дарили книги жители города Ташкента в виде пожертвований. Прошло уже 100 лет, а библиотека «TURON» является одним из посещаемых мест жителями города и гостями столицы. ■

Бу қутлуғ даргоҳда таниқли шахслар билан учрашувлар уюштирилиб, улар томонидан турли мавзуларга доир маърузалар ҳам ўқилган. Бунга мисол қилиб газетанинг 1924 йил 1 июнь сонидagi «Эшитгувчи» (Олтой) имзоси остида босилган «Китоб тўғрисида илмий гап» номли мақолани кўрсатишимиз мумкин

СОМОН САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА



Жасур Жумаев,
Камолитдин Беҳзод
номидаги Миллий
рассомчилик ва
дизайн институти
катта ўқитувчиси

Замонавий ўзбек сомон санъатининг тарихий муқаддимаси узоқ ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадимги даврларда сомон ва қамишлардан турли буюмлар, жумладан, гуруч, гўшт, мева-сабзавотлар сақланадиган инсон эҳтиёжлари учун керакли идишлар тўқилган

» **А** срлар давомида амалий санъат халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи омилга айланди. Айниқса, Ўзбекистонда бу санъат давримиз талабига мувофиқ намуналар билан бойимокда. Ўзбек халқи ижодкорларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётганликлари, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгаларининг кириб келиши унинг равнақи ва истиқболидан далолат беради. Бу ҳолатни миллий хунармандчилигимизнинг бошқа турлари қатори, сомон санъатида ҳам кўриш мумкин. Кўз илғамас оддийгина сомондан ноёб санъат асарини яратиш мумкинлиги баъзи инсонларнинг ҳатто тасаввурига ҳам сиғмаса керак. Сомон санъати амалий безак санъатининг қадимий турларидан бири ҳисобланади. Унинг енгил, букилувчан ва тилла рангда ноодатий тарзда товланиши хунармандларни ўзига оҳанрабодек тартади.

Сомон текис ва силлиқ юзага эга бўлиб узунасига ингича ипаксимон йўлга эга бўлади. Ушбу хомашё аниқ бир йўналишда товланади. Сомондан яратилган ҳар бир амалий санъат безагига нур қай йўсинда тушишига қараб товланиб ўзгача жило касб этади. Санъат асари учун дон маҳсулотлари бўлган



бугдой, арпа сомонлари ва ботқоқ, кўллар атрофида ўсувчи ўсимликлар сомони яроқли ҳисобланади. Сомон ёз ойлари мобайнида йиғиб олинади, аммо олий навли сомон куз ойлари бошида йиғилади, сабаби бугдой ғарқ пишиб тилла рангли тус олади. Бугунги кунда уста хунармандларимиз фойдаланаётган сомоннинг қадимги номи курз бўлиб, ҳозирда эса у сули, оқ бош ва сомон номи билан аталиб келинмоқда.

Аслида сомон табиий кўринишда 100 дан ортиқ рангларга эга. Тилларанг бўлган сомоннинг рангини янада ёрқин қилиш мақсадида иссиқ ва илиқ рангларда бўяш мумкин. Сомон ўзига бўёқни тез сингдирувчи хусусиятга эга. Сомонга ранг беришнинг 3 хил усули мавжуд:

1. Рангли бўёқ суюқликда қайнатиш. Бунда сомон рангли бўёқларни ўзига сингдиради ва бир текисда чиқади;

2. Уй шароитида маиший анил бўёқлардан фойдаланилган ҳолатда бўяш мумкин, аммо бу услубда бўялган сомонлар табиий тусини йўқотиб, нотабиий рангга киради;

3. Сомоннинг тусини табиий бўёқлар ёрдамида ўзгартириш, бунда эса сомон ўз табиийлигини йўқотмаган ҳолда ўзга рангда товланади.

Шунингдек, сомонни, асосан, куйдириш йўли билан ҳам ранглари ўзгартирилиб композицияга мос тарзда нур соя ўйини яратилди.

Замонавий ўзбек сомон санъатининг тарихий муқаддимаси узоқ ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадимги даврларда сомон ва қамишлардан турли буюмлар, жумладан, гуруч, гўшт, мева-сабзавотлар сақланадиган инсон эҳтиёжлари учун керакли идишлар тўқилган.

Шу билан бир қаторда, сомондан тўқилган қабрлар археологик тадқиқотлар натижасида топилган бўлиб, қамиш жуда секин емири-



Оила. 2016 йил

лиш хусусияти мавжудлиги сабабли кўмилган инсонларни жасади, либослари, безак буюмлари нисбатан яхши ҳолатда сақлангани аниқланган. Шунингдек, сомондан тўқилган бўйра ва шу каби буюмларни яратиш санъат намунаси сифатида Кавказорти давлатлари ва Россия Федерацияси ҳудудларида ривож топганлиги бизга маълум.

XVIII асрда Европа хунармандлари сомондан турли хил безаклар ясаб улар билан қути, елпиғич ва соябонларни безашган. Японияда сомондан ясалган безакларни хоналар орасидаги тўсиқ (ширма)ларни безашда, безакли паннолар ва ўйинчоқларни яшашда фойдаланишган. Араб мамлакатларида, Европанинг Польша, Чехия, Украина каби давлатларида безакли панноларга эстетик завқ беришда бўғдой сомонидан кенг фойдаланилган.

Сомон санъати Белоруссияда халқ амалий санъати ҳисобланиб, азалдан ривожланиб келаётгани тарихий манбалардан маълум. Улар, асосан, кўғирчоқлар, ҳайвонлар яшашган. Бироқ бу давлатда сомондан яратилган энг ноёб санъат асари XVIII аср охири – XIX аср бошларига оид киролик дарвозалари ҳисобланади. Дарвоза синчлари ёғочдан ясалган бўлиб, унинг устки қисми сомон пояларидан ўраб, тўқиб чиқилган. Ушбу санъат асари бугунги кунда Белоруссия халқлари санъати музейи экспонатлари қаторида сақланмоқда. Мазкур хунар турида сомон хом ашёсининг аҳамияти катта. Сомон санъатида, асосан, турли ҳажвий, тарихий, севги каби ижодий образлар акс эттирилиб, унда



Бухоро арки. 2016 йил

ижодкорнинг истеъдодини дунёга ўз муносабатини турли композицион образлар орқали ифодалашга интилишни белгилаб беради. Бу каби ноёб санъат намуналарини яратиш учун сомон мураккаб жараёндан иборат бўлган йўлни босиб ўтади.

Сомон дастлаб сувга солиб қўйилади, маълум вақт ўтгач сувда ивиган сомон қайчи ёки пичоқ ёрдамида ўртасидан кесиб ёйилади, ички тарафидан эҳтиёткорлик билан дазмолланади.

Текис ҳолатга келган сомонлар ўзининг рангига қараб ажратиб олинади ва яратилajak композиция учун керакли шаклларда кесиб, кетма-кетликда жойлаштириб чиқилади.

Тасвир янада жонли чиқиши учун эса сомоннинг юза қисми махсус мослама ёрдамида керакли жойларигина куйдириб чиқилади ва натижада кўл меҳнати орқали сомоннинг ясси текислигида уч ўлчамли тасвир яратилади. Мана шундай мураккаб жараёнлардан ўтган оддийгина сомондан бетақрор санъат асарлари яратилади.

Ижодкор аҳли борки, ўз тасавуридаги гўзалликни бошқаларга ҳам намоён қилар экан, энг аввало, ўзи ҳис қилган, қалбини жумбишга келтирган кечинмаларни асосий ғоя деб билади. Мана шу туб бурилишлар ва янгиланишлар бўсағасида ижодкор янгилик яратади. Шу зайлда у қўлидаги оддийгина сомонга ўзининг олтин қўллари билан жон киритиб, ундан буюк санъат асарларини яратади. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун одамлар оддийгина сомондан ишланган асарларга шу қадар мафтун бўладилар. Ҳайрат билан боқиб, таажубланидилар. Бунинг биргина сабаби – ижодкорнинг маҳорати, қалб ҳарорати ва фикр кенгликлари мана шу биргина асарда мужассам бўлганидир.

Дастлабки йиллардаги ижодий изланиш- ▶

XVIII асрда Европа хунармандлари сомондан турли хил безаклар ясаб улар билан қути, елпиғич ва соябонларни безашган. Японияда сомондан ясалган безакларни хоналар орасидаги тўсиқ (ширма)ларни безашда, безакли паннолар ва ўйинчоқларни яшашда фойдаланишган

Халқ амалий безак санъатининг ажралмас қисми ҳисобланган бетакрор сомон санъати ўзининг асарлари орқали, яъни аждодларимиздан қолган афсона ва ривоятлар асосида қаҳрамонлар образининг яратилиши, бетакрор тарихий обидаларимизни акс эттиради

лар, муаммолари, янгидан-янги мавзулар ва образлари сомон санъати усталари бўлмиш Отабек Йўлдошев ва Анвар Назаровларнинг ижодий асарларида намоён бўлди. Уларнинг маҳорати натижасида сомон санъатини юртимизда чуқур ёйилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур соҳа шу қадар нозик ва мураккабки, унда ҳар бир қисм, ҳатто энг майда бўлиб кўрилган масалага ҳам жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Бундан ташқари, сомон санъати ўзининг стилистик усуллари билан жуда содда мавзулар мажмуаси репертуарлари билан етарли даражада чегараланган. Ана шундай жараён ўзбек сомон санъатини бугунги кунга келиб аста-секинлик билан шаклланиб боришига замин яратмоқда.

Тажриба ва малакаларнинг ўсиши, замонавий мавзулар, яъни ижобий қаҳрамон образларига нисбатан эътибор кучайиб боришига туртки бўлди. Халқ амалий безак санъатининг ажралмас қисми ҳисобланган бетакрор сомон санъати ўзининг асарлари орқали, яъни аждодларимиздан қолган афсона ва ривоятлар асосида қаҳрамонлар образининг яратилиши, бетакрор тарихий обидаларимиз, гўзал табиатимиз манзаралари, давлат рамзларимизни, халқимиз қаҳрамонларининг қиёфаларини яратилиши кишиларнинг маънавий оламини бойитади, шунингдек бадиий-эстетик дид, инсон руҳиятини шакллантиради ва уни тарбиялашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодни бадиий, ахлоқий, умуминсоний жиҳатлари билан тарбиялаб, уларнинг илмий ва ижодий дунёқарашини, маданий даражасини ривожлантиради.

Ижодкор ўз ватанининг ранг-баранг нуқ-

таларини ўзига сингдиради, табиат муҳитидаги, тарихий анъаналар, меъморий обидалар, ранглар жилосининг ўзига хослиги унинг ижодига бевосита таъсир этади. Уларга ҳажвия, панд-насихат, оддийлик муҳрланган, халқ қаҳрамонига айланган «Хўжа Насриддин» каби турли образларда қариялар айрим жиҳатлари ҳажвиани эслатса-да, ҳаётий таассуротлар орқали муҳрланган образлар билан киришув мосланган. Мазкур санъатдаги ҳар бир тасвирга юқори даражада чуқур, фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, услублаштириш, нисбийлик, рамзийликка асосланган бадиий безак асарларини яратиш тобора кучаймоқда.

Ҳамма жабҳаларда бўлгани каби, сомон санъатида ҳам йиллар ўтгани сайин турли ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Инновацион янгиланишлар санъатнинг мазкур турига ҳам кириб келмоқда. Эндиликда дунё ижодкорлари одамларни ҳайратга соладиган санъат асарларини яратиш учун астойдил бел болаганлар. Бунинг учун эса улар ўзларининг билим ва маҳоратларини ишга солиб, соҳага янги ғоя ва қарашлар билан кириб келмоқдалар. Сомон санъатида қадим-қадимдан давом этиб келаётган анъаналар янгича замон руҳи билан суғорилиб, нодир дурдоналар дунё юзини кўрмоқда. Ахир бежизга замон талабига ҳамоҳанг бўлиш кераклиги айтилмайди-да. Замонавий дунёдаги одамларни ҳайратга солиш учун замонавий руҳдаги ижод намуналарини яратиш керак. Бугун буни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Юртимизнинг гўзал қадимий маҳобатли меъморий обидаларидан мадрасалар, миноралар, масжид-у, мақбаралар сомон орқали уйғунлаштирилган асарларда нафис қира-



Новоли сой (Табиат). 2013 йил.



Маҳаллий Черков тасвири. Россия.



Хўжа Насриддин. 2015 йил.



Гуллар композитсияси

лари ёритиб берилган. Миллий тарихий жойлар сомон аппликация услубдаги тажрибалар амалий санъат билан уйғунлигида юксакликка эришишга интилиш, деталларга ажратиб ушбу тарихий жойлар бадий-услубий жиҳатдан амалий санъат йўналишга айланди. Ёш ижодкорлар, яъни сомон санъатида фаолият олиб бораётган ва янгиликлар яратиб келаётган иқтидорли ижодкорларимиз бугунги кунда сомон санъатида ўзбекона урф-одатлар, қадриятлар, халқ меросига айланган фольклор ва миллий маданиятимизни кўрсатиб, янги услублар устида қатор изланишларни амалга оширишмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари ўлароқ сомон санъати тобора халқ хунармандчилиги намунаси сифатида усталар, санъатшунослар ва ижодкорлар томонидан тан олинаётгани эътиборга молик ҳолат десак муболаға бўлмайди. Улар томонидан сомон орқали яратиб келинаётган кичик ҳажмдаги асарлар ёки маҳобатли сомон иши намуналари хоҳ хорижда, хоҳ Ўзбекистон шаҳарларида ёки шахсий тўплалардан ўрин олиб улгурганлиги эътиборга лойиқ ҳолат десак асло муболаға бўлмайди.

Жасур Жумаев, старший преподаватель Национального института художеств и дизайна имени К. Бехзода.

Автор статьи пишет об уникальной работе ремесленников Узбекистана, о развитии соломенного искусства, которое передается из поколения в поколение от мастеров своего дела. Неосведомлённые люди не понимают, как можно создавать такие произведения из соломы. Искусство соломы является одним из древних видов ремесленным искусства, которое практически возникает от богатого воображения. Солома по своим физическим качествам бывает лёгкой, эластичной с нежным золотистым оттенком. Для сбора соломы самое выгодное и лучшее время – это осенний период в разгар уборки пшеницы, ячменя и других злаков, где при сортировке можно будет различить около сотни разновидностей этого уникального материала. ■

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий сомон санъати намोёндалари жаҳон ва мамлакат тарихи ва эстетикасига мос келадиган ўз ифода тилини топишга уринмоқда.

Юқоридаги фикрларнинг мантиқий давоми сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, халқ амалий безак санъати нафақат бетакрор санъат, балки сермашаққат хунар ҳамдир. У асрлар давомида аждодларимиз томонидан асраб-авайлаб келинган миллий хунармандчиликнинг дурдонаси ҳисобланади. Тарихда ва айни кунларга қадар сақлаб келинаётган сомон санъати келгусида янада қадри ва қиймати ортади, ардоқланади. Зеро, кесиб, жойлаштириб, куйдириб, шакл бериб, бўяб ишланган такрорланмас асарлар инсон идрокиннинг, ҳис-туйғуларининг ифодасидир. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан замонлардан-замонларга, аждодлардан-авлодларга ўтиб, янада юксалиб бораверади.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Булатов С. *Ўзбек халқ амалий безак санъати*. – Т.: «Меҳнат», 1991 й.
2. <https://news.tut.by/culture/466853.html>

Миллий тарихий жойлар сомон аппликация услубдаги тажрибалар амалий санъат билан уйғунлигида юксакликка эришишга интилиш, деталларга ажратиб ушбу тарихий жойлар бадий-услубий жиҳатдан амалий санъат йўналишга айланди

Ёш ижодкорлар, яъни сомон санъатида фаолият олиб бораётган ва янгиликлар яратиб келаётган иқтидорли ижодкорларимиз бугунги кунда сомон санъатида ўзбекона урф-одатлар, қадриятлар, халқ меросига айланган фольклор ва миллий маданиятимизни кўрсатиб, янги услублар устида қатор изланишларни амалга оширишмоқда

ФОНДЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТАВСИФИ



Наргиза Зоитова,
Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси
Қўлёзмалар,
нодир ва алоҳида
қимматга эга
нашрлар хизмати
раҳбари

«**Қ**ўлёзмалар халқнинг маънавияти ва маърифатини юксалтиришга, бадиий дид ва завқини тарбиялашга, илм-фанга бўлган ҳаваси ва салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Қўлёзма мерос тушунчаси бир мунча кенг, умий бўлиб, кўп ҳолларда мерос сўзи олдидан унинг қайси соҳага тегишли эканлиги аниқ қилиб айтилади. Чунончи: адабий-бадиий қўлёзмалар адабий мерос, тарихий қўлёзмалар тарихий мерос, илм-фан соҳаларига доир қўлёзмалар илмий мерос, мусиқа рисола-лари қўлёзмалари мусиқий мерос, расм-тасвирий санъатига доир қўлёзмалар бадиий мерослардир.

Инсоният тарихида ёзув ихтиро қилинганидан буён қўл билан ёзилган барча манбалар қўлёзма деб юритилади. Бироқ мазкур манбалар қандай материалга ёзилганига қараб турлича айтилади. Қаттиқ жисмларга тоғ қоялари, ясси тош, металл, сопол, ёғоч ва бошқалардаги матнлар битик. Масалан: Эрон ва Ўрта Осиё тарихидаги улкан битикларга баланд тоғ қояларига ёзилган Афросиёб қасри, Бехустун, Нақши Рустам, Тахти Жамшед ва Сосоний подшолари битикларини кўрсатиш мумкин. Мўғулистон, Сибир, Марказий Осиёда сақланиб қолган қадимги туркий тил ва қадимги туркий адабиёт ёдномалари ҳам битиклар деб айтилади.

Ўсимлик пўстлоғидан тайёрланган материалга ёзилган манбалар папирус номини олган. X аср бошларигача Мисрда ёзилган папирус манбалар сақланган. Ҳайвон (кийик, туя, бузоқ, эчки ва бошқалар) терисидан тайёрланган материалдаги ёзма манбалар пергамент дейилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илк ўрта асрларда пергаментдан кенг фойдаланилган.

Қоғоз ихтиро этилгач, у жаҳоннинг жуда кўп халқлари томонидан ёзиш учун қулай ва нисбатан арзон материал сифатида ишлати-

ла бошлади. Энди қўлёзма тушунчаси аввалги битик, папирус, пергаментларга нисбатан эмас, балки қоғозга ёзилган манбалар, ёдномалар маъносини аниқроқ ифода қилади.

Ўрта асрларда Осиё, Европа ва Шимолий Африканинг маданий халқлари томонидан қоғозга битилган кўплаб адабий, тарихий, илмий мерос — қўлёзмалар яратилди. Бу қўлёзмалар араб, латин, юнон, ҳинд, хитой, япон ва бошқа ўнлаб ёзувларда эди. Кейинги асрларда шарқшунослар томонидан шарқ халқларининг қўлёзма манбаларини ўрганиш жараёнида уларни маълум гуруҳларга ажратиб, ҳудудий-минтақавий ном билан атай бошладилар. Чунончи, араб ёзувида битилган араб, эрон, туркий ва бошқа халқларнинг қўлёзма мерослари Шарқ қўлёзмаларига ажратилди.

Қўлёзмалар хазинаси Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида VIII асрлардан таркиб топа бошлади. Айни шу вақтларда қоғознинг етарли миқдорда ишлаб чиқарилиши ва араб ёзувидаги турли фанларга доир асарларнинг яратилиши ва ҳамда уларнинг кўплаб нусхаларда кўчирилиши пойтахт шаҳарларда йирик илмий марказларда кутубхоналар — қўлёзмалар хазинаси ташкил топишига сабаб бўлди. Ўрта асрлардаги кутубхоналар фақат қўлёзма китоблар билан бойитилганлиги учун қўлёзмалар хазинаси деб ҳам юритилган.

X–XII асрларда Бухоро, Самарқанд, Марв, Исфажон, Шероз ва бошқа шаҳарларда ўнлаб йирик кутубхоналар мавжуд эди. Темурийлар даврида қўлёзмаларни тўплаб кутубхоналар ташкил қилишга катта эътибор берилди. Айрим темурий шаҳзодалар шахсан ўзлари шу ишлар билан шуғулландилар. Хусусан, Бойсунгур Мирзонинг ташкил этган кутубхонаси ва бу ерда Фирдавсий «Шоҳнома»си матни устида олиб борган ишлари XV аср тарихида ёрқин из қолдирди. XV аср иккинчи ярмида Алишер Навоийнинг ҳомийлигида ва Султон-

али Машҳадий бошчилигида Ҳирот хаттотлик мактаби ташкил топди. Бу хаттотлик мактабида яратилган нодир ва бадий қўлёзмалар Султон Ҳусайн Бойқаро сарой кутубхонасининг бебаҳо хазиналари эди. Кейинги асрларда Бухоро, Хоразм ва Қўқон хонликларида ҳам сарой кутубхонасини қимматбаҳо қўлёзмалар билан бойитиб борилган.

Ҳозирги вақда дунёнинг кўплаб мамлакатларида Шарқ қўлёзмалари сақланади. Улар илмий текшириш институтлари, университетлар, кутубхоналар (босма китоблардан ажратилган ҳолда), музейларда махсус бўлим сифатида мавжуд. Ўзбекистонда ҳам Шарқ қўлёзмалари сақланадиган бир неча хазиналари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Тошкент ва Самарқанд университетлари, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг кутубхонасига бошқалар. Булардан ташқари, музейларда, вилоят ўлкашунослик музейларида, вилоят кутубхоналарида ҳам маълум миқдорда қўлёзма китоблар тўпланган.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати фондида йигирма саккиз мингдан ортиқ нодир китоблар сақланади.

XIV–XIX асрларда Мовароуннаҳр (Туркистон) ва Хуросон заминида битилган қўлёзма ҳамда тошбосма асарлар, XVII–XVIII асрларда Ғарбий Европада чоп этилган китоблар фонднинг ноёб ёдгорликларидан саналади.

Фонддаги энг нодир асарлардан бири деб Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийнинг (1348–1420) кутубхонасига тааллуқли бўлган ва унинг номидан вақф қилинган учта қўлёзма китобларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Қўлёзма манбалар қайси тилда бўлишидан, бадий-илмий ижоднинг қайси соҳасига мансублигидан қатъий назар, қоғозга ёзилган ва китоб шаклида тайёрланган ёдгорликлардир. Қўлёзма манбалар топилган, аниқланган, йиғилган ва илк бор тартибга солинган ҳолатда бўлади. Улар тасниф қилиш, ўрганиш, бадий ва илмий жиҳатларига баҳо бериш жараёнида қўлёзма мерос сифатида қай даражада аҳамиятга моликлиги маълум бўлади.

Қўлёзма фондларга келиб тушгандан кейин, аввало, биринчи ишловдан ўтказилади. Китоб узоқ муддат ноқулай жойда сақланиб, чанг босган бўлиши мумкин. Шунинг учун у бошидан охиригача варақланиб, ҳар бир варақ тозаланиб, очиқ ҳавода шамоллатилади.



XII асрда деворга чизилган расмдан парча

Агар имконият булса, китоб орасида қоғозда яшашга мослашган зарарли микроблардан тозалаш мақсадида ишлов берилади. Қўлёзма варақлари рақамлаб чиқилади. Сўнгра қўлёзмага фондда жойлашиши бўйича сақланиш (инвертар) рақами берилади.

Қўлёзмадан тадқиқотчилар фойдаланишида қулайликлар бўлиши учун кутубхона ходимлари қатор тадбирларни амалга оширадilar. Бунинг учун фондда мавжуд бўлган барча асарларни ўз ичига қамраб олувчи бир неча йуналишда картотекалар тузиб чиқилади. Булар сақланиш (инвентар) рақами, муаллифлар номи, асарлар номи, илм-фан соҳалари, китобат туркумлари бўйича тузилади. Улар араб алифбосининг тартиби билан махсус кутиларга жойлаштирилади. Картотекаларда зарур маълумотлар – сақаниш рақами, муаллиф, асар номи, котиби ва китобат санаси (агар маълум бўлса), хат услуби, варақлар сони берилади. Мазкур картотекалар хазинадан фойдаланувчиларга лозим бўлган маълумотларни тезлик билан топиб олишга ёрдам беради.

Нодир ва алоҳида қимматли нашрлар электрон паспортини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур дастурни соҳага жорий этилиши нафақат асар юзасидан барча маълумотларга балки, фонднинг умумий аҳволи ҳақида (қанча адабиётлар реставрацияга муҳтожлиги, реставрацияни бошлаш кетмакетлиги, зарурий материал ва бошқ.) маълумотга эга бўлишга имкон беради.

Қўлёзмалар хазинасига эга бўлган муассасаларнинг ходимлари қўлёзмаларни тавсифлаш, ўрганиш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, бошқа тилларга таржима қилиш, шарҳ, изоҳ ва луғатлар тузиш, турли илмий ва оммавий нашрларни амалга ошириш ишларини бажарадилар. Хуллас, қўлёзмалар хазина-

Нодир ва алоҳида қимматли нашрлар электрон паспортини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур дастурни соҳага жорий этилиши нафақат асар юзасидан барча маълумотларга ва фонднинг умумий аҳволи ҳақида (қанча адабиётлар реставрацияга муҳтожлиги, реставрацияни бошлаш кетмакетлиги, зарурий материал ва бошқ.) маълумотга эга бўлишга имкон беради



Кўлёмаларни тавсифи уларнинг сифат-белгилари баёнидир. Манбашуносликда тавсиф кенг маънода ишлатилади. Маълум бир кўлёмза манба ёки ҳар қандай ҳужжатнинг илмий хусусиятлари ва ташқи сифат-белгиларини қисқа, аммо аниқ ва равшан ҳамда изчил баён қилиб бериш мазкур манбанинг тавсифини ташкил қилади

Кўлёмалар хазинасига эга бўлган муассасаларнинг ходимлари кўлёмаларни тавсифлаш, ўрганиш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, бошқа тилларга таржима қилиш, шарҳ, изоҳ ва луғатлар тузиш, турли илмий ва оммавий нашрларни амалга ошириш ишларини бажарадилар

си халқнинг маънавий, илмий дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Кўлёмаларни тавсифи уларнинг сифат-белгилари баёнидир. Манбашуносликда тавсиф кенг маънода ишлатилади. Маълум бир кўлёмза манба ёки ҳар қандай ҳужжатнинг илмий хусусиятлари ва ташқи сифат-белгиларини қисқа, аммо аниқ ва равшан ҳамда изчил баён қилиб бериш мазкур манбанинг тавсифини ташкил қилади. Чунончи, тавсифда манба (асар)нинг муаллифи, ҳақийқий номи, агар бўлса, кўшимча номлари, ёзилиш тарихи ва сабаби, таҳрир (муаллифнинг ўзи ёки бошқа муаллифлар бажарган) нусхалари, асарнинг қисқа мазмуни, мазкур нусханинг тўлиқлик даражаси (агар бошқа нусхалари мавжуд бўлса уларга нисбатан), нусханинг таркиби, нусханинг бошланиши ва охири; нусханинг котиби, китобат тарихи ва ўрни; хошияларидаги турли қайдлар, ёзув, муҳр ва бошқалар бериллади.

Кўлёмалар хазинасига эга бўлган муассасаларнинг ходимлари кўлёмаларни тавсифлаш, ўрганиш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, бошқа тилларга таржима қилиш, шарҳ, изоҳ ва луғатлар тузиш, турли илмий ва оммавий нашрларни амалга ошириш ишларини бажарадилар. Хуллас, кўлёмалар хазинаси халқнинг маънавий, илмий дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Араб хати билан битилган барча кўлёмаларда жумлалар матн орасида махсус бош сўзга ажратилиб, янги сатрдан ёзилмайди. Насрий матнлар сидирғасига кетма-кет ёзилаверади. Башарти, бу туркум фикрларни жамлаган жумлаларни алоҳида таъкидлаб, ажратиб кўрсатишга зарурат туғилса, ўша жумланинг биринчи ёки бир неча сўзи қизил сиёҳ билан ёзилган, қизил чизиқ билан устига чизиқ қўйилган ёхуд сулс хати билан йирик-роқ қилиб битилган. Шеърий матнлар бундан мустасно. Улар кўпинча саҳифада устунларга ажратиб жойлаштирилган.

Эгалик белгилари турли кўринишда бўлиб, улар ҳужжат тақдири, унга эгасининг муносабати ҳақида маълумот беради. Улар эгалик белгилари (экслибрислар, штамплар, штемпеллар, муҳрлар) ҳамда фойдаланганлик белгиларидир.

Муҳр ўзидаги қабарик ёки ботиқ белгиларидан нусха туширувчи махсус асбоб. Ўтмишда муҳр сопол, мис, пўлат, биринч, қумуш ва олтидан қилинган. Муҳрнинг шакли тўртбурчак, доира, бодома кўринишларида бўлган. Қадимда ҳар бир нуфузли кишиларнинг хон, амир, бек, муфти, қози ва бошқаларнинг ўз шахсий муҳри бўлган. Кўлёмза китобларни сақлаган, мутолаа қилган олимлар, шоир ва бошқа кишилар ўз шахсий муҳрларини китобларга босиб қўйганлар. Ана шу муҳрларга суяниб, айрим кўлёмза китоблар қайси давлатнинг сарой кутубхонасида сақланганлиги, кимларнинг назаридан ўтганлиги аниқланади. Кўлёмзадаги муҳрлар мазкур кўлёмзанинг тарихини ўрганишда тадқиқотчиларга катта ёрдам беради.

Кўлёмзани чиройли қилиш, матнни мазмундор ифодалаш ва ўқувчига мутолаа пайтида бадиий завқ бағишлаш мақсадида китобга шамс, унвон, лавҳа, жадвал, доира, расм (миниатюра), нақш ва бошқалар орқали бадиий безаклар берилган. Бу бадиий безаклар оддий бўёқлар ёки тилла суви билан бажарилиши мумкин.

Шарқ китобат санъатида энг кўп қўлланилган бадиий безаклардан бири жадвалдир. Жадвал оддий, нафис, зарҳал бўлиши мумкин. Кўлёмзанинг бир саҳифасидаги матн атрофига алоҳида жадвал ёки ҳар икки саҳифадаги матн атрофига яхлит бир жадвал тортилади. Бир саҳифада матн бир неча устундан (асосан, шеърий асарлар) иборат бўлса, ҳар бир устун бир-биридан жадвал чизиқлари билан ажратиб қўйилади.

Девонларда, баёзларда ҳар бир шеър жадвалга олинади. Кўлёмзадаги сарлавҳалар ва расм (миниатюра)лар ҳам жадвал билан ажратилади. Оддий жадвал матн атрофига тортилган кўпинча бир йулли қизил рангдан; нафис жадвал жуда ингичка ва бир неча ранглардан ташкил топган икки, уч, ҳатто тўрт йўлдан; зарҳал жадвал эса олтин суви берилган бир ёки бир неча йўлдан иборат бўлади. Бундай кўлёмзаларга нафис ва зарҳал жадваллар чизиқ, бадиий жиҳатдан безатувчи хунарамандларни жадвалкашлар дейилган.

Баъзи кўлёмза китобларда жузларни, асарларни ёки бобларни бир биридан ажратиш учун пўпақлар жойлаштирилган. У, асо-

сан, шойи ёки ип газламадан тайёрланган бўлиб, икки қоғоз бўлакчаси орасига қўйиб жойлаштирилган. Бу эса китобхонга керакли асарни тез топишида ҳамда китоб сақланишига хизмат қилган.

Шарқ қўлёзмаларида варақ саҳифасида саҳифа четидан, матн ораллиғида қолдирилган бўш жой ҳошия деб аталади. Бу жой айрим қўлёзмаларда торроқ, айрим қўлёзмаларда кенгроқ бўлади. Ҳошиядан турли мақсадларда фойдаланилади. Баъзан ҳошияга ўсимлик ва ҳайвонларнинг расмлари, нақш ва гуллар чизилади. Китобнинг асосий бадиий безаги ҳошиядан ўрин олади. Баъзан ҳошияга мустақил асар ёзилади. Кўпинча, ҳошияга асарни мутолаа қилган кишилар томонидан шарх, изоҳ, луғат ва бошқа қайдлар ҳам ёзиб борилади.

Ҳошия ёзувлари қўлёзмани кўчирган котиб томонидан ёки асарни мутолаа қилган кишилар томонидан ёзиб қўйилган тўлдириш, тузатиш, илова, луғат, шарх, изоҳ, қайд ва бошқалар котиб томонидан бажариладиган ёзувлар асарни китобат қилиш жараёнида амалга оширилади. Бошқа кишилар томонидан бажариладиган ёзувлар турли даврларда юзага келади.

Қўлёзманинг асосий матнидан бошқа ҳошияга ёзилган матнлар ҳам бўлади. Бу матн саҳифадаги асосий матннинг давоми ёки асосий матнга ҳеч бир алоқаси бўлмаган бошқа бир мустақил асар матни бўлиши ҳам мумкин.

Қўлёзма китобларнинг ўлчами, яъни эни бўйига нисбатан сантиметр ҳисобида олинган узунлиги аниқланади. Қўлёзма ўлчами китобнинг ҳажми, катта-кичиклиги, узун-қисқалигидан маълумот беради. Китобнинг қандай ўлчамда бўлишини икки нарса белгилайди. Биринчиси, тайёрланаётган китоб кимларга мўлжаллангани ва қандай мақсадларда ундан фойдаланилиш. Иккинчиси, тайёрлана-



ётган китоб таркибига қандай (шеърый ёки насрий) ва қанча асар киритилиши. Биринчи ҳолатда китоб кундалик мутолаа учун, мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида истифода этиш учун, улуғ кишиларга туҳфа сифатида тақдим этиш учун, ҳукмдорларнинг сарой кутубхонасида сақлаш учун ва яна бошқа мақсадларни назарда тутилади.

Иккинчи ҳолатда китоб таркибига шеър, дoston, ҳикоят, қисса, рисола, шарҳ ва шунинг каби асарларнинг киритилиши қўлёзманинг ўлчамини белгилайди. Баёз, девон, мажмуа, тазкира, луғат, хамса, куллиёт, тарих, қомус каби китобат туркумларининг қўлёзма ўлчами ҳам мазкур иккинчи ҳолат билан боғлиқдир. Умуман, қўлёзманинг ўлчами ундан фойдаланиш мақсади ва таркибидаги асар матнидан келиб чиқади. Миллий кутубхона фондида сақланаётган қўлёзмалар кузатилганда уларнинг катта-кичиклиги, узун-қисқалиги, ўлчами юзасидан ранг-баранг ҳолатлар маълум бўлади. Жуда кичик ўлчамдаги китоблар баёз, рисолалардан иборат. Улар, асосан, ёнда олиб юришга мўлжаллангани учун китоби жайбий (чўнтак китоб) деб аталади. Қўлёзманинг ўлчамини аниқлаб олишда варроқ ва котиб бамаслаҳат ишлаганлар.

Китобнинг асосий бадиий безаги ҳошиядан ўрин олади. Баъзан ҳошияга мустақил асар ёзилади. Кўпинча, ҳошияга асарни мутолаа қилган кишилар томонидан шарх, изоҳ, луғат ва бошқа қайдлар ҳам ёзиб борилади

Ҳошия ёзувлари қўлёзмани кўчирган котиб томонидан ёки асарни мутолаа қилган кишилар томонидан ёзиб қўйилган тўлдириш, тузатиш, илова, луғат, шарх, изоҳ, қайд ва бошқалар котиб томонидан бажариладиган ёзувлар асарни китобат қилиш жараёнида амалга оширилади

Наргиза Зоитова, Руководитель службы рукописей, уникальных и особо ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана.

В статье рассказывается о Положении, применимом ко всем уникальным и особо ценным информационно-библиотечным ресурсам, находящимся в государственной собственности, об обособленности уникальных и особо ценных информационно-библиотечных ресурсов, организации мониторинговых мероприятий по следующим направлениям: проведение мониторинга состояния сохранности информационно-библиотечных фондов, вопросы сохранности фондов в процессе их использования в информационно-библиотечных учреждениях, динамики уровня квалификации специалистов в этой сфере и выявления потребностей отрасли в соответствующих кадрах.

Обращено внимание на важности Централизованного учета уникальных и особо ценных информационно-библиотечных ресурсов, осуществляющегося в сводном электронном реестре уникальных и особо ценных информационно-библиотечных ресурсов. ■

АБУЛ БАРАКОТ ҲОФИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ «АЛ-МУСТАСФО» АСАРИ МУҲИМ ФИҚҲИЙ МАНБА



Абдуллоҳ Маллабаев,
Ўзбекистон халқаро
Ислом академияси
Манбалар хазинаси
кичик илмий ходими



Ханафий мазҳаби мужтаҳидларининг сўнги вакили Имом Аллома Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий (в.710/1310 й.) Имом Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний Самарқандий (в.556/1161) қаламига мансуб «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида «ал-Мустасфо» номли шарҳ битган. Ҳофизиддин Насафий ханафий мазҳабининг етук фақиҳларидан бўлиб, фикҳ илми борасида зарбул масалга айланган. Аллома илм таҳсили, асар таснифи, танқид ва таҳлил бўйича ўз йўналишига эгадир. Шу билан бирга, олим етук муфасссир ва моҳир усулчи экани тарихий манбаларда ўз ифодасини топган.

Алломанинг «ал-Мустасфо» асари ҳам ашундай муҳим фикҳий манбалардан саналиб, унда фикҳий далилларга алоҳида урғу берилган, далил келтириш услублари аниқ баён қилиниб, масалаларнинг асл негизи очиқ берилган. Шунингдек, муаллиф асардаги масалалар ва унга боғлиқ вазиятларни чуқур таҳлил қилиб, масалага доир муаммоларни ҳал қилган ва савол-жавоб тариқасида мантиқий-фаразий қоидалардан ҳам фойдаланган. Бу эса муаллифнинг дунёқараш кенглиги, дидининг нозиклиги ва илмининг кенглигидан дарак беради. Муаллифнинг ханафий мазҳаби фақиҳлари орасида тутган ўрни ушбу асарнинг мавқеи қанчалик юқори эканини кўрсатади. Ибн Обидин бу ҳақда шундай деган: «Абул Баракот Насафий мазкур шарҳида ва бошқа асарларида ҳам мутааххир олимларнинг «Фатво», «Навозил» ва «Воқийот» жанрида ёзилган асарларидаги ноаниқликларга ойдинлик киритиб кетган». Шу боис юртимиз алломаларининг илмий-маънавий меросини қайта тиклаш мақсадида мазкур нодир манбани тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этади. Қолаверса, «ал-Мустасфо» асарининг матни ҳисобланмиш «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ханафий мазҳабида ўз ўрнига

эга бўлиб, унга бир қатор шарҳлар ва изоҳлар битилган. Ҳофизиддин Насафийнинг «ал-Мустасфо» асари эса мазкур шарҳларнинг энг муҳим ва мукаммали саналади.

«Ал-мустасфо» асарининг қўлёзма нусхасида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Баъзи масалаларнинг айрим далилларини тақрир қилишда ихтисор қилинди. Дўстларнинг зеркиб, ёру биродарларнинг малолланиб қолишидан хавф қилиб ва «ал-Мустасфо» асаримда келтирган маълумотларга суяниб, мухтасар қилинди. Бу асарни «ал-Мустасфо» деб номладимки, у билан мақсад ва истакларни амалга оширишда ҳар бир толибнинг қалби мусаффо бўлсин!

«Ал-мустасфо» номи мазкур асарнинг барча қўлёзма нусхаларининг илк саҳифаси ёки муқовасига битилиб ёзилган. Шунингдек, айрим қўлёзма нусхалар ва тарихий манбаларда «Шарҳ ал-Фикҳ ан-нофиъ» ибораси ҳам қўшиб ёзилганини учратиш мумкин. Масалан, манбаларда «ал-Мустасфо – Шарҳ ан-Нофиъ» ёки «ал-Мустасфо – Шарҳ китаб ан-Нофиъ фи фуруъ ал-ҳанафия» тарзида ёзилган. Бу эса асарнинг мазмун-моҳиятини батафсилроқ очиқ беришга хизмат қилган.

Баъзи қўлёзма нусхаларда мазкур асарнинг номи «ал-Мустасфо мин ал-Муставфо» тарзида берилган. Бу ҳақда Абул Баракот Насафийнинг ўзи «ал-Мусаффо» асарида шундай деган: «Ан-Нофиъ»нинг шарҳларни жамлаш ва уни имло қилиш, яъни «ал-Мустасфо мин ал-муставфо»дан фориғ бўлганимда ...».

Бироқ тарожим, сияр ва тарихга оид манбаларда бундай маълумотлар учрамайди. Аксинча, манбаларда «ал-Муставфо»нинг фуруъ ал-фикҳ бўйича ёзилган алоҳида мустақил асар экани, «ал-Мустасфо» эса «ал-Фикҳ ан-нофиъ»нинг шарҳи экани таъкидланган. Бу эса алломанинг «ал-Мустасфо» асари «ал-Муставфо» асарининг мухтасари эмаслигини

«Ҳадиқат ул-орифин» («Орифлар боғи») рисоласи ҳам «Танзил ус-солиҳин»ни кўчирган котиб томонидан бир хил ипак қоғозга, бир хил таълиқ хатида кўчирилган

5. Собеседование или интервью. Это – заключительный этап проверки.

В ходе беседы директору библиотеки нужно определить:

- достаточно ли квалифицирован кандидат для данной работы;
- желает ли он выполнять её при существующих условиях;
- какова возможная продолжительность будущей работы в библиотеке;




Таблица 3.

- готов ли кандидат к совершенствованию в профессии;

- является ли этот кандидат самым подходящим из всех остальных.

При подаче заявления о приёме на работу в библиотеку, на одной из ступеней отбора кандидата можно попросить представить отзывы предыдущих руководителей и другие аналогичные документы.

Список литературы

1. Управление персоналом. Учебное пособие. Сост. Л.Ю. Куракина.

Новгородский государственный университет им. Ярослава Мудрого – Великий Новгород, 2007г.

2. Ю.А. Ахмадова. Менеджмент системы качества в библиотеках изд. «Профессионал», Санкт-Петербург, 2007г.

3. И.Ф.Феклистов Основы менеджмента. Санкт-Петербург, 2008г.

4. А.Г. Фаррахов. Менеджмент. Изд. Питер, 2014г.

5. Проблемы управления персоналом. Под. Ред., доктора экономических наук, профессора А.Я. Кибанова, Москва, 2003.

6. И.М. Сулова. Стратегическое управление библиотекой. Москва. 2008 г.

Мунира Мақсумова, Республика ахборот-кутубхона марказининг инновация ва меркетинг тадқиқотлар бўлими етакчи мутахассиси.

Мақола муаллифи кутубхона йўналишида мутахассисларни тайёрлашда сўнги эришилган ютуқларни қўллаган ҳолда, кадрлар бошқаруви ва муоммоларини ҳал қилиш ҳамда сифат жиҳатларини ўрганиш бўйича тавсиялар берган. Шу ўринда кутубхона раҳбари кутубхона билан боғлиқ барча жараёнларни ўзлаштирган бўлиши ва турли повоналардан ўтиш кўникмасига эга бўлиши таъкидланади. Бу борада, хизмат турларини тартибга солишда ташкилий жиҳатдан меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ва уларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ходимларнинг маъмурий бошқарув усули билан бирга, ижтимоий психологик усулларни бирлаштирган ҳолда ёндошилса, иш жараёнида янада самара бериши борасида фикр билдирилган. ■

ИННОВАЦИОННЫЕ ФОРМЫ МАССОВОЙ РАБОТЫ В НАЦИОНАЛЬНОЙ БИБЛИОТЕКЕ УЗБЕКИСТАНА



Мухтарама Муратова,
главный специалист
Службы читальных
залов Национальной
библиотеки
Узбекистана
им. А.Навои

В рамках исполнения задач, намеченных в распоряжении главы нашего государства Шавката Мирзиёева «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, в Национальной библиотеке Узбекистана имени А.Навои проводится ряд духовно-просветительских мероприятий, направленных на реализацию поставленных задач. Не так давно, в целях дальнейшего повышения внимания молодёжи к книгам, расширения их мировоззрения, поддержки творческого потенциала и его стимулирования Национальная библиотека начала тесно сотрудничать с клубом «Читающих мам» и уже провела несколько мероприятий, ведь основной задачей главной библиотеки страны является создание благоприятных условий и обширной информационной ресурсной базы для всестороннего удовлетворения интеллектуальных, познавательных, образовательных, духовно-нравственных и культурных потребностей населения, особенно молодежи, на основе принципа обеспечения возможности выбора источника, форм и методов получения информации.

В последние годы в работе библиотеки появилось много новых нестандартных форм деятельности, призванных способствовать продвижению книги и чтения в обществе, библиотека перестала быть местом только для получения книг и информации, а стала центром, где можно творить, реализовывать совместные творческие проекты. Учитывая интересы и потребности пользователей, в библиотеке продолжается поиск новых, нетрадиционных и эффективных форм работы, которые бы несли не только познавательную информацию, но и были зрелищными, яркими, эмоциональными. Инновация в библиотеке присутствует практически во всех направлениях её деятельности, в том числе в массовой работе, которая предполагает совокупность методов и форм организации обслуживания одновременно большого количества читателей или определенной группы пользователей.

Многое начинается с семьи. Материнское чтение всегда отличалось живым контактом ребенка с матерью, звучанием ее голоса, возможностью задать вопрос и получить разъяснение, поговорить о прочитанном в книге.

«Читающая мама – читающий ребёнок» – это совместный проект клуба и Националь-



ной библиотеки Узбекистана, созданный для мам, которые хотят развиваться сами и развивать своих детей.

Целью встречи представителей клуба «Читающих мам» с пользователями библиотеки и проведения совместных мероприятий в стенах библиотеки призвано возродить многовековые традиции материнских и семейных чтений, повышение интереса к чтению, способствующих развитию эмоциональной близости матери и ребенка на материале книги, а также создать в обществе позитивный имидж читающей матери.

Кто может принять участие в мероприятии? Мамы и дети любого возраста, а также бабушки и их внуки. Какую книжку выбрать? Любую на ваш вкус – главное, чтобы и ребенок, и мама получили удовольствие от прочтения. Стихотворение или сказка, детская считалочка или рассказ, повесть или роман – нет ограничений ни в жанрах, ни в писателях – отечественных или зарубежных.

Немаловажным является и то, что в рамках каждого отдельного семейного мероприятия Национальная библиотека совместно с представителями клуба целенаправленно решает прикладные задачи психологического характера: учит детей (и родителей) работать в команде, продуктивно взаимодействовать друг с другом, уважать и принимать мнение другого человека, что немаловажно в свете современной действительности. Такие клубы, как «Клуб читающих мам» – очень нужное сообщество. Мамы хотят знать, о чем, что и как читать детям, как выбирать книги, как разговаривать с ребятами о книгах, хотят быть на волне лучших новинок, осваивать новые методики и технологии чтения. Это может стать своеобразным хобби-клубом, в котором каждый из нас станет наставником в непростом деле – сделать детей увлеченными читателями! И в этом деле библиотека первый проводник.

Библиотека – реальный, единственный источник информации о том, что лучше и нуж-



но почитать. Ведь в библиотеках создано «золотое ядро» книг и представлено лучшее из книжных новинок для пользователей разного возраста и интересов. Библиотека предоставляет возможность познакомиться со всем многообразием и необъятностью книжного мира, учит, как самостоятельно найти нужную информацию в этом огромном книжном мире. Важна роль библиотек в организации чтения в семье. Специалисты информационно-библиотечного обслуживания привлекают в библиотеку детей с родителями, когда дети ещё не умеют читать и воспринимают литературные произведения с голоса, помогают родителям наладить общение с детьми, нацеливают на книги, которые могут заинтересовать и взрослых, и детей, объединяют их, подтолкнут к разговору о прочитанном и о жизни вообще. Информационно-просветительская работа с родителями – залог воспитания читающего поколения. Проводя беседы параллельно с детьми и родителями, специалисты узнают об интересах и проблемах семьи. Это способствует индивидуальному подходу в развитии семейного чтения, помогает выступить помощником в руководстве чтением, в организации досуга семьи.

И в заключении хотелось бы отметить что, материнское чтение – не просто досуг, а серьезная творческая работа, как для самой матери, так и для ребёнка.

Целью встречи представителей клуба «Читающих мам» с пользователями библиотеки и проведения совместных мероприятий в стенах библиотеки призвано возродить многовековые традиции материнских и семейных чтений

«Клуб читающих мам» – очень нужное сообщество. Мамы хотят знать, о чем, что и как читать детям, как выбирать книги, как разговаривать с ребятами о книгах, хотят быть на волне лучших новинок, осваивать новые методики и технологии чтения

Мухтарама Муратова, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ўқитиш заллари хизмати бош мутахассиси.

Муаллиф жамиятимизда оилаларни мутолаа кўникмасини кенгайтиришда Миллий кутубхонада ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлардан бири «Ўқитган она» клуби билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганлиги хусусида мулоҳаза билдирилган. Миллий кутубхонанинг асосий вазифасидан бири аҳоли, айниқса, ёшларни интеллектуал билимларини оширишда керакли ресурсларни танлаш ва маълумотларни олиш кўникмаларини шакллантиришдир. Сўнгги йилларда бу борада кутубхонада босма нашрларни тарғиб қилиш билан бир қаторда, кўплаб ноанъанавий янги фаолият турлари, яъни ўзи яратган ижодий лойиҳаларни ҳам амалга ошириш имкониятлари мавжудлиги ҳақида сўз боради. ■

«MICROBOX» – БОСМА НАШРЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЕТАКЧИ



Илҳомжон Мухторов,
Бобур номидаги
Андижон вилояти
ахборот-кутубхона
маркази
Ахборот-технология
бўлими мудири

Инсониёт тараққий этган сари жамият барча соҳада тобора мукамалликка эришиб боради. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, ахборот-кутубхона муассасалари ҳам эътибордан чет-да қолмаяпти. Шу жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Республикамиз аҳолисига инновацион технологиялар асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш мақсадида самарали ишларни амалга ошириб, соҳа фаолиятини янада ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан корейлик мутахассислар ҳамкорлигида «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси доирасида UZ-NELL дастури сўзимизнинг исботи бўла олади. Дастур «LG CNS» компаниясининг етук мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг асосий мақсади ахборот-кутубхона муассасалари фондини электрон шаклга ўтказиш, ягона базага бирлаштириш ва аҳолига масофадан туриб электрон ресурсларнинг тўлиқ матнидан фойдаланишига имконият яратишдир.


Лойиҳа режасига мувофиқ биринчи босқичда Республикамиздаги 20 та йирик ахборот-кутубхона марказлари, иккинчи босқичда эса шаҳар ва туманлардаги барча ахборот-


ресурс марказлари мазкур дастур асосида ўз фаолиятини олиб бориш режалаштирилган. Бунинг учун эса, албатта, замонавий ахборот технологиялари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу борада ҳам мутахассислар энг ривожланган давлатлар тажрибасига таяндилар.

«UZ-NELL» лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Германиянинг MICROBOX фирмаси билан шартнома имзоланди ва ушбу фирма томонидан A0 hornet, A1 flash, A2-Public-Book2, A3 Spirit, Fujitsu-fi6770 рақамлаштириш ускуналари ҳамда HPE Proliant DL380 Gen9 серверлари Ўзбекистонга келтирилди.

Шу ўринда MICROBOX фирмаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Мазкур фирма нафақат Германиянинг, балки, Европа мамлакатларининг етакчи фирмаларидан бири бўлиб, нашрларни рақамлаштиришда сифатли техника ишлаб чиқариб тақдим этаётган ва бу орқали дунёнинг кўплаб давлатларидан келиб тушадиган буюртмаларни ўз вақтида, сифатли етказиб бериш, дастгоҳларни ўрнатиб бериш ва уни фаолиятга татбиқ этиш бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларини ўтказиб бериши билан аҳамиятлидир. Фирма томонидан 16 хил моделда ишлаб чиқарилаётган сканерлаш дастгоҳлари эса, ўз харидорларига эга. У қарийб 50 йилдан буён ишлаб чиқараётган рақамлаштириш техникалари билан жаҳон бозорида ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Мазкур замонавий ахборот технологияларининг қулайлик томонларидан бири, аввалги лойиҳа асосида Япониянинг Panasonic kv-s7075c дастгоҳида адабиётларни муқова ва саҳифаларидан ажратилган ҳолда рақамлаштирилган бўлса, бугунги кунда A0 hornet semi-robotic, A1 flash semi-robotic, A2-Public-Book2, A3 Spirit дастгоҳларида нашрларни





асл ҳолида ва тез фурсатларда рақамлаштириш имконияти яратилди.

Бу дастгоҳларни яна бир қулайликларидан бири айниқса, A0 hornet semi-robotic, A1 flash semi-robotic сканерлари 84,1x118,9 см ҳажмдаги босма нашрларни 10 сония ичида электрон шаклга ўткази олади.

A2-Public-Book2 сканернинг аҳамиятли томонларидан бири, вақтли матбуот нашрларнинг энг оммабопларидан бири бу газеталарни 42x59,4 см, ҳажмини эътиборга олсак, уни рақамлаштиришда ҳеч қандай қийинчилик тугилмаслигидадир.

A3 Spirit – сканери эса 29,7x42 см ўлчамдаги газета ва журналлардан тортиб, кичик 10,5x14,8 см ҳажмгача бўлган адабиётларни ҳам жуда сифатли ва юқори тезликда электрон шаклга ўткази олиш имкониятига эга.

Ушбу рақамлаштириш дастгоҳларида иш олиб бориш учун махсус «Tocosa» дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур жуда кўп имкониятларга эга бўлиб, адабиётларни рақамлаштириш давомида асл кўринишида электрон шаклга ўткази ва JPG, TIFF, PDF форматларида сақлай олади.

Fujitsu-fi6770 – мазкур сканер адабиётларни рақамлаштиришда энг тезкор ва сифатлилиги билан бошқа сканерлардан ажралиб туради. Лойиҳа режасига мувофиқ,

республикамиздаги мавжуд 20 та ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари учун семинар-тренинглари ташкил этилиб, лойиҳа мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништириш баробарида, бу борада уларнинг касбий малакасини ошириш учун назарий ва амалий машғулоти ўтказилди.

Келажакда барча ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятига татбиқ этиш ишлари жадаллаштирилмоқда. Мазкур ўқув машғулотида иштирок этган мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳозирги кунда фойдаланувчиларга тез ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда инновацион лойиҳаларнинг соҳа фаолиятига татбиқ этишдаги аҳамиятини эътиборга олиб, мазкур лойиҳани республикамизнинг барча ахборот-кутубхона муассасаларига татбиқ этилиши нафақат фойдаланувчиларнинг, балки биз кутубхона мутахассисларнинг ҳам иш унумдорлиги ошишига сабаб бўлади. Ноёб асори-атиқа асарларни рақамлаштириш, уларни келажак авлодларга сифатли етказишимизда, масофадан туриб ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишимизда катта имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиздир. Зеро, замон талаблари асосида замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш давр талабига айланиб бормоқда.

Рақамлаштириш дастгоҳларида иш олиб бориш учун махсус «Tocosa» дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур жуда кўп имкониятларга эга бўлиб, адабиётларни рақамлаштириш давомида асл кўринишида электрон шаклга ўткази ва JPG, TIFF, PDF форматларида сақлай олади

Илхомдҷон Мухтаров, заведующий отделом информационных технологий Андиганского информационно-библиотечного центра имени Бабура.

В статье рассказывается о тренинге, который состоялся при участии Национальной библиотеки Узбекистана для специалистов информационных технологий, в частности, в области оцифровки различных печатных изданий. Тренинг проводили специалисты из ведущей Немецкой компании «MicroBox» совместно с Корейской компанией «LG CNS» в рамках Национальной общеобразовательной электронной библиотеки. В тренинге участвовали ведущие специалисты информационных технологий областных ИБЦ, а также специалисты из Министерства высшего и среднего образования РУз. Целью тренинга являлось обучение управлению сканерами для оцифровки различных размеров печатных изданий, также была освоена специальная программа «Tocosa» для оцифровки книжных изданий в форматах JPG, TIFF и PDF. ■

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРГА АХБОРОТ- КУТУБХОНА ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ



Дилрабо Норматова,
Жиззах вилоят
кўзи ожизлар
кутубхонаси услубий
библиографик
бўлими
библиографи

«JAVS»
дастурида
ишловчи
компьютерлар
жамламаси ўқиш
залларига
ўрнатилиб,
эндиликда, кўзи
ожиз
фойдаланув-
чилар китобларни
овозли эшитиш
билан бирга
замонавий
техникалардан
фойдаланиш
дастурини ҳам
ўрганиш
имкониятига эга
бўлишади

» **К**итоб инсонларнинг, хусусан, ёшларнинг кундалик танавул қиладиган нони, нафас олиш учун зарур ҳавоси бўлмоғи лозим. Киши китоб ўқимасдан туролмаслиги, ҳатто яшай олмаслиги мумкин. Китоб ўқиб маънавиятни бойитиш, бўш вақтини китоб ўқишга бағишладан ҳам олийроқ фазилат йўқ. Бу туйғуни кўзи ожиз инсонлар яхши тушунади.

Кўриш имконияти чекланган аҳолини ахборот билан таъминлашга хизмат қилувчи кутубхоналарнинг асосий вазифаларини амалга оширишда, кўзи ожизлар кутубхонаси фондини тўлдириш, нашрлар турларига кўра, уларни ҳисобга олиш, маълумот манбаларини тузиш, сақлаш, фойдаланувчилар фойдаланишлари учун адабиётларни тарғиб қилишни ташкил этиш муҳим вазифа саналади. Соғлом инсонлар билан бир қаторда кўзи ожиз инсонлар ҳам замон билан ҳам нафас яшашлари учун бугунги ахборотлашган замонавий кўзи ожизлар кутубхоналарини ташкил этиш зарур.

Республикамизда биринчи кўзи ожизлар кутубхоналари ташкил этилганига қарийиб 70 йил тўлмоқда. Шу сабабли бизнинг Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси 1978 йил Жиззах шаҳар маданят уйи тасарруфида ташкил этилган 1990 йилгача Жиззах вилоят кўзи ожизлар жамиятида 2 та хонада фаолият юритган. 2007 йилда Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси 2300 та китоб фонди билан Кўзи ожизлар жамияти биносининг 3-қаватида қайта ташкил этилди. Кутубхона имонияти чекланган, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади. Жумладан, бугунги кунда кутубхона фондида бўртма ёзувли, аудио ҳамда босма ёзувдаги жами 13000 дан ортиқ адабиётлар мавжуд бўлиб, ушбу китоб фонди билан Жиззах вилоятидаги ҳамда Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Зафаробод, Ш.Рашидов туманларидаги кўзи

ожиз ва заиф кўрувчиларга кутубхона хизмати кўрсатилмоқда.

Шаҳар ҳудудидаги имконияти чекланган фойдаланувчиларга адабиётлар етказиб бериш мақсадида ногиронлар реабилитация маркази, 32-сонли ногирон болалар махсус мактаб интернати, Кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар мактаб интернати, Жиззах давлат педагогика институти ҳамда Жиззах санаторийсида кўчма кутубхоналари фаолият олиб боради. Кўчма кутубхонада ходимлар томонидан ҳар 15 кунда адабиётлар алмашинуви олиб борилади. Ҳозирги кунда вилоят ва туман кўзи ожизлар кутубхоналарининг моддий техник базаси замонавий талаблар даражасига жавоб бера оладиган ҳолатда жиҳозланган, иситиш, совутиш мосламалари ўрнатилган бўлиб фойдаланувчиларга кутубхонадан фойдаланишлари учун қулайликлар яратилган.

Вилоят, туман кўзи ожизлар кутубхоналари сўнгги русумдаги компьютер жамламалари билан таъминланган. Сўнгги ўн йил мобайнида дунё миқёсида кўзи ожизлар учун янги техник мосламалар, компьютер қурилмалари ишлаб чиқариш жадаллашган бўлиб, кўзи ожизлар кутубхоналарида бундай қурилмаларни бўлиши фойдаланувчини адабиётлардан тез ва самарали фойдаланишига хизмат қилади. Шу асосида кутубхонада яна бир қулайлик яратиш учун китобларни овозли эшитиш, фойдаланувчиларни талабларига кўра «JAVS» дастурида ишловчи 6 та компьютер жамламаси келтирилиб, ўқиш залларига ўрнатилди. Эндиликда, кўзи ожиз фойдаланувчилар китобларни овозли эшитиш билан бирга замонавий техникалардан фойдаланиш дастурини ҳам ўрганиш имкониятига эга бўлишади. Мақсадимиз вилоятдаги кўзи ожизларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, уларни керакли маълумотлар билан таъминлашда кўмаклашидир.



Бугунги кунда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи фуқароларни маданий-маърифий тадбирлар орқали жалб этиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, кутубхонада муҳим ва унутилмас саналарга бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, янги адабиётлар кўргазмалари уларнинг талаби ва иштирокларида ташкил этилади. Жумладан, Жиззах вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар махсус мактаб интернати ўқувчилари ҳамда «Меҳр-мурувват» шаҳарчаси фуқаролари ўртасида овозли тўгараклар ташкил этилган, унда тўгарак аъзолари брайль ёзувида тез ва ифодали ўқиш, ёзиш бўйича саводхонлигини мустаҳкамлайдилар. Кутубхонада махсус аудио воситалар орқали ўзлари танлаган адабиётларни овозли тарзда тинглаш имкониятига эга бўладилар.

Кўзи ожизлар кутубхонаси фаолиятида вилоят маданят ишлари бошқармаси томонидан молиялаштирилсада у мақсад йўналишига кўра вилоят, шаҳар кўзи ожизлар жамияти билан яқиндан ҳамкорлик олиб боради. Аини ҳамкорлик самараси кутубхонада кўзи ожизлар ўртасида етишиб чиқан таъқли шахслар, жамият фаолиятида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар тўплашда яқиндан кўмак олинади.

Шу билан биргаликда, кутубхонада фаолият олиб бораётган ходимлар ҳар томонлама

билимли, талабчан бўлиши учун ҳар йили кутубхона соҳасида Республикамизда ўтказиладиган малака ошириш курслари, кўрик-танловлар ва семинарларда иштирок этмоқда. Бу, албатта, фойдаланувчиларга тез ва самарали янгиликлар билан хизмат кўрсатишда ўз ўрнига эга.

Давлатимиз томонидан имконияти чекланган фуқароларни билим даражасини ошириш, маънавиятини юксалтириш, китоб ўқиш, мутолаа маданиятини ошириш мақсадида 2018 йил 18 сентябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 739-сонли қарори имзоланди. Бу эса, имконияти чекланган фойдаланувчиларга янгича усулда замонавий қулайликлар асосида хизмат кўрсатиш тизимини такомиллашиши ва янада самарали ишлар йўлга қўйилишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш кераки, ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда эндиликда кўзи ожизлар кутубхоналари ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатадиган махсус ахборот-кутубхона муассасаси деб юритилиб бунда «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини, ногиронлар эҳтиёжини ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда ишлаш» талабларига риоя этиш имконини беради.

Жиззах вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар махсус мактаб интернати ўқувчилари ҳамда «Меҳр-мурувват» шаҳарчаси фуқаролари ўртасида овозли тўгараклар ташкил этилган, унда тўгарак аъзолари брайль ёзувида ўз саводхонлигини мустаҳкамлайди

Норматова Дилрабо, библиограф Информационно-библиотечного центра для слепых Джизакской области.

Автор статьи пишет, что люди с ограниченными возможностями тоже должны получать полноценную информацию, для этого перед библиотекарем стоит несколько задач. Областная библиотека была организована в 1978 году и за прошедшие сорок лет работники библиотеки оказали услуги многим незрячим читателям. Общий фонд библиотеки со шрифтом Брайля на сегодняшний день составляет около 13 196 единиц книг. В последние годы для улучшения условий незрячим пользователям была установлена современная компьютерная аудиосистема с программным обеспечением «JAMS». Кроме этого в библиотеке организуются для пользователей различные культурно-просветительские мероприятия, также проводятся творческие встречи с известными людьми. ■

МУҲИМ ВА УНУТИЛМАС САНАЛАР



Қадрли мухлислар, келгуси йилнинг январь, февраль, март ойларида нишонланадиган муҳим ва унутилмас саналар ҳақида маълумот берамиз. Ундан Ўзбекистон ва жаҳонда машҳур мутафаккирларнинг таваллуд кунлари ва муҳим саналар ўрин олган.



2 январь

Кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Латиф Файзиев (1929 – 1994) таваллудининг 90 йиллиги.

5 январь

Актриса ва хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова (1919 – 1979) таваллудининг 100 йиллиги.



7 январь

Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Тошхон Султонова (1909–1989) таваллудининг 110 йиллиги.

12 январь

Машҳур америкалик ёзувчи, бир қатор саргузашт китоблар муаллифи Жек Лондон (1876 – 1916) таваллуд топган кун.



Француз ёзувчиси ва эртакчиси, шоир ва танқидчиси Шарль Перро (1628 – 1703) таваллуд топган кун.

14 январь

Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев (1904–1974) таваллудининг 115 йиллиги.

23 январь

Жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили Маҳмудхўжа Бехбудий (1874 – 1919) таваллудининг 145 йиллиги.



24 январь

Француз драматурги ва публицисти Пьер Бомарше (1732–1799) таваллуд топган кун.

25 январь

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, адиб Ўлмас Умарбеков (1934–1994) таваллудининг 85 йиллиги.

27 январь

Инглиз математиги, файласуф ва ёзувчи Льюис Кэрролл (1832–1898) таваллуд топган кун.

Австриялик бастакор ва мусиқачи Вольфганг Амадей Моцарт (1756–1791) дунёга келган.

29 январь

Адиб Муҳаммадшариф Сўфизода (1880–1937) таваллудининг 145 йиллиги.

Рус ёзувчиси ва драматурги Антон Чехов (1860–1904) таваллуд топган кун.

30 январь

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислон Каримов дунёга келган кун.

Кинорежиссёр, сценарист, актёр Леонид Гайдай (1923 – 1993) туғилган кун.

2 февраль

Ирландиялик ёзувчи ва шоир, «Улис» романининг муаллифи Жеймс Жойс (1882–1941) туғилган кун.

5 февраль

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, кимёгар олим, кимё фанлари доктори, профессор Саъдулла Искандарович Искандаров (1939) таваллудининг 80 йиллиги.

6 февраль

Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилган кун (1991).

7 февраль

Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби Томас Мор (1478–1535) дунёга келган.

Америкалик ёзувчи Чарльз Диккенс (1812–1870) таваллуд топган кун.

9 февраль


Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий (1441–1501) таваллуд топган кун.

10 февраль


Рус шоири ва ёзувчиси, Нобель лауреати Борис Пастернак (1890–1960) таваллуд топган кун.

11 февраль

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган олим, техника фанлар доктори, механик олим Жарулла Файзуллаевич Файзуллаев (1924–1992) таваллудининг 95 йиллиги.



Маҳмудхўжа Бехбудий



Муҳаммадшариф Софизода




Жеймс Жойс



Антон Чехов



Жарулла Файзуллаев



Борис Пастернак



Галилео Галилей

11 февраль

Америкалик ёзувчи ва сценарист Сидни Шелдон (1917–2007) таваллуд топган кун.

14 февраль

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, шоир, тарихчи, давлат арбоби моҳир саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) туғилган кун.

15 февраль

Экспериментал физика асосчиси, математик, файласуф, физик ва астроном олим Галилео Галилей (1564–1642) таваллуд топган кун.

Британиялик математик, файласуф Альфред Норт Уайтхед (1861–1947) дунёга келди.

17 февраль

Шоир, таржимон Чустий (Хўжаев Набихон) (1904–1983) таваллудининг 115 йиллиги.



Чустий (Хўжаев Набихон)

21 февраль

Радиотехник, радио найчалари саноатининг асосчиси Бонч-Бруевич (1884–1940) таваллуд топган кун.

25 февраль

Ёзувчи ва шоира Леся Украинка (1871 – 1913) дунёга келган кун.



Виктор Гюго

26 февраль

Француз романтик ёзувчиси Виктор Гюго (1802–1885) таваллуд топган кун.

1 март

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Шарафиддинов Озод Обидович (1929 – 2005) таваллудининг 90 йиллиги.

Уйғониш даври рассоми, италиялик Сандро Боттичелли (1445 – 1510) туғилган кун.




Озод Шарафиддинов

2 март

Рус маданият марказининг Республикада ташкил этилганинг 25 йиллиги (1994).

4 март

«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган кун (1993).




Тарас Шевченко

9 март

Украин шоири ва рассом Тарас Шевченко (1814 – 1861) дунёга келган кун.

Учувчи космонавт Юрий Гагарин (1934 – 1968) туғилган кун.



Альберт Эйнштейн

13 март

Физик, халқаро Нобель мукофоти лауреати, нисбийлик назарияси муаллифи Альберт Эйнштейн (1879 – 1955) дунёга келган кун.

14 март

«Ўзбекистон Республикаси Халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилган кун (2000).

15 март

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, файласуф-олим Эркин Юсупов (1929–2003) таваллудининг 90 йиллиги.



Юрий Буряков

Археолог-олим, тарихчи-шарқшунос Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Юрий Фёдорович Буряков (1934–2015) таваллудининг 85 йиллиги.



Рудольф Дизель

Агроном олим, Россия қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннонович Маннонов (1909–1981) таваллудининг 110 йиллиги.

17 март

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги (2004)

18 март

Кимёгар олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, кимё фанлари доктори, профессор Собир Юнусович Юнусов (1909–1995) таваллудининг 110 йиллиги.



Абдулла Убайдуллаев

Композитор, дирижёр ва муаллим Николай Римский-Корсаков (1844 – 1908) таваллуд топган кун.

Немис муҳандиси ва кашфиётчиси, дизел моторининг ихтирочиси Рудольф Дизель (1858–1913) таваллуд топган кун.



Абдулла Орипов

20 март

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, пульмонолог-олим, профессор Абдулла Мухаррамович Убайдуллаев (1934) таваллудининг 85 йиллиги.

21 март

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов (1941 – 2016) таваллуд топган кун.



Себастьян Бах

Немис композитори Себастьян Бах таваллуд топган кун.

22 март

Буюк ўзбек астрономи ва математики, давлат арбоби Мирзо Улуғбек (1394–1449) таваллудининг 625 йиллиги.



Мирзо Улуғбек


27 март

Халқаро театр куни (1961).

29 март


Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, турк тилшуноси, филология фанлар доктори Александр Константинович Боровков (1904–1962) таваллудининг 115 йиллиги. ■

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЯНГИ НАШРЛАР



Етти мажлис (Мажолиси сабъа) Жалолиддин Румий / турк тилидан Раъно Ҳақимжонова таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018 – 192 б.
ISBN 978-9943-20-327-3

Жалолиддин Румий ўз асарларида одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Румий асарларидаги жозиба шу қадар инсон кўнглига яқинки, унинг ҳар бир сўзи – бир маёқ, қалбга умр йўлларини ёритувчи чироқ кабидир. Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур китоб Румий дунёсининг янги манзилларини очади, китобхонни Румий билан қайта юзлаштиради. Ўз навбатида, китобхон ҳам асар воситасида меҳрга, чин инсоний туйғуларга чанқоқ қалбини қондиради.



Буюк юрт алломалари: Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Убайдулла Уватов.
– Тошкент : «O'zbekiston» НМИУ , 2018. – 424 б.
ISBN 978-9943-28-702-0

Ҳар қандай халқ, биринчи навбатда, фидойи ўғлонлари, мутафаккир зотлари, инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган олиму уламолар билан ғурурланади. Мазкур китобда ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини, унинг маърифати, маънавияти, қадриятлари такомилда чинакам ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги қизиқарли тадқиқотлар ўрин олган. Ишончли ёзма манбаларга таяниб ёзилган, тарихий фактларга бой, бир-бирини тўлдирувчи, содда тили ва раво услуби билан ажралиб турувчи мақолаларни ўзида мужассам этган бу тўплам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Қулаётган тоғлар [Матн] : роман / Чингиз Айтматов; Иброҳим Ғафуров таржимаси;. – Тошкент : «O‘zbekiston» НМИУ , 2018. – 256 б. ISBN 978-9943-25-447-3

Атоқли адиб Чингиз Айтматов ҳаётининг сўнги йилларида битган романи «Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ)»да бозор иқтисодиётига ўтаётган, шиддат билан глобаллашув жараёнларига кириб бораётган ҳозирги дунёнинг маънавий-иқтисодий муаммоларини Қирғизистон, Марказий Осиё воқелиги, одамлар тақдири, қисматию турмуши, онгида рўй бераётган кескин, оғриқли ўзгаришларни чамбарчас ҳолда ёритди. Асарда инсон ва табиат, жамият тақдирида юз бермиш туб бурилишлару фожиалар бир бутундай тасвирланади.



Султон Жалолиддин Мангуберди. Бахтиёр Абдугафур. – Ташкент : Янги аср авлоди , 20187. – 448 б. ISBN-978-9943-20-478-2

Тарихий қаҳрамонлар ҳаёти барча даврларда ўқувчилар эътиборида бўлган. Жалолиддин Мангубердининг туғилишидан тортиб, болалиги, илму ҳарбга қизиқиши, истеъдоду иқтидори, фаолиятидаги бошқа султонларга, жаҳонгирларга ўхшамаган хислатлари билан танишишингиз мумкин. Шихобиддин Насафийнинг шу номдаги асари таъсирида ёзилган, аммо айна китобдаги тўлдирилган, бойитилган бадиий тасвирлар ўқувчига нафақат чиройли мутолаа бахш этади, балки жонли тарихий маълумотлар билан таништиради.



Пастернак, Борис. Доктор Живаго: роман/ Борис Пастернак. Таржимон: Санжар Содиқ. – Тошкент: «Шарқ» НМИУ,2018,— 687 б. ISBN 978-9943-26-815-9

Бу асар илк бор 1957 йилда ҳали муаллифнинг ўз ватанида чоп этилмай туриб, АҚШнинг марказий разветка бошқармаси томонидан рус тилида чоп этилади ва турли-туман шов-шувларга сабаб бўлади. Асар тез орада дунёнинг бошқа тилларига таржима қилиниб тарқайди ва ўз муаллифига машҳурлик олиб келади. Кейинчалик ушбу асари учун шоир, носир, таржимон Борис Пастернак халқаро Нобель мукофотини қўлга киритади. Бу асар узоқ вақт собиқ совет давлатида чоп этилмаган. Бу романда бутун бошли давлатни чўчитган қандай ғоялар бор эди? Романнинг ютуғи нимада? Бу саволларга асарни ўқиш орқали жавоб топасиз деган умиддамыз. ■



КУТУБХОНАМИ ЁКИ ТРАМВАЙ БЕКАТИ?!

Калгарида китобхон талабалар доимий стипендиялар билан таъмин этилган. Бу уларнинг янгидан янги китобларни сотиб олишларига ҳам имкон беради

Калгари... У ҳақда нималар биласиз?

Калгарининг ўзига хос кутубхоналари ҳақида сўзлашдан олдин бу гўзал шаҳар билан сизни атрофлича таништириш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки орангизда Калгари ҳақида эшитмаганлар ҳам бўлиши мумкин. Калгари Канаданинг Алберта вилоятида жойлашган доим яшиллиги ва кенглиги билан ажралиб турадиган бетакрор табиат қўйнидаги шаҳарлардан бири. У дунё бозорига нефт ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ҳудуд сифатида танилган. Калгари Канаданинг поёнсиз даштларининг охири, тоғ этакларининг бошланиш жойида қад ростлагани учун унга қизиқиш доим баланд бўлган. Бу ерда 1 220 000 га яқин одам истиқомат қилиши ҳам бу шаҳарга канадаликларнинг нақадар интилишига исбот бўлади.


Калгарида ўзига хос университетлар

Бу ердаги яна кўзга кўринган масканлардан бири Калгари университетидир. У ерда кўплаб канадалик ва дунёнинг турли нуқталаридан келган талабалар таълим олишади. Калгари университети ўз талабаларининг ишга жойлашиши ва китобхонлик даражаси билан жуда-жуда фахрланишади. Ёшларнинг

бекамукўст таълим олишлари учун давлат томонидан кўплаб стипендиялар ва мукофотлар жорий этилган. Бу университетни тугатган талабаларга доим «харидор»лар топилади. Талабаларнинг бундай ташаббускорлиги ва илмга қизиқиши ҳар қачон рағбатлантириб турилган.

Китобхонлик учун стипендиялар...

Калгарида китобхон талабалар доимий стипендиялар билан таъмин этилган. Бу уларнинг янгидан янги китобларни сотиб олишларига ҳам имкон беради. Бундан ташқари талабалар учун жорий этилган нуфузли стипендиядан бири 1980 йилда Алберта ҳукумати таркибига киритилган Александр Рутерфорд стипендиясидир. Александр Рутерфорд стипендиясининг моҳияти ўрта мактаб даражасидан юқори даражадаги илмий ютуқларни аниқлаш ва уларни мукофотлаш ва ўқувчиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ушбу стипендияларга эга бўлиш учун талаба Канада фуқароси ёки



камида бир семестр давомида тўлиқ вақтда ўқишни режалаштирган доимий резидент бўлиши керак. Бундан ташқари, Шулич муҳандислик мактабининг энг яхши ўқувчилари Шулич олимлари унвонига сазовор бўлишади ва Шуличнинг нуфузли стипендиясини олишади. Бу бўлажак муҳандислар учун муҳим бўлган бошланғич сармоя ҳақида ўйлашларига ҳам имкон яратади.

Талабалар учун иккита энг катта мукофот қайси?

Талабалар учун иккита энг катта мукофот ҳам «Энг яхши талаба етакчилиги» номинацияси бўйича мукофоти ва «Футуре Градуате Award» мукофотидир. Агар тиббиёт фанлари бакалаврлари яхши ўқишса, доимий равишда стипендия олишлари мумкин. Чунки канадаликлар тиббиёт ходимларининг яхши таъминлишини ва ўз ишларини ситқидилдан бажаришларига жуда эътибор қаратишади. Ахир гап инсон танаси устида кетмоқда. Бўлажак шифокорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ўқув машғулотларни ривожлантириш орқали жамиятнинг энг яхши докторлари ва олимлари тайёрланади. Ахир шунча рағбат бўлиб турса ким ҳам ўқимайди, дерсиз?!

Болалар – эртанги катталар ёхуд буюк келажак яратиш сирлари

Ўз болаларининг тугал таълим олишларини истаган шахар аҳолиси доимий равишда уларни рағбатлантириб туришади. Бунинг учун сабаб ва баҳона хоҳлаганча топилади. Мақсад ва муддао тўғри бўлса бўлди. Шунинг учун университетда болаларнинг академик таълими ва етакчиликнинг мукамаллиги учун ҳам мукофотлар жорий этишган.

Болаларнинг билим ва тан соғлигида ўсиши учун калгариликлар доимий изланишлар олиб боради. Калгари университетининг Албертада ЛЕЭД болалар тараққиёт маркази эртанги авлодлар учун ишлайди. Улар болаларнинг ҳаёти ва билимини доимий равишда таҳлил қилиб боради ва жамиятга ўз ўрганишларини хавола этишади. Бу ерга қадам қўйишингиз билан болаликка қайтгандай бўлиб, ёш авлодларга ҳавасингиз келади. Бундан ташқари, бу ерда болаларнинг парвариш маркази ва илмий тадқиқотчилар, шифокорлар ва ишчиларнинг тўлиқ таркибий қисми ва болалар соғлигини ўрганувчи бошқа ташкилотлар ҳам жойлашган.

Бу ерда 600 минг долларлик тўпلام бор

Бу ерга 2011 йилда нейрохрология бўйича 500 дан ортиқ нодир китоблар олиб келинган. Шунингдек, Мас Киммие тўпلام кутубхонаси китоблари ҳам қўшилган. Тўпلام неврология бўйича таълим тажрибасини кенгайтиради ва тўпلامнинг рақамли версияси орқали бутун дунё ахли улардан фойдаланишига имкон яратилди. Бу тўпلامга 1953 йилги «Қоғоз табиат» деб номланган асл нусха орқали Нобель мукофоти совриндорлари бўлган Жеймс Ватсон ва Френсис Крик ДНК тузилмасининг жуфтлик схемасини кашф этган биринчи шахсларнинг асарлари, 1600 йилларда Неврологик атамасини биринчи марта фан оламига маълум қилган ва «Неврологиянинг отаси» деб номланувчи Томас Уиллис томонидан ёзилган илк неврологик матнлар ҳам қиради. Тўпلام тахминан 600 минг доллар деб баҳоланади.

Калгариди янги ва ўзига хос кутубхона

Калгари шаҳрида ажойиб ва бетакрор кутубхона очилди. У энди Калгари шаҳарчасини янада дунёга машҳур қилмоқда. 2013 йилдан қурилиши бошланган мазкур кутубхона жорий

Болаларнинг билим ва тан соғлигида ўсиши учун калгариликлар доимий изланишлар олиб боради. Калгари университетининг Албертада ЛЕЭД болалар тараққиёт маркази эртанги авлодлар учун ишлайди. Улар болаларнинг ҳаёти ва билимини доимий равишда таҳлил қилиб боради ва жамиятга ўз ўрганишларини хавола этишади





Кутубхонага
узоқдан назари
тушган ҳар қандай
одам бу кутубхона
ўзига хос
қурилганлигини
англаб етади.
Айниқса, бино
остидан чиқиб
келаётган
трамвайни кўргач
эса лол қолиши
турган гап.
Худди тоғ
йўллари, баланд
қоялар орасидаги
ғордан чиқиб
келувчи темир йўл
поездни
эслатади

йилда якунига етди ва 2018 йилнинг 1 ноябрь кунини расмий равишда очилди. Бу калгарликлар учун чексиз қувонч олиб келди. Бу кутубхона Снойҳетта лойиҳаси бўйича қурилди ва Калгари Марказий кутубхонаси – «Library Plaza» номини олди.

Кутубхона ва тоғ манзараси

Янги кутубхона Калгари табиатига мос равишда қурилган. Унинг атрофида пурвиқор тоғлар жойлашгани учун лойиҳачилар кутубхонани ҳам тоғ манзараларига мос равишда яратишди. Бинонинг ташқи кўринишида бунга алоҳида эътибор қаратишган. Кутубхонага узоқдан назари тушган ҳар қандай одам бу кутубхона ўзига хос қурилганлигини англаб етади. Айниқса, кутубхона остидан чиқиб келаётган трамвайни кўргач эса, лол қолиши турган гап. Худди тоғ йўллари, баланд қоялар орасидаги ғордан чиқиб келувчи темир йўл поездини эслатади. Шаҳар марказидан ўтувчи трамвай линияси кутубхона бағридан кесиб йўлини давом эттиради.

2013 йилда Снойҳетта архитектура бюроси, Канада шериклари Диалог билан биргаликда Калгари жамоат кутубхонасининг янги биносини лойиҳалаштириш учун саралаш мусобақасида ғолибликни қўлга киритган ва беш йил ичида муҳташам кутубхонага асос солди. Кутубхона юқори технологиялар билан таъминланган замонавий қурилиш наъмунасидир.

Ўн олти мингдан ортиқ фуқароларнинг таклифлари инобатга олинган

Канаданинг шимолий худуди учун кутубхона лойиҳаси устида ишлайдиган дизайнерлар жамоаси ўша атроф-муҳитнинг хилма-хиллигини ва ноёб иқлимни ҳисобга олди. Лойиҳани ишлаб чиқишда меъморлар 16 мингдан ортиқ фуқароларнинг таклиф ва тавсияларини тинглади. Натижада бетакрор маскан қад ростлади. У ўсиб бораётган мет-

ропол шаҳарнинг қалбида ёрқин, меҳмондўст ва қулай жамоат жойига айланди.

Муаллифлар фикрига кўра, ёғочдан ясалган марказий туннель Алберта минтақасида булултарни ташкил этувчи тоғ шамолини эслатади. Архитектура майдони қўшни худудларни боғлайдиган, шаҳар ичкарасида янги ижтимоий майдонларни ташкил этадиган бир эшик бўлиб хизмат қилади.

Кутубхонанинг шишали атриум гумбазида осмонни кўриш мумкин. Атриум атрофида ҳаракатланадиган спираль ва ўтиш жойларида аниқ ҳаракатни ташкил этиш, асосий киришдан бошлаб, барча қатламларда осон навигация ҳосил қилади.

Кутубхона зиналаридан кўтарилган сайин...

Кутубхона майдони айлана ва спирал шаклида қурилган. Ўқувчилар орасида энг фаол ва банд бўлган одамлар пастки қаватларда жойлашади. Бундан ташқари, ҳар бир кейинги қават билан меҳмонларнинг зичлиги пасаяди.

Юқори спиралдан тинч хоналарга ўтилади. Учинчи ва тўртинчи қаватларда ўқиш хоналари, индивидуал дарслар ва тадқиқотлар хоналари мавжуд.

Фасад дизайнида ноёб геометрик шакл ишлатилган, шаффоф ва рангли ойналар панели алмашинувини акс эттиради. Дизайн кундузги ички ёруғлик даражасини мослаштиришга имкон беради. Шаффоф ойнанинг орқасида жонли оломон заллар бор. Рангли кўзойнақлар орқасида томошабинларни ўқиш ва ўқитишга қаратилган хоналар бор.

Бола билан ота-оналар учун максимал мослаштирилган макон: улар кўтарилаётганда юмшоқ гиламчалар, мебеллар, ўйинчоқлар ва китоблар билан жиҳозланган турли худудлари мавжуд бўлиб, у ерда болалар дам олиш, ўйин ўйнаши ва ўқиш имкониятига эга.

«Болаларимизни катта ғоялар бағрига ташлаймиз»

«Анъанага кўра, катта кутубхоналарнинг пастки қаватлари болаларга берилади», – дейди Снойҳетта мутасаддиси Крейг Дякерс. – Биз уларга катталар каби исталган жойдан фойдаланишни хоҳладик. Ниятимиз, улар болалиқданок катта ва ёруғ ғоялар билан тўйиниб ўсишсин!»

Калгарликлар ўзининг болалари учун шундай бетакрор кутубхона барпо этишди. Ўз навбатида, бу болалар эртага мамлакати учун бетакрор келажак пойдеворини қуриб беришса, ажаб эмас. ■

Лазиз Нарзиев тайёрлади.

МИРОВЫЕ НАУЧНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ БАЗЫ ДАННЫХ



ОБУНА - 2019

ОБУНА ИНДЕКСИ – 1277

«INFOLIB» АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИНИНГ ХУДУДЛАРАРО ОБУНА БАҲОСИ ВА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

ХУДУДЛАР	ОБУНА БАҲОСИ	ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАР
Қорақалпоғистон Республикаси	110 036 сўм	(361) 222 88 68/63
Андижон вилояти	108 000 сўм	(374) 225 34 53
Бухоро вилояти	105 632 сўм	(365) 221 56 90
Жиззах вилояти	110 000 сўм	(372) 222 40 01
Қашқадарё вилояти	105 634 сўм	(375) 225 40 27
Навоий вилояти	106 512 сўм	(336) 223 26 86
Наманган вилояти	110 036 сўм	(369) 239 10 88
Самарқанд вилояти	111 000 сўм	(366) 234 22 53
Сирдарё вилояти	105 800 сўм	(367) 225 11 22
Сурхондарё вилояти	110 035 сўм	(376) 223 60 98
Тошкент вилояти	105 680 сўм	(371) 223 13 04
Фарғона вилояти	105 634 сўм	(373) 244 50 78
Хоразм вилояти	110 036 сўм	(362) 227 37 69
Тошкент шаҳри	93 600 сўм	(371) 233 75 49

КЕЛГУСИ СОНДА:

ОСОБЕННОСТИ СОЗДАНИЯ И
ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ МУЗЕЕВ
ИСТОРИИ БИБЛИОТЕК

МУТАХАССИСЛАР
МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШДА ОНЛАЙН
ЎҚУВ КУРСЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ

ИНФОРМАЦИОННО-
РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР
УНИВЕРСИТЕТА
ЖУРНАЛИСТИКИ И
МАССОВЫХ
КОММУНИКАЦИЙ
УЗБЕКИСТАНА – САМАЯ
МОЛОДАЯ ВУЗОВСКАЯ
БИБЛИОТЕКА

КИТОБХОНЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛИ

НАВОИЙ – ҲАЁТ СИНЧИСИ

